

Яхши
тажриба
оммалашиши
керак



2



ЁНГИН
ЎЧИРУВЧИЛАР
БЕЛЛАШУВИ

3

КАДР ТОПГАН
КАДРЛИ
ИНСОНЛАР



5

Қонунчилик ва ҳуқуқ-тартибот учун!




ПОСТДА

ГАЗЕТА 1930 ЙИЛ
12 МАЙДАН ЧИКА БОШЛАГАН

Ўзбекистон Республикаси ИИВ нашри • 2006 йил 29 апрель, шанба • 17 (3651)-сон



ЎЗБЕКИСТОН - ДУНЁ НИГОҲИДА



«Ҳеч бир
нарс
мамлакатни
спорт каби
тезда дунёга
машхур қила
олмайди».
И.КАРИМОВ.

КЕЧА ПОЙТАХТИМИЗДА-
ГИ МУҲТАШАМ «ЎЗБЕ-
КИСТОН» МАЖМУИДА
КИКБОКСИНГ БЎЙИЧА
ЖАҲОН ЧЕМПИОНАТИ
ТАНТАНАЛИ РАВИШДА
ОЧИЛДИ.

19



POSTDA-TV



МУНАЖЖИМЛАР
БАШОРАТИ
Келгуси ҳафта учун

ЯХШИ ТАЖРИБА

ОММАЛАШИШИ КЕРАК

Мамлакатимизда ички ишлар ходимларининг жамоатчилик билан ҳамкорлигини мустаҳкамлаш, ҳуқуқ-тартибот ишларини бевосита маҳаллаларда ташкил этиш, аҳолининг ҳуқуқий онги ва фаоллигини ошириш орқали ҳуқуқбузарлик ва жиноятчиликка қарши курашувчи яхлит тизимни шакллантиришга катта эътибор қаратилаётгани бежиз эмас. Бу борада айниқса, профилактика инспекторларининг ўрни алоҳида аҳамиятга эга. Наманган вилоятида профилактика хизмати самарадорлигини ошириш борасида тўпланган тажрибаларни оммалаштиришга бағишланган республика кўргазмали семинари ўтказилди.

Анжуманга Қорақалпоғистон Республикаси Ички ишлар вазирининг ўринбосари, Тошкент шаҳри ИИББ ва вилоятлар ИИБ бошлиқларининг хизмат бўйича ўринбосарлари, ҲООБ бошлиқлари ташриф буюрдилар. Улар дастлаб Тошкент—Ўш автомобиль йўлининг 114-километрида жойлашган «Наманган» йўл-патруль хизмати масканида бўлдилар. Бу ерда Фарғона водийсидан республика пойтахти, Тошкент ва бошқа вилоятларга бориш учун йўлга чиққан ҳар бир автоулов компьютер орқали рўйхатга олинади. Махсус видеокамералар автомашинанинг давлат рақамини автоматик тарзда қайд этиб туради. Агар бир кеча-кундузда 6,5-7 мингдан ортиқ турли хил транспорт воситалари шу маскан орқали ўтишини инобатга олсак, зарур ахборот базасини

тўплашда бу катта имконият бўлди.

Вилоятдаги марказий милиция таянч пунктлари ўн ва ундан ортиқ хонадан иборат бўлиб, уларда маҳалла фуқаролар йиғини раиси, диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчи, профилактика инспектори, вояга етмаганлар орасида ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш гуруҳи инспектори, «Маҳалла посбони» жамоат тузилмаси сардори фаолият кўрсатиши йўлга қўйилган. Профилактика инспекторлари зарур анжомлар билан таъминланган. 50 дан ортиқ профилактика инспекторига хизмат автомашинаси ажратилган, 30 дан ортиқ МТПларда компьютер мавжуд. Жойларда тезкор вазиятнинг барқарорлигини таъминлаш мақсадида патруль-пост, йўл-патруль ва бошқа хизматлар фаолияти ташкил қилинди. Радиоалоқа воситаси билан таъминланган, жадвал асосида профилактика инспектори ва маҳалла посбони жамоат тузилмаси сардорларининг навбатчилиги жорий қилинган. Бу борада Поп туманида амалга оширилган ишлар тадбир иштирокчиларида катта қизиқиш уйғотди. Улар Хонобод, Гурумсарой, Хўжаобод кўрғонлари ва Поп шаҳридаги марказий милиция таянч пунктлари фаолияти билан яқиндан танишдилар.

— Наманганда ташкил этилган марказий милиция таянч пунктларининг афзаллиги халқнинг ички ишлар ходимлари билан янада яқинлигини кўрсатди, — дейди Хоразм вило-

яти ИИБ бошлиғининг ўринбосари, полковник Шавкат Иброҳимов. — Айниқса, жамоатчилик назорат масканларининг ҳар бир маҳаллада борлиги, уларга жалб қилинган посбонларнинг зиммасига юклатилган вазифаларни мукамал билишлари бизда катта қизиқиш уйғотди. Бу тажрибани вилоятимизда жорий этишни мўлжаллаб қўйдик.

Чуст, Тўрақўрғон туманлари ва Наманган шаҳридаги маҳаллаларда вояга етмаганлар ўртасида ҳуқуқбузарлик ва жиноятчиликнинг олдини олиш борасида амалга оширилган ишлар семинари иштирокчиларига намойиш этилди.

Профилактика хизмати фаолиятини янада такомиллаштириш, улар ўртасида тезкор ахборот алмашувини жорий қилиш мақсадида вилоят ИИБ ҲООБ қошида марказий бошқарув йўлга қўйилган. Тажриба сифатида ташкил этилган жамоатчилик назорат масканлари маҳаллалар, турар-жойларда барқарорликни таъминлашда жуда қўл келмоқда. Ички ишлар маҳалла фуқаролар йиғинлари билан узвий ҳамкорликда жамоат тузилмаси такомиллашиб бормоқда. Ички ишлар бошқармаси ташаббуси билан 1000 нафар жисмонан соғлом, ақлан етук йигитлар танлов асосида маҳалла посбонлари сафига олинган. Улар махсус кийимбош, кўкрак нишони, қўлбоғичлар билан таъминланиб, ойлик маош ҳам белгиланган. Ҳозир шу посбонлардан 175 нафари ички ишлар идораларида хизмат қиляпти.

— Вилоятда диний маърифат ва маънавий-ахлоқий масалалар бўйича маслаҳатчилар ҳамда профилактика инспекторлари ҳамкорликда олиб борилаётган ишларни кўриб, ниҳоят тўлқинландик, — деди республика Хотинқизлар қўмитасидан ташриф буюрган масъул ходим Н. Акбарова. — Бу тажрибалари республикамизнинг бошқа жойларда ҳам жорий этилса айни мақсадга мувофиқ бўларди.

— Худудда тинчлик ва осойишталикни таъминлаш муҳим вазифаларимиздан биридир, — дейди Наманган туманидаги Хўжақишлоқ қишлоқ фуқаролар йиғини раиси Ҳакимхон Хўжаев. — Ҳуқуқни муҳофаза қилиш идораларининг ходимлари, айниқса, профилактика инспекторлари билан ҳамкорлигимиз бу борадаги ишларимизнинг самарадорлигини оширмоқда.

Вилоят ички ишлар бошқармаси мажлислар залида кўргазмали семинар якунларига бағишланган йиғилиш бўлди. Республика Ички ишлар вазири ўринбосари, полковник Абдулла Қўлдошев профилактика хизматини такомиллаштириш борасидаги Наманган вилоятида олиб борилаётган ишларнинг аҳамияти ва ижобий самараси ҳақида гапириб, бу тажрибани республикамизда оммалаштириш лозимлигини таъкидлади.

Йиғилишда сўзга чиққанлар марказий милиция таянч пунктларида маҳалла ва жамоатчиликнинг узвий ҳамкорлигига эришилгани, бу борадаги ижобий ўзгаришларнинг ўзига хослиги, ташаббусни кенг ёйиш ҳамда жойларда жорий этиш бўйича фикр-мулоҳазалар билдирдилар.

Мамлакатимиз сиёсий-ижтимоий ҳаётида юз бераётган тараққиёт ички ишлар идоралари тизимларида ҳам айрим эски услублардан воз кечиб, янгича тартибда, бугунги вазиятни ҳисобга олган ҳолда ишлашни талаб этмоқда. Бу борада вилоятда жорий этилган тажрибаларнинг аҳамияти ўзига хосдир.

Феруза САЪДУЛЛАЕВА,
майор.
Суратда: тадбирдан
лавҳа.

Р. Кенжаев
олган сурат.

Бундан ўн йил муқаддам Тожикистон Республикаси пойтахти Душанбе шаҳрида Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлигига аъзо давлатлар Ички ишлар вазирлари Кенгашининг таъсис йиғилиши бўлиб ўтган эди. Ички ишлар хизматлари ўртасида ҳар қандай жиноятчиликка қарши курашда ҳамкорлик қилиш мақсадини кўзлаган бу Кенгаши йиғилиши бўлиб ўтган йиллар давомида фаоллашиб, кўлами кенгайиб борди. Айниқса, бутун дунёда терроризм ва гиёҳвандлик балоси хавф солаётган кейинги йилларда ҳамкорликни яна мустаҳкамлаш, амалий ишлар самарадорлигини ошириш борасида маълум ютуқларга эришилди. Бир давлатда жиноят содир этиб, иккинчи давлатга қочиб ўтиб яшириниб юрган шахсларни топиб, қўлга олиш, диний-экстремистик

ҲАМКОРЛИК КўЛАМИ КЕНГАЙМОҚДА

кайфиятдаги кишиларни аниқлаш, террорчилик хуружларини амалга ошириш ҳаракатида бўлганлар ва бошқа ҳуқуқбузарликларнинг пайини қирқишда биргаликда имкониятлар ишга солиняпти.

21-23 апрель кунлари яна Душанбе шаҳрида Кенгаши ташкил этилганининг 10 йиллиги муносабати билан йиғилиш бўлиб ўтди. Унда мамлакатимиздан Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирининг биринчи ўринбосари, генерал-майор Ф. Қодиров бошчилигидаги делегация иштирок этди. Йиғилиш иштирокчилари Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлигига аъзо давлатлар Ички ишлар вазирлари Кенгаши томонидан ўтган давр мобайнида амалга оширилган ишларни таҳлил қилиб, келгусида бажариладиган долзарб вазифалар ҳақида фикрлашиб олдилар.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, Кенгашининг кейинги икки йилда бўлиб ўтган йиғилишларида давлатлар Ички ишлар вазирликлари Фахрийлар кенгаши раислари ҳам иштирок этишмоқда. Бу бежиз эмас, албатта. Кўп йиллар ички ишлар идораларида хизмат қилган фахрийлар бой тажрибага эга. МДҲга аъзо давлатлар ИИБ Фахрийлар кенгаши раислари билан ўтказилган учрашувда Ўзбекистон Республикаси ИИБ Фахрийлар кенгаши раиси, истеъфодаги генерал-майор Ф. Раҳимов сўзга чиқиб, амалга оширилган ишлар ва режалар ҳақида гапириб берди.

Йиғилиш сўнггида МДҲ давлатлари Ички ишлар вазирлари Кенгашига Мурожаат қабул қилдилар. Унда ички ишлар идоралари фахрийлари давлатлараро дўстлик, ҳамкорликни янада мустаҳкамлашга бундан буён ҳам ҳисса қўшишлари айтилган. Шунингдек, жиноятчиликнинг ҳар қандай кўринишларининг олдини олиш ва унга қарши курашдаги биргаликда олиб борилаётган ҳаракатларда имкони борича ёрдам беришлари таъкидланган.

Ўз мухбиримиз.



Чуст тумани «Олмос» қишлоқ фуқаролар йиғинидаги марказий МТП профилактика инспектори хонаси.

ШУ СОНГА ХАБАР

НАВБАТЧИЛИК ҚИСМИ ХАБАРЛАРИ

ТАФСИЛОТЛАР ЎРГАНИЛМОҚДА

2006 йилнинг 27 апрель куни соат 18.05 ларда Тошкент шаҳар Мирзо Улуғбек тумани Ҳ. Абдуллаев кўчаси, 3-трамвай-троллейбус депосига кириш жойида «Тошшаҳартрансхизмат»га қарашли трамвай темир йўл изидан чиқиб кетиб, қарама-қарши йўналишда ҳаракатланиб келаётган, ҳайдовчи Мираҳмад Миркаримов бошқарувидаги «ВАЗ-21033» русумли, 30 J 3659 давлат белгилари ҳамда Нурулла Маннатов бошқарувидаги «ВАЗ-21063» русумли, давлат белгиси 30 J 1422 бўлган автомашиналарнинг устига ағдарилиб кетган. Йўл-транспорт ҳодисаси натижасида уч нафар трамвай йўловчиси ҳаётдан кўз юмди ва ўн нафари турли хил тан жароҳатлари олишди.

Мазкур йўл-транспорт ҳодисаси юзасидан жиноят иши қўзғатилиб, тергов ҳаракатлари олиб борилмоқда.

ИИБ АКАДЕМИЯСИДА

Ўзбекистон Республикаси ИИБ Академиясида «Ички ишлар идоралари фаолиятини ташкил этишда ахборот технологияларининг аҳамияти» мавзусида анжуман бўлиб ўтди. Ижтимоий-иқтисодий соҳалардаги каби ички ишлар тизимида ҳам ахборот технологияларидан кенг миқёсда қўлланилмоқда. Бу ўз навбатида ички ишлар ходимларининг иш самарасини, тайёрланаётган процессуал ҳужжатлар сифатини ошишига омил бўлмоқда. Айниқса, маълумотлар базасидан фойдаланиш тезда ўзининг натижасини берапти. Жиноятларни «иссиқ» изидан очиш имкони яратилмоқда.

Тадбирда профессор-ўқитувчилар таркиби, илмий академик курс тингловчилари, малака оширишга жалб этилган ички ишлар ходимлари иштирок этдилар. Маъруза жараёнида тингловчилар ахборот технологиялари ва техника воситаларидан фойдаланган ҳолда маълумотлар базаси, турли дастурий воситалардан фойдаланиш сирларини намойиш этдилар. Тингловчиларнинг харитавий ахборот тизимидан фойдаланиб, жиноятни очиш мавзусидаги чиқишлари кўпчиликка манзур бўлди.

М. ЁҚУБОВ,
полковник.

ЎҒРИ УШЛАНДИ

Тошкент шаҳар С. Раҳимов туманида истиқомат қилувчи Б. Рустамовнинг уйига номаълум шахс кириб, хонадондан 500 минг сўм пул, қимматбаҳо тақинчоқ ва уй-рўзғор буюмларини ўғирлаб кетади. Туман ИИБ ходимлари томонидан олиб борилган терговқидирув ишлари натижасида ўғриликни Учетпа туманида яшовчи, ҳеч қаерда ишламайдиган. М. Радион содир этгани аниқланиб, ушланди.

тан олдилар. А. Комил, К. Ибод ва О. Жаҳонгирларга нисбатан жиноят иши қўзғатилди.

БОЗОРДАГИ САВДО

Сирдарё вилоятининг Гулистон шаҳридаги деҳқон бозорида ИИБ ходимлари томонидан ноқонуний савдога чек қўйилди. Ушбу шаҳарда яшовчи 53 ёшли А. Мавжуда 5,6 кәлибрли «OLIMPIK» русумли газли тўппончани ўқи билан 500.000 сўмга сотаётганда қўлга олинди.

дарак йўқолганлиги учун қидирилатгани. Қизчанинг бўғиб ўлдирилган жасади даладан топилди. Ички ишлар ходимлари қотилларни аниқлаб, ҳибсга олишди. Маълум бўлишича, шу қишлоқда яшайдиган Шомоҳмуд, Жўрабек, Абдуразоқ исмли ўсмирлар ўзаро жанжаллашиб, қотилликка қўл урганлар.

ТУНГИ «МЕҲМОН»

Пойтахтимизнинг Сирғали туманида истиқомат қилган 56 ёшдаги М. Одиловнинг уйига ярим тунда меҳмон ташриф буюради. Ўғирлик қилаётганда уй эгаси уйғониб қолиб, унга қаршилиқ кўрсатади. Тунги «меҳмон» эса М. Одиловни ўлдириб, қочиб кетади. Тезкор ходимларнинг маҳорати туфайли қотил топилди. У Тошкент вилоятининг Қуйичирчиқ туманида яшовчи, ҳеч қаерда ишламайдиган. И. Тогабек экан.

Исмоил МИНАВАРОВ,
ИИБ матбуот маркази
ходими,
майор.

НИҚОБЛИ БОСҚИНЧИЛАР

Тунги соат 02 дан 30 дақиқа ўтганда уч нафар шахс юзига ниқоб кийиб Самарқанд шаҳрида яшовчи, пенсионер М. Жўрақуловани уйига девор ошиб киришади. Кампирни пичоқ билан қўрқитиб, 750 АҚШ доллари, 130 минг сўм пул ва узугини олиб кетишади. Тезкорлик билан кўрилган чоралар натижасида ушбу боққинчиликни содир этганликда гумонланиб уч нафар шахс қўлга олинди. Дастлабки терговда боққинчилар айбларини

ИХТИЁРИЙ ҲЛИММИ?

Тошкент вилоятининг Бекобод туманида яшовчи, ҳеч қаерда ишламайдиган 30 ёшли Х. Шавкат Сирдарё қирғоғига дам олгани келган ва гиёҳвандлик моддасини истеъмол қила туриб, ҳаётдан кўз юмган.

ҚОТИЛ ҲСМИРЛАР

Сурхондарё вилоятининг Узун туманида яшовчи 2-синф ўқувчиси Л. шу йилнинг 22 апрель кунидан буён бе-

ЁНҒИН ҲЧИРУВЧИЛАР БЕЛЛАШУВИ

Олмалиқ шаҳрида Тошкент вилояти ИИБ ёнғин хавфсизлиги хизмати шахсий таркибининг жанговар тайёргарлиги бўйича анъанавий спорт мусобақалари бўлиб ўтди. Унда вилоятнинг шаҳар ва туманларидан келган 19 та терма жамоа тўрт боққич бўйича куч синашдилар.

Ўқув минорасининг 4-қаватини ишғол этишда биринчи ўрин Бекобод, иккинчи ўрин Янгийўл, учинчи ўрин Ангрен шаҳарлари терма жамоаларига насиб этди. Ушбу тур бўйича шахсий биринчиликда Бекобод шаҳар терма жамоаси аъзоси Б. Умаралиев, Ангрен шаҳридан

О. Норматов ва бекободлик О. Хўжаевлар мукофотли ўринларни эгалладилар.

Уч поғонали нарвонда бинонинг 3-қаватига кўтарилишда Янгийўл шаҳар терма жамоаси голиб бўлди, иккинчи ва учинчи ўринлар Бекобод ва Ангрен шаҳар терма жамоаларига насиб этди.



Тўсиқлар оша 100 метр масофага югуришда ҳам Янгийўл, Ангрен ва Бекобод шаҳарлари терма жамоалари шохсупадан жой олдилар. Шахсий биринчиликда эса Бекобод шаҳар терма жамоаси аъзоси О. Хўжаев, Янгийўл шаҳри вакили Х. Шуйбеков, Ангрен шаҳридан А. Юнусовлар барча рақибларидан устун келишди.

Мусобақа якунига кўра умумжамоа ҳисобида ҳарбийлашган ёнғин хавф-

сизлиги қисмлари ўртасида Янгийўл, Бекобод ва Ангрен шаҳарлари, касбийлашган ёнғин хавфсизлиги қисмлари ўртасида эса Янгийўл тумани, Бўстонлик тумани ва Янгийўл шаҳар жамоалари фахрли ўринларга лойиқ деб топилдилар.

Ғолибларга фахрий ёрлик, рағбатлантирувчи мукофот ва эсдалик совғалари топширилди.

Б. СОДИҚОВА,
катта лейтенант.

КИНОЛОГЛАР БАҲСЛАШИШДИ


Республика ИИБ ППХ ва ЖТСББ кинология хизмати ходимларининг навбатдаги кўпкураш мусобақаси Наманган шаҳрида ўтказилди. Қарийб бир ҳафта мобайнида бўлиб ўтган мurosасиз баҳсларда ички ишлар ходимлари ва уларнинг хизмат итлари уч йўналишда белгиланган шартларни бажардилар.

Анъанавий кўпкураш баҳсларида илғор тажрибалар қайд этилди ва энг яхши кинолог, энг яхши хизмат ити аниқланди.

Мусобақанинг тантанали ёпилиш маросимида голиб ва иштирокчилар муносиб тақдирландилар. Шахсий ва умум жамоа йўналишида яхши натижалар кўрсатганларга совғалар топширилди. Умумжамоа ҳисобида наманганлик кинологлар биринчи, Сурхондарё ва Самарқанд вилояти вакиллари иккинчи, Қашқадарё вилояти ва Тошкент шаҳри жамоаси эса учинчи ўринга сазовор бўлдилар.

Маросимда республика Ички ишлар вазирлиги томонидан Бухоро, Хоразм, Навоий, Сирдарё ва Жиззах вилоятлари ички ишлар бошқармалари кинология ходимларига хизмат машиналари топширилди.

Фурқат МАМАЖОНОВ,
майор.



Келажак бугундан бошланади

Жинойт оламида вояга етмаганларнинг оз бўлса-да мавжудлиги гоятда таъвишлидир. Хўш, жинойтчи болалар қаердан пайдо бўлаяпти? Улардаги қонунбузилиш ҳолатларига мойилликнинг пайдо бўлиш сабаблари нимада? Аввало, болаларнинг бўш вақтларидан унумли фойдаланиш, уларни машгулотларга жалб этиш энг долзарб масаладир. Бу борада вилоят ички ишлар бошқармасининг Андижон шаҳар халқ таълими бўлими билан ҳамкорликда ташкил этган «Болалар ижодиёт маркази»-да ибратли ишлар амалга оширилмоқда.

Ушбу марказда 25 та тўғарак фаолият кўрсатмоқда. Андижон шаҳрида истиқомат қилаётган мингдан ортиқ ёшлар дуралгорлик, самолёт-созлик, миллий мушқачилик, чеварчилик, техникасозлик каби касб-хунарлар бўйича сабоқ олишяпти. Ёшларнинг камолоти йўлида 25 нафар педагог намунали хизмат қилишмоқда.

Тан олиш керакки, бугунги кунда фаолият кўрсатаётган мавжуд тўғаракларнинг аксарияти пуллик. Бу айниқса,

кам таъминланган оилалар фарзандлари учун муаммо туғдириши табиий. Ушбу ижодиёт марказининг бошқа марказлардан тубдан ажратиб турадиган фарқи эса унда тўғаракларнинг мутлақо бепулликдир. Марказда хунар ёки касб сир-асрорларини ўрганиш учун болаларда қизиқиш ва ихтиёр бўлса бас. Фарзандларимиз орасида эса бўш вақтларини фойдали машгулотларда унумли ўтказиш истаги кучли. Биз бунга марказ фаолияти билан

танишиш чоғида яна бир бор амин бўлдик. Ушбу марказ ўқувчилари турли кўриктанловларда фаол иштирок этиб, муносиб ўринларни қўлга киритиб келишмоқда. Масалан, «Ёш хунармандлар», «Ёш мақомчилар» тўғараги аъзолари яқинда вилоятда бўлиб ўтган танловда биринчи ўринни эгаллаган бўлса, самолётсозлик тўғараги ўқувчилари ўзларининг ижодий ишлари билан Францияда бўлиб ўтган ўқувчи-ёшлар ижодиёти кўргазмасида қобилиятларини намойиш этиб келдилар.

— Ўқувчилар орасида тарбияси оғир, жинойтчиликка мойиллари ҳам учраб туради, — дейди биз билан суҳбатда марказ бошлиғи Ферузахон Умарова. — Бундай ёшларни тўғаракларимизга жалб этишда вилоят ИИБ вояга етмаганларга ижтимоий-ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш маркази ходимлари яқиндан ёрдам беришмоқда.

Дарҳақиқат, ушбу марказда тарбияси оғир болалар билан ишлаш, уларни машгулотларга жалб этиш, ҳали шаклланиб улгурмаган қобилиятларини намойиш этиш борасида алоҳида режалар ишлаб чиқилган. Бу борада педагоглардан М. Мамажоновна, М. Умрзоқова, Х. Солиев ва И. Туроповлар томонидан амалга оширилаётган ишлар айниқса, эътирофлидир.

Марказ фаолиятини янада кенгайтириш, тўғараклар сонини ошириш, кўпроқ ёшларни жалб этиш мақсадида шаҳардаги 24-, 50-, 10-ўрта мактабларда ҳам бир неча тўғараклар ташкил этилган бўлиб, уларда спорт, мушқачилик, чеварчилик бўйича ёшларга сабоқ берилляпти.

Шунингдек, болаларнинг ҳуқуқий билимларини оширишга алоҳида эътибор қаратилган. Конституциямизни ўрганиш, йўл ҳаракати қоидаларини ўзлаштириш,

ҳарбий машгулотларда чинқириш борасида бир қанча тадбирлар ишлаб чиқилган бўлиб, уларга биноан «Яшил чироқ», «Хуқуқингизни биласизми?», «Конституция сабоқлари» мавзуларида мусобақа, танлов ва давра суҳбатлари ташкил этиляпти.

Бир сўз билан айтганда, ёшларни ватанпарварлик руҳида тарбиялаш мақсадида ташкил этилган ушбу марказда ички ишлар ва халқ таълими ходимларининг ўзаро ҳамкорлиги ижобий самара бермоқда. Ижодиёт марказида тарбияланаётган ўқувчилар фаолияти билан танишар эканмиз, келажакимиз ишончли қўлларда эканлигига яна бир бор амин бўлдик. Зеро, келажак бугундан бошланади. Бугуннинг болалари эса билимга чанқоқлиги, қобилиятли ва тиришқоқлиги билан порлоқ келажак пойдеворини барпо этаётганлигига аминмиз.

Саминжон ҲУСАНЗОДА.

ҲАМКОРЛИК

Мамлакатимиз иқтисодий ривожланиб боришида тадбиркорлик алоҳида ўрин тутаяди. Ҳалоллик, инсоф ва диёнат ушбу соҳа кишиларининг жамиятдаги мавқеини белгилайдиган омиллардир. Давлатимиз томонидан тадбиркорларга яратилаётган шароитлар халқ фаровонлигини оширишда муҳим аҳамият касб этишини унутмаслик зарур. Бироқ улар орасида ўз манфаатини кўзлаб, қонунга хилоф иш тутаятган, қинғир йўллар билан даромад орттиришга уринаётган шахслар учраётгани ачинарли ҳолдир.

Хусусан, айрим хусусий фирмаларнинг раҳбарлари савдодан тушган нақд пулни назорат касса машинаси хотирасига киритмай, ҳисоботдан яширишга уринадилар. Шунингдек, савдодан тушган маблағ тегишли банкка топширилмайди. Улар бундай ҳаракатлари билан амалдаги тартибни қўпол равишда бузиб, давлатимизга иқтисодий зарар келтиришмоқда.

Ана шундай ҳолатларнинг олдини олиш мақсадида Тошкент шаҳар Мирзо Улугбек тумани прокуратураси ҳузуридаги солиққа ва валютага оид жинойтларга қарши курашиш бўлими ходимлари ички ишлар идоралари тезкор вакиллари билан ҳамкорликда тадбирлар уюштиришяпти. Бу эса қонунбузарларга кескин зарба беришда муҳим роль ўйнамоқда. Масалан, туман ИИБ ЖК ва УЖКБ тезкор ходими, капитан Г. Айдаров ва ҲООБ профилактика инспектори, капитан Ш. Усмоновлар билан биргаликда фуқаро Р. Абдулазизнинг автомашинаси

ИҚТИСОДИЁТИМИЗ КУШАНДАЛАРИ

қўздан кечирилганда орқа ўриндиғи ва юкхонасида 56 турдаги мулдатли ўтган дори-дармонлар сотиш мақсадида олиб кетилаётгани аниқланди.

Пойтахтнинг Шайхонтоҳур тумани ИИБ ҲООБ



профилактика инспекторлари, майор Ш. Жумаев ва лейтенант А. Қодировлар билан ушбу туманнинг Қозиробод 2-тор кучасида ўтказилган тадбирда фуқаро Р. Жаҳонгир уйда харидорга ароқ сотаётганида ушланди. У ушбу маҳсулотни отаси Равшан

ва ақаси Жамшид билан бирга хонадонда, қўлбола усулда тайёрлашганини тан олди. Унинг уйи қўздан кечирилганда сотиш учун тайёрлаб қўйилган 127 шиша «Тошкент» ароғи, 6 шиша вино, акциз маркалари, қопқоқ, спиртометр, спирт тозаловчи қўлбола мослама, 95 дона ҳар хил ёрликлар борлиги маълум бўлди. Қонунга хилоф равишда спиртли ичимлик ишлаб чиқариладиган цех ташкил этган Равшандан кўрсатма олинганда бу ашёларни Қозоғистон Республикасида айланма йўллар орқали келтираётган номаълум шахслардан сотиб олиши, қўлбола усулда ясалган ароқларнинг ҳар бирини 800 сўмдан дўконларга пуллашини айтди.

Ҳар икки ҳолат бўйича қонун бузилишига йўл қўйган шахслар албатта тегишли жазога тортилдилар. Бундан кейин ҳам иқтисодийтимиз кушандаларига қарши биргаликда курашишда ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари ходимлари билан ҳамкорлик давом этаверади.

Алишер ТОҶИЕВ.

ИҒВОГАР ИЛОНДАН ЁМОН

Ички ишлар ходимларини баъзи бир иш ёқмас, киссавур, қаллоблар ёқтирмаслиги ҳеч кимга сир эмас. Чунки мавжуд қонун-қоидаларга риоя этишни хушламовчи баъзи шахсларга осойишталик посбонлари ҳар қандай вазиятда ҳам халақит бериб, қабих режаларини чиппака чиқаришади. Бундай катта кучга қарши боришга юраги бетламаса-да, орқаворотдан, қонун ҳимоячиларини обрўсизлантириш ва уларга бўлган халқ ишончига путур етказишга ҳаракат қилишади.

Қўнғирот туманининг «Устюрт» овулида яшовчи Отесин Жанзақов йигирма олти ёшида, ақли чарчланган, билаги кучга тўлган паллада бели оғирмай ҳаёт кечиришнинг ғайриқонуний йўлини танлаганида ички ишлар ходимлари танобини тортиб қўйишди.

У қамоқдан қайтгач ҳам тавбасига таянмади. «Бу гал ҳар қандай уddaбурон изкувар ҳам қилмишимнинг калитини тополмайди», деб ўйлаган ва ўзига ортиқча ишониб юборган Отесиннинг

жараёнида жабранувчининг кўрсатмалари ҳам товусдек ҳар туста кира бошлади. Факт ва далиллар олдида Отесин гапидан чалкашиб, охири жим қолди.

Албатта, ўзинг ишонмаган нарсага бошқаларни ишонтиришга уриниш гирт телбалиқдир. Олиб борилган суриштирувлар натижа-

ТУҲМАТ ТОШ БОСМАДИ

орзуларини ички ишлар ходимлари яна саробга айлантиришди. Иккинчи бор жазо мулдатини ўтаб қайтганида Отесиннинг ёши ҳам ўттиз олтига етди. Ўртача умрнинг деярли ярмини ўтаб бўлган инсон, қолган ҳаётини тинч, осуда яшаса бўларди. Лекин қинғир ишларига нуқта қўйганлардан аламини олгиси келдими, ўзича бир иш қилмоқчи бўлди.

— Отесин Жанзақовдан ариза келиб тушди, — деб ҳикоя қилади Оролбўйи транспорт прокурорининг ўринбосари И. Арзиев. — Унда Қўнғирот бекати тармоқ ИИБ ходими, катта сержант Женисбай Ешмуротов ҳеч бир сабабсиз аризагўйини уриб, тепиб, тан жароҳати етказгани ҳақида ёзилган эди. Шу мазмундаги хат шифохона ва бошқа тегишли ташкилотларга ҳам жўнатилган экан. Биз ҳам «Фуқароларнинг мурожаатлари тўғрисида»ги қонун талабларига қатъий риоя қилиб, жабранувчининг аризасини атрофлича ўргандик. Қизиги шундаки, суриштирувлар

сида Отесин тасодифан бетонга йиқилиб, энгил жароҳат олганлиги аниқланди. Пировардида унинг ўзи ҳам ҳақиқатни тан олиб, Женисбай Ешмуротовга туҳмат қилганига иқдор бўлди. Тавбасига таянмаган Отесин яна тегишли жазосини олди.

Оз бўлса-да, орамизда аҳён-аҳён ана шундай ғаламисларнинг учраб туриши асабга тегади. Лекин бу каби ҳолатлар ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари ходимларини чўчита олмайди. Чунки халқимиз уларга ишонади.

Дурдибой ХУДОЙШУКУРОВ.



Ҳар йили май ойи яқинлашганда кўнгиллар ажиб бир ҳисга тўлади. Албатта, ёшларимиз баҳор тароватидан севиниб, жўшиб юрадилар. Биз, кексаларнинг юрагимизни ҳам қувонч, ҳам маҳзунлик ҳисси эгаллайди. Қувонишимизнинг боиси, айнан май ойида машъум Иккинчи жаҳон уруши тугаб, ғалаба билан уйга қайтганимиз. Минглаб хонадонларда яна қувонч, шодлик чироғи ёнган. Хафалигимиз сабаби, кўплаб оилалар машъум урушда яқинларидан жудо бўлганлар. Уша кунларнинг гувоҳи бўлганимиз учун ҳам дориломон кунларни кўриш насиб этганидан Яратганга шукр қиламиз.

Мамлакатимизда 9 май — Хотира ва Қадрлаш куни сифатида байрам қилинади. Хотира деганда биз кўпроқ эл-юрт тинчлик-осойишталиги йўлида ҳалок бўлганлар, жангу-жадаллардан омон қайтиб, кўп йиллар яшаб, ишлаб орамиздан ўтиб кетганларни эслашни тушунамиз.

Иккинчи жаҳон урушида Россия, Украина, Беларусь ва Европанинг бир қатор давлатларини босқинчилардан озод қилишда бир ярим миллионга яқин ўзбекистонликлар иштирок этиб, қирғинбарот жангларда ярим миллионга яқин юртдошларимиз ҳалок бўлдилар.

Мамлакат ичкарисидаги фронтдагилардан кам азият чекишмаган. Барча юмушлар кексаю ёш, аёллар ва болаларга қолган. Россия, Украинанинг саноат шаҳарларидан кўчирилиб келинган завод, фабрикаларнинг ишлаб чиқариш анжомларини тезда ўрнатиб, фронт учун ўқдор, курул-яроғ, самолёт, кийим-бош тейраб фронтга жўнатиш вужудидан куч ёғилиб турган йигитлар эмас, асосан аёллар, болалар, кексалар зиммасига тушган. Далаларда экин-тикин, ўрим-йиғим ишлари ҳам шулар кучи билан бажарилган.

Машъум уруш оловини ўчиришда иштирок этиб, мардларча ҳалок бўлганлар, мамлакат ичкарисида ғалабани яқинлаштириш учун машаққатли меҳнат қилганлар хотирасини эслаб туриш ҳар биримиз учун ҳам фарз, ҳам қарз.

Яқинда республика ИИВ Фахрийлар кенгашига Навоий вилоятидан хат келди. Унда бир фахрий ўзига кўрсатилаётган ғамхўрликдан миннатдор бўлиб шундай ёзади:

«Ички ишлар идораларида ўттиз йилдан ортиқ хизмат қилдим. Нафақага чиққанымда юрагимнинг бир чети узилгандай бўлиб, энди ҳеч кимга керак бўлмасам керак, йўқлаб келадиганлар ҳам топилмас, деган хаёлга боргандим. Ёшлик даврида меҳнатинг, хизматинг эътибордан қолса олдинда ишлар кўп, юзага чиқаришар деган хаёл билан ўзингни овутиб кетаверасан. Кексайганда эса бир калима ширин сўз билан кўнглинг тоғдек кўтарилар экан ёки аксинча. Эшикдан кимдир

сени йўқлаб келса, дунёга қайта келгандай бўласан. Раҳбариятдан, шогирдларимдан мамнунман, йўқлаб, хабар олиб турибди. Ҳар ким қариганда қадрли бўлсин».

Инсонларнинг бир-бирларини қадрлашлари

куради, биров йўл солади, яна кимдир эл-юрт осойишталигини таъминлаш учун бутун умрини бағишлайди. Одамлар кўприкдан ўтиб, йўлдан юрганларида қурган кишига раҳмат айтишса, осойишталик посбонларига ҳам энг яхши тилақларини билдиришади. Шунга амин бўлдимки, эзгулик йўлидаги ишлар халқ ёдидан ўчмайди, қадрланади.

Ички ишлар идораларида хизмат қилиш машаққатини бу масъулиятли вазифа чекига тушганлар билади. Кўплаб мактаблар, кўчалар юртимиз тинчлиги, осойишталигини таъминлаш, жиноятчиликнинг олдини олиш, унга қарши кураш, жамоат хавфсизлигини таъминлаш йўлида хизмат қилиб, ҳурмат-

йўқ. Уларнинг халқ, Ватан олдидаги хизматлари унутилмайди. Айниқса, хизмат даврида мардлик ва жасорат кўрсатиб ҳалок бўлган йигитларга юрак тўридан жой берганмиз. Муқаддас Ҳадиси шарифда ҳам ўтганларнинг яхши ишларини эслаб, уларнинг ҳаққига дуо қилиб туриш ҳар бир мўмин кишига фарз дейилган.

Шарқ ривоятларининг бирида айтилишича, подшо мулозимлари билан юртни айланиб юрганида ўзидан сал олдинда кетаётган олим — устози отининг оёғидан лой сачрайди ва унинг либосига ёпишади. Мулозимлардан бири дарров лойни олиб ташлашга чоғланганда подшо либосини ечиб унга беради ва кийимни сақлаб қўйинг, устозинг оти оёғидан сачраган лой ҳам

нади. Даволаш ёки мушкулотдан халос қилиш қўлидан келса, нур устига аъло нур, агар бунинг уддасидан чиқолмаса, далда бўладиган яхши гап айтишнинг ўзи ҳазрат Навоий бобомиз айтганларидек, вайрон бўлган Қабани қайта тиклагандек савобга лойиқ бўлади.

Ер юзи халқлари терроризм балосидан азият чекапти. На давлат, на миллатни танламай муҳиш ишларни бошлайдиган бу офат юртимизни ҳам четлаб ўтмади. Ана шу хуружлар пайтида кўплаб беғуноҳ кишилар қурбон бўлди. Навқирон йигитларимиз элимизни ана шу балодан асраш йўлида мардларча ҳалок бўлди. Уларни ҳар қанча хотирласак, қадрласак кам.

Айни кунларда кўп йиллар хизмат қилиб нафақага чиққан ички ишлар идоралари фахрийлари ҳам меҳнатларига яраша ҳурмат-эътиборда эканликларидан мамнундирлар.

Мустақиллик йилларида инсон меҳнатига бўлган эътибор, уни ҳар томонлама рағбатлантириш яхшиланиб борапти. Айниқса, кексаларни эъзозлашга алоҳида эътибор берилётганини айтиб ўтиш жоиз. Юртбошимиз томонидан 2002 йилнинг Қарияларни қадрлаш йили деб эълон қилиниб, бу борада оламшумул ишлар амалга оширилганининг гувоҳи бўлдик.

Кейинги йилларда вазирлик раҳбарияти томонидан фахрийларга нисбатан катта ғамхўрликлар кўрсатилаяпти. Айниқса, Иккинчи жаҳон уруши иштирокчилари, ногиронлар, доимий ёрдамга муҳтожларнинг эътиборда бўлиши, уларга зарурат туғилганда тиббий ёрдам кўрсатилаётгани, юртимизда инсон қадри баланд эканлигининг исботидир. Мана, бир неча йилдирки, ички ишлар идораларининг фахрийлари нафақа пулларини ўзларига қулай бўлган жойдан олишяпти. Шунингдек, зарур ҳолларда нафақа пуллари уларнинг уйларига олиб борилмоқда. Ҳар йили кўплаб фахрийларимиз саломатликларини тиклаш, даволаниш учун санаторийларга йўлланма олишяпти. Жойларда ходимларни нафақага кузатиш тантанали равишда ўтказилаётгани ҳам уларнинг кўп йиллик хизматларини қадрлашнинг бир кўринишидир.

Ўтганларнинг номини абадийлаштириш, яхши ишлари, тажрибаларини алмаштириш, уларнинг руҳини шод этиш ҳар биримизнинг инсоний бурчимиз эканлигини унутмайлик. Кишиларнинг меҳнати ва хизматини қадрлаганлар ўзлари ҳам шунга яраша эъзоз топадилар.

Малик ҲОШИМОВ,
ИИВ Фахрийлар кенгаши раисининг ўринбосари, истефодаги полковник.

ҚАДР ТОПГАН ҚАДРЛИ ИНСОНЛАР

гўзал фазилатлардандир. Шу ўринда инсон қадри ҳақида баъзи фикрларимни билдирмоқчиман. Инсон Аллоҳ томонидан яратилган мавжудотларнинг энг улуғи. Ақл, фаросати, онгли меҳнати билан бешқа мавжудотлардан ажралиб туради. Теварак-атрофдаги қанчалар нарсалар инсон меҳнати билан яралган. Модомики, у бирор фойдали юмушни бажариш йўлида куч-қуввати, билимини сарфлар экан, шунга яраша рағбат ҳам олиши керак. Тўғри, ҳар ким бажарган ишига қараб, белгиланган миқдорда моддий жиҳатдан манфаатдор бўлади. Бироқ инсон меҳнати фақат пул билан ўлчанмайди. Бажарган иши учун раҳмат айтиш, миннатдорчилик билдириш кишининг кўнглини кўтаради, янада самаралироқ меҳнат қилишга ундайди. Яхши ишларни бошқаларга намунга қилиб кўрсатиш, кўпчилик ўртасида эълон қилиб, эзгу тилақлар айтиш меҳнатни қадрлашнинг энг мақбулидир. Бу билан меҳнат қилган инсон қадри кўтарилади.

Инсон, аввало, меҳнати билан қадрли. Бу шунчаки баландпарвоз сўз эмас. Ёшим саксондан ошди, инсонда мансаб, бойлик, гўзаллик, куч-қувват ўткинчи эканига, лекин Ватан, халқ манфаати йўлида қилган хизмат, меҳнатдан келган ҳурмат-эътибор киши ёруғ оламдан ўтгандан кейин ҳам камаймай, ўзгармай қолишига кўп гувоҳ бўлганман. Кимдир кўприк



обрў топиб бу оламдан ўтиб кетган кўплаб ички ишлар ходимларининг номи билан аталади. Уларнинг хотирасини абадийлаштириш мақсадида ёдгорликлар ўрнатилди. Шу ўринда республика Ички ишлар вазири бўлиб ишлаган марҳум генераллар Йўлдош Бобоҷонов, Тожиддин Жалилов, Учқун Раҳимовлар номини ҳурмат билан тилга оламиз. Шунингдек, бутун умри, куч-қуввати, билимини ички ишлар хизматида бағишлаган генераллар Бурхон Сирожидинов, Фулом Зокиров, Жўра Аъзамов, Абдужалил Тошматов, Ёрулла Норбекёв, Комилжон Ғофуров ва бошқаларнинг номлари ҳам мангуликка муҳрланганини айтиб ўтиш жоиз. Айни кунларда сафимизда бўлмаса-да, лекин қалбимизда яшаётган ички ишлар ходимларининг ҳаммасини номма-ном санаб чиқишнинг имкони

биз учун қадрли, дейди. Халқимиз устозларни ана шундай эъзозлайди. Хизмат сирларини ўргатиб, устозлик қилганларнинг ҳар бир насиҳати, маслаҳати, тўғри йўлга солиш мақсадида айтган танқидий фикри, эътирози қадрлидир.

Инсон меҳнати, хизмати яраша қадрланиши лозим экан, қорнимга эмас, қадримга йиғлайман дегувчилар бўлмаслиги керак. Ҳоҳида даволаниш ёки саломатликни тиклаш учун шифохонада ётганимда айрим кишиларни суриштириб келувчилар бўлмаганини кўриб, унинг яқинлари, дўст-биродарларига нисбатан нафратим ортади. Бирор жойи оғриб, азият чекиб ётган кишига ҳар қандай тансиқ таом ёки мева-чевадан кўра кўнглини кўтарадиган бир оғиз ширин сўз азиз бўлади. Одамнинг қадри бемор бўлганда ёки бошига бирор мушкул иш тушганда айниқса, били-

ИШОНЧ ФИДОЙИЛИККА УНДАЙДИ

ИЧКИ ИШЛАР ИДОРАЛАРИДА ЎТКАЗИЛАЁТГАН ИСЛОХОТЛАР САМАРАСИ ЎЛАРОҚ, РЕСПУБЛИКАМИЗДАГИ ҲАР БИР МАҲАЛЛА, ҚИШЛОҚ, ҲАТТО ЭНГ ЧЕККА ХУДУДЛАРДА МИЛИЦИЯ ТАЯНЧ ПУНКТЛАРИ ТАШКИЛ ЭТИЛГАН. УШБУ МАСКАНЛАРДА ПРОФИЛАКТИКА ИНСПЕКТОРЛАРИ ЎЗ-ЎЗИНИ БОШҚАРИШ ИДОРАЛАРИ, ЖАМОАТ ТАШКИЛОТЛАРИ ВАКИЛЛАРИ, КЕНГ ЖАМОАТ- ЧИЛИК БИЛАН ҲАМКОРЛИКДА ҲУҚУҚБУЗАРЛИКЛАРНИНГ ОЛДИНИ ОЛИШ, ФУҚАРОЛАРНИНГ ҲУҚУҚ ВА МАЊФААТЛА- РИНИ ҲИМОЯ ҚИЛИШГА ҚАРАТИЛГАН ТАДБИРЛАР ТАШКИЛ ЭТИШМОҚДА. УЛАР ФУҚАРОЛАРНИНГ ҚУВОНЧ ВА ТАШВИШЛАРИ БИЛАН ЯШАШАЁТГАН ИЧКИ ИШЛАР ИДОРАЛАРИНИНГ НУФУЗИ ОШИБ, ХАЛҚ БИЛАН ЯҚИНЛАШИШГА ОЛИБ КЕЛАЯПТИ.

Ички ишлар идораларида ўтказилаётган ислохотлар самараси ўлароқ, республикадаги ҳар бир маҳалла, қишлоқ, ҳатто энг чекка худудларда милиция таянч пунктлари ташкил этилган. Ушбу масканларда профилактика инспекторлари ўз-ўзини бошқариш идоралари, жамоат ташкилотлари вакиллари, кенг жамоатчилик билан ҳамкорликда ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва маънавиятини ҳимоя қилишга қаратилган тадбирлар ташкил этишмоқда. Улар фуқароларнинг қувонч ва ташвишлари билан яшашаётгани ички ишлар идораларининг нуфузи ошиб, халқ билан яқинлашишга олиб келаяпти.

Тошкент вилояти Чиноз тумани ИИБда бўлганимизда бунга яна бир бор амин бўлдик. Туманнинг вилоят иқтисодиётидаги салохияти салмоқлидир. Ички ишлар ходимлари 97 та маҳалла, 11 та қишлоқ ва шаҳарчаларда аҳоли тинчлиги ва осойишталигини сақлаш учун бор имкониятларини ишга солишяпти. Бу борала жойларда фаолият кўрсатаётган 13 та милиция таянч пункти катта аҳамият касб этмоқда.

Этиборли жиҳати ислохотлар туфайли бу масканлар замонавий кўринишга эга бўлиб, профилактика инспекторларига барча шарт-шароитлар яратиб берилаяпти. Улар зарур техника ва алоқа воситалари билан таъминлангани жамоат тартибини сақлаш ва ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишда қўл келаяпти.

Профилактика инспекторлари кенг жамоатчилик билан яқин алоқа ўрнатилгани, маҳаллалар, ўқув муассасалари, аҳоли ўртасида огоҳликка даъват этувчи ва бошқа мавзуларда суҳбатлар, учрашувлар олиб боришаётгани боис, жорий йилда ҳуқуқбузарликлар сезиларли даражада камайди, — деди биз билан суҳбатда туман ИИБ бошлигининг ўринбосари, майор Раҳматали Қурамамов. — Ҳомийлар ва шифокорлар йили» муносабати билан ҳар

бир милиция таянч пунктга ҳомийлар бириктирилди. Масалан, «Хўжа» маҳалласидаги 271-милиция таянч пунктини «Чиноз — пахта» заводи, Чиноз электр тармоғи, туман пахта банки, «Чиноз савдо» акциядорлик жамияти, «Чиноз автоўлқурилиш» комбинати, Янги чиноз кўрғонидagi 273-милиция таянч пунктини «Чиноздон» ҳамда «Узавтоўлқу» корхоналарининг туман бўлимлари ўз оталиқларига олишган.

Туман худудида ўтказилаётган «Антитеррор», «Тозалаш», «Тун» «Арсенал», «Турмуш» каби тадбирлар натижасида муқаддам судланганлар, вояга етмаганлар ва ишсиз юрган шахслар томонидан жиноят содир этилиши ўтган йилга нисбатан камайишига эришиляпти. 2005 йилда илгари судланганлар 14 та жиноятга қўл урган бўлса, жорий йилнинг ўтган даврида бу кўрсаткич қисқаргани кузатилди. Шунингдек, маст ҳолатда содир этилган жиноятлар ҳам бир мунча камайган.

Оила — жамият негизи ҳисобланади. Бу мўъжазгина кўрғонча барқарор ҳамда мустақкам бўлсагина жамият юксалади. Бунга яқин англаган туман ИИБ ҲООБ профилактика инспекторлари 44 та оилани профилактик ҳисобга

олиб, маҳалла фаоллари, диний маърифат ва маънавий-ахлоқий масалалар бўйича маслаҳатчилар, маҳалла посбонлари билан ушбу хонадонларда мунтазам тушунтириш ишлари олиб боришяпти.

Ҳар бир маҳалла ва қишлоқда маҳалла посбонларидан иборат тунги навбатчиликлар ташкил этилган. Маҳаллада пайдо бўлган бирорта бегона киши ёки автомашина уларнинг эътиборидан четда қолмаяпти. Масалан, фуқаро М. 18 гр. героинни сотаётган пайтда «Расулбод» маҳалласи профилактика инспектори, капитан Ҳусан Мирзаев ҳамда «Маҳалла посбони» жамоат тузилмаси сардори Равшан Пардақуловлар томонидан ушланди.

Жиноятчиликка қарши кураш ва ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш профилактика инспекторлари ҳар томонлама етук, жисмонан соғлом бўлишини тақозо этади. Бунга эътиборга олган вилоят ИИБ ҲООБ раҳбарияти уларни шаходатдан ўтказиб, худудларга янгитдан бириктирди. Шунингдек, ҳолдимларнинг хизмат ва жанговар тайёргарлигини ошириш мақсадида ҳафтада икки марта ўқув-амалий машғулотлари ўтказиб турилади.

Хозирда профилактика инспекторлари мактаблар, ўқув юртлари жамоалари ҳамда маҳаллалар фаоллари билан ҳамкорликни яхши йўлга қўйишган. Бу жойларда ташкил этилаётган ҳар қандай тадбирлар ёшлар иштирокида ўтади.

— Яқинда ёшлар учун тренажёр залини ишга туширдик, — деди 271-милиция таянч пункти катта профилактика инспектори, катта лейтенант Саидмурод Саидрасулов. — Бу бежиз эмас, албатта. — Улар бўш вақтларини мазмунли ўтказишлари учун етарли имконият яратсаккина, кўнгилсиз воясалар содир этилмайди.

— Тарбияси оғир болалар ўртасида тушунтириш ишларини йўлга қўйганмиз, — деди «Олмазор» шаҳарчаси фуқаролар йиғини раиси Салқинбек Адиров. — Диний маърифат ва маънавий-ахлоқий масалалар бўйича маслаҳатчилар уларнинг ота-оналари билан суҳбатлашиб, тўғри йўлдан боришларига кўмаклашишяпти. Ўрни келганда «Богбон» маҳалласи профилактика инспектори, лейтенант А. Носиров, «Расулбод» маҳалласи инспектори, капитан Ҳ. Мирзаев, «Бирлик» маҳалласи профилактика катта инспектори, капитан О. Тожихоновларнинг хизматини алоҳида таъкиллаш жоиз.

Кўриниб турибдики, туман аҳлининг соҳа ходимларига бўлган ишончи тобора ортиб бормоқда. Ишонч эса кишини унм-ли меҳнат, фидойиликка ундайди. Истагимиз, профилактика жонқуярларини гайрат-шижоат асло тарк этмасин.

Азизжон ФАЙЗИЕВ.



Суратда: Богот туман ИИБ ҲООБ профилактика катта инспектори, майор Раҳжабой Оллабергенов ҳамда катта лейтенант Анвар Аминовлар аҳоли билан суҳбатлашмоқда.

Қашқадарё вилоятининг энг чекка қишлоқларида профилактика инспекторлари ўз вазифаларини қандай бажаришмоқда? Жамоат тартибини сақлаш, ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш, ёшларнинг диний-экстремистик оқимлар таъсирига адашиб тушиб қолишига йўл қўймастик мақсадида қандай чора - тадбирлар билгиланяпти? Биз шу каби саволларга жавоб олиш мақсадида Чироқчи тумани ички ишлар бўлимида бўлдик. Туман ИИБ бошлигининг ўринбосари, майор Зокир Жовлиев билан суҳбатлашганимизда туман худудида «Тозалаш-Антитеррор» тадбири ўтказилаётгани, унда ички ишлар идораларининг бошқа хизматлари вакиллари билан бирга профилактика инспекторлари ҳам фаол иштирок этишаётганларини алоҳида таъкиллаб ўтди.

Уймовут қишлоғи ўзининг донгдор кишилари, кайвони аёллари билан туманда ном қозонган. Бу ерда етти ярим мингдан зиёд аҳоли яшайди. Қишлоқ одамлари дилқаш, самимий. Қайси хонадонга кирманг, оила аъзолари тинч-тотув умргузаронлик қилишаётганининг гувоҳи бўласиз. Далада, яйловларда эса ҳамма ўз юмуши билан банд.

Диққатга сазовор томони, профилактика инспектори, катта лейтенант Бахтиёр Султонов Уймовут қишлоқ фуқаролар йиғини фаоллари, диний маърифат ва маънавий-ахлоқий масалалар бўйича маслаҳатчи, маҳалла посбонлари билан ҳамкорликда профилактик ҳисобда турувчи шахслар, диний-экстремистик оқимларга мойил бўлган ёшлар ўртасида тушунтириш ишлари олиб бораётгани сабабли жорий йилнинг ўтган даврида бирорта жиноят содир этилгани йўқ. Бунда қишлоқ фуқаролар йиғини қосида тунги гуруҳлар фаолият юритаётгани ҳам яхши самара берапти.

Хозирда «Кўкдала» қишлоғида экин-тикин ишлари айни қизиган палла. Бундай пайтда фаоллар, профилактика инспекторлари қўл қовуштириб ўтиришмайди. Профилактика инспектори, майор Раҳматулла Омонов аҳоли ўртасида жамоат тартибини сақлаш, ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш билан бирга, дала айланиб, назорат ишларини ҳам олиб боради. Унинг зарур алоқа воситаси билан таъминлангани бирор нохуш ҳолат юз берса, дарҳол туман ИИБга мурожаат қилиш имконини бермоқда.

Қишлоқда жанжалкаш оилалар, кўни-қўшнилари тинчлигини бузишга уринадиган фуқаролар ҳам йўқ эмас. Яқинда Б. Холмўмин йўл учун ажратилган ернинг бир қисmini ўзлаштиришга ҳаракат қилиб, бир эмас, уч қўшни билан низолашиб қолди. Профилактика инспектори, қишлоқ фуқаролар йиғини раиси ва яраштириш комиссияси аъзолари уларни тартибга чақириб, яраштириб қўйишди.

Ана шундай профилактика инспекторларининг гайрат-шижоати, ўз бурчига садоқати туфайли фуқаролар осойишта турмуш кечириб, юрт фаровонлиги йўлида барракали меҳнат қилмоқдалар.

Дониёр ТҮЙҒУНОВ.

Бугунги кунда маҳаллаларда юрт тинчлиги ва осойишталигини сақлаш, фуқаролар хавфсизлигини таъминлаш, жиноятчиликнинг олдини олиш мақсадида кўп саъй-ҳаракатлар қилина-япти. Бу борада эришилаётган ютуқларда мазкур гўшаларда фаолият юритаётган диний маърифат ва маънавий-ахлоқий масалалар бўйича маслаҳатчиларнинг тутган ўрни беқиёсдир.

Хозирда Тошкент шаҳар С. Раҳимов туманидаги 58 та маҳалланинг барчасида ана шундай маслаҳатчилар иш олиб боришяпти. Улар ўз вазифаларидан келиб чиққан ҳолда профилактика инспекторлари, маҳалла фаоллари ва жамоат ташкилотлари вакиллари билан ҳамкорликни яхши йўлга қўйишгани кўпгилдагидек натижа бермоқда. Хусусан, ўтган йил давомида худудда вояга етмаганлар томонидан содир этилаётган жиноятлар 18 тага, аёллар ўртасида 23 та, гиёҳвандлик 7 та, оила бузилиши ҳолатлари 3 тага камайгани фикримизнинг далилидир.

Худудда ижтимоий-маънавий муҳит барқарорлигини таъминлаш, диний ақидапарастликнинг олдини олиш мақсадида диний маърифат ва маънавий-ахлоқий масалалар бўйича маслаҳатчилар туман прокуратураси ходимлари, профилактика инспекторлари ва маҳалла оқсоқоллари билан биргаликда хотин-қизларнинг ҳуқуқий саводхонлигини ошириш, аҳолини огоҳликка даъват этиш ва бошқа долзарб масалалар бўйича учрашувлар, давра суҳбатлари ўтказишяпти. Шунингдек, оилалардаги маънавий муҳитни соғломлаштиришга қаратилган чора-тадбирлар ишлаб чиқилиб, жойларда кенг миқёсда ишлар олиб бориляпти. Бундан таш-

қари, диний-экстремистик оқимлар таъсирига тушиб қолган фуқаролар билан доимий равишда суҳбатлар ўтказиш, жазони ижро этиш муассасаларидан озод этилган ёки махсус ўқув тарбия муассасаларидан қайтган шахсларни турар-жой билан таъминлаш, уларни ижтимоий ҳимоя қилиш ҳам диққат марказида.

— Маҳалламизда тинчлик-осойишталикни сақлаш, гиёҳвандлик ва ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишда 181-милиция таянч пункти профилактика катта инспектори, майор Дилшод Курбонбоев ҳамда маҳалла оқсоқоли Абдумавлон Раҳимовлар билан ҳамкорликда аҳоли ўртасида «Ўз уйингни ўзинг асра» «Огоҳлик —

давр талаби» «Гиёҳвандлик — аср вабоси» каби мавзуларда мулоқотлар уюштириётганимиз катта аҳамият касб этмоқда. Базан эр-хотин, ака-ука ёки бошқа яқинлар ўзаро келишолмай қолган ҳолларда яраштириш комиссияси аъзолари билан улар муроасага келтириляпти.

— Кам таъминланган оилалар, ёрдамга муҳтож кексаларга ҳам моддий, ҳам маънавий кўмаклашишга ҳаракат қилаяпмиз, — деди биз билан суҳбатда «Мискин» маҳалласи диний маърифат ва маънавий-ахлоқий масалалар бўйича маслаҳатчиси Мамлакат Маҳмудова. «Қорасарой» маҳалласидаги барча саъй-ҳаракатлар ҳам ушбу маскандаги маъ-

навий муҳитни яхшилаш, хонадонларда тинчлик ва хотиржамликка эришишга қаратилган. Диний маърифат ва маънавий-ахлоқий масалалар бўйича маслаҳатчи Нафиса Эргашева, профилактика инспектори, катта лейтенант Даврон Искандаров ва маҳалла оқсоқоли Мажид Абдуллаевлар доимо бамаслаҳат иш тутишади. Шу боис, ҳуқуқбузарлик ва жиноятларнинг олдини олишда эришилаётган натижалар чакки эмас. Нафиса Эргашева айниқса, вояга етмаган болалар дардан сўнг бўш пайтларида шуғулла-нишлари учун футбол, волейбол, баскетбол, шахмат-шашка тўғарақлари ташкил этиш, қизларни эса тикувчилик, тўқувчи-

лик ҳунарларига жалб қилишга алоҳида эътибор қаратаяпти. Бу эса ўз самарасини бермоқда.

Бир сўз билан айтганда, юрт тинчлиги ва осойишталиги, аввало, ҳар бир хонадон аъзолари ва маҳалла фуқароларининг ўзаро аҳил, иноқ яшашлари, жойларда ташкил этилаётган диний-маърифий ҳамда профилактик тадбирлар самарасига боғлиқ эканлиги яққол кўзга ташланмоқда. Шундай экан, профилактика инспекторлари, фаоллар, диний маърифат ва маънавий-ахлоқий масалалар бўйича маслаҳатчилар ўз зиммаларидаги вазифаларни удалаш учун бор имкониятларни ишга солишлари зарур.

Умида БОЛЛИЕВА.

МАСЛАҲАТЧИ ТҮЙ ТАРҚАМАС

КЕЧАГИ ШОГИРЛА ЭНДИ УСТОЗ

Самарқанд шаҳар ИИБ ҳузуридаги қўриқлаш бўлимига қарашли банк муассасаларини қўриқлаш отряди бўлинма сардори, катта сержант Диамат Холиқов ўз касбига меҳр қўйган, фидойи ходимлардан биридир. У 1986 йили ҳарбий хизматни ўтаб қайтгач, Тошкент авиасозлик заводига ишга кирди. Корхонада меҳнат қилиш билан бирга Сирдарё вилояти Оқолтин туманидаги ўрта - махсус билим даргоҳини сиртдан битириб олди.

— Ички ишлар идорасида хизмат қилиш болаликдаги орзуим эди, — деди у. — Ниятимга етган

нимдан бахтиёрман. Чунки ота-онамга улғайганимда ички ишлар ходими бўламан, деб ваъда берган

дим. Раҳматли отам Ўрол бобо Пастдарғом туманидаги «Дўстлик» жамоа хўжалигида 30 йилдан ортиқ тракторчи бўлиб, ҳалол меҳнат қилган. Онам Гулсара ая ҳозирда ҳаёт, кексалик гаштини сураяпти. Умр йўлдошим Дилфузахон шаҳардаги ўрта мактабларнинг бирида ишлайди. Уч нафар фарзандимиз бор.

Диамат Холиқов дастлаб ишга келганда унга истеъфодаги подполковниклар О. Мамасолиев, У. Тўракулов, майор Ч. Касумовлар устозлик қилиб, касб сирлари ўргатишди. Уларнинг

ўғитларига амал қилиб ўтган йиллар давомида обрў-этибор топди, ўзи ҳам кўпгина шогирдлар етиштирди. Ҳозирги кунда Самарқанд шаҳар ИИБ ҳузуридаги қўриқлаш бўлими взвод сардори, катта лейтенант Ш. Исмойлов, Пастдарғом тумани ИИБ ҲООБ профилактика инспектори, катта лейтенант К. Саидовлар уни устоз, дея эъзозлашади.

Банкда хизмат ўташнинг алоҳида хусусиятлари бор. Жумладан, ҳар куни юзлаб фуқаролар билан муомалада бўлиб, руҳсатномалар тизимини тўғри



ташқиллаштириш лозим. Бўлинма сардори буни доимо қўл остидаги ходимларга ўқтириб боради. Ички ишлар ходими, деган шарафли касб эгаси бўлиш юрагида ўти бор, аввало,

эл манфаатини ўйлайдиган кишиларга насиб этади. Катта сержант Диамат Холиқов ана шундай инсонлар сирасига қиради.

Анвар ҒУЛОМОВ,
подполковник.

КАСБИНИ АРДОҚЛАЁТГАНЛАР

Термиз шаҳар марказий бозори худудида номаълум шахс бир аёлнинг сумкасини кесиб, пулини ўмариб кетгани ҳақидаги хабар ички ишлар ходимларини сергаклантирди. Кўп ўтмай воқеа жойига тезкор гуруҳ етиб борди. Унинг таркибида шаҳар ИИБ тергов бўлинмаси бошлиғи, подполковник Муҳаммади Курбонов ҳам бор эди. Бозорда одам гавжум. Бир нечта тажрибали изкувар, профилактика инспектори ва шаҳардаги одамларни яхши танийдиган бошқа ходимлар кузатувни бошлашди. Муқаддам судланган икки фуқаро, қиморбозлик билан шугулланувчи яна бир киши шубҳаланиб қўлга олинди. Суриштирув чоғида улардан бири — Жамил пулни ўмарганини тан олди.

Ўғирланган пул 40 минг сўм эди. Ўғри эса анойилардан эмаслиги кўриниб турарди. У муқаддам ўнлаб ўғирликлар содир этгани учун 13 йил қамоқ жазосига ҳукм этилган эди. Болаликдан ўғирлик, киссавурлик, арокхўрлик ва гиёҳвандликнинг касб қилиб олган жиноятчининг бундай йўл тутиши, яъни осонгина таслим бўлиши терговчини ўйлантириб қўйди.

Муҳаммади Курбонов ўз тажрибаси, мушоҳадаларига таяниб кейинги йилларда содир этилган ва жиноят иши очилгунча ҳаракатсиз турган «иш»ларни чуқур таҳлил этди. Кўпгина ўғирликларнинг содир этиш усули ва воситалари ўхшаш, бир-бирини такрорлагандай эди. Тунда кулф бузилиб, дастлаб компьютер, кейин видео ва аудиотехникалар, гилам ҳамда бошқа қимматбаҳо буюмлар ўғирланган. Булар Жамилнинг «иш»и бўлиши мумкин. Улар арзон-гаровга пуланган. Аммо буни исботлаш керак. Жамил эса ҳақ-ҳуқуқини яхши билади. У аниқ далил ва исбот бўлсагина айбини бўйнига олади. Акс ҳолда қилган жиноятлари очилмай қолади.

Терговчи ҳаракатсиз ётган 30 дан ортиқ жиноий ишларни саралаб олди. Уларнинг асосий қисмида Жамилнинг қўли бор, деган хулосага келди. Энг аввало, эксперт-криминалист билан узоқ суҳбатлашди. Кўз касалликлари шифохонасида содир этилган ўғирлик чоғида ҳовлида қолдириб кетилган компьютер ва бошқа баъзи жиҳозлардаги қўл-бармоқ излари Жамилга тегишли бўлиб чиқди.

Бу пайтда ИИБ бошлиғи Муҳаммади Курбоновни ҳузурига чақиртирди. — Ишни тезроқ тугатинг! Бошқа муҳим топшириқ бор, терговга киришасиз, — деди у.

— Ўртоқ бошлиқ, — босиқлик билан сўз бошлади терговчи. — Бу ерда бошқа гап борга ўхшайди. Менимча, уюшган жиноятчилар тўдаси йиллар давомида номаъқулчиликларни қилиб келишган. Калаванинг учи топиладек.

Тергов жараёнидан аён бўлиб қолган бу иш билан бошлиқнинг ўзи ҳам қизиқиб қолди. Бозорларда майда-чуйда, темир-терсак, эҳтиёт қисмлар савдоси билан шугулланувчиларнинг биридан Жамилнинг номи ва топширган буюмлари ёзилган рўйхат чиқди. Тезкор-қидирув ва тергов ҳаракатлари унга тегишли қатор жиноятларнинг очилишини таъминлади. Ўғирланган товукларни сотиб олган киши ҳам фоторобот томонидан тайёрланган суратдан Жамилни ҳеч иккиланмай таниди. Бирок компьютер, аудио-видеотоварлар изини топиш осон кечмади. Бунинг учун кўплаб кишилар билан учрашиб, тегишли ҳужжатларни тўплаш ва уларни расмийлаштиришга тўғри келди.

Жамил ҳар бир ўғирликдан кейин из йўқотиш, шубҳа ва гумонларга ўрин қолдирмаслик учун бир неча кун, ҳатто ҳафталаб кўча-кўйда кўринмасликка ҳаракат қиларди. У ўзига ўхшаган текинхўр, ўғри, қаллоб

ва ишқамаслар билан кайфсафо қилар, ичкиликбозлик, гиёҳвандлик, енгил табиатли аёллар билан бўладиган базму жамшидлардан кейин пул топиш, бунинг учун қайсидир хонадонда ўғирлик қилиш режасини тузишарди.

Жамил терговчининг саволларига ҳеч иккиланмай жавоб берар, шерикларини сотмасликка уриниб, барча айбни ўз бўйнига оларди. Енгилроқ жазо олиш учун атайин шерикларини соғмаётгани аниқ эди.

Терговчи дастлабки ўғирлиги, ҳатто бир вақтлар васлига атаб шеърлар ёзган севган қизининг хонадонини қандай қилиб ўмаргани-ю, кекса отахоннинг узун пальтоси ва каттакон шляпасини ўғирлаб, Россия шаҳарларига бориб келганини таъкидлаганда ҳам пинагини бузмади.

— Арча ниҳолларини нега суғуриб олдингиз? 19 та товукни ўғирлаганингизни ҳам бўйинингизга олмасиз?

Жамил тутақиб кетди: — Буни сиз қаердан билдингиз? Тулаков ёки Маматхонов айтгандир-да, ярамасларнинг ўзлари ҳам бирга эди-ку!

Савол-жавоб узоқ давом этди. Жамил гап орасида «жазман»лари ҳақида ҳам гапириб қўйганини билмай қолди. Муҳаммади тасмадаги суҳбатни қоғозга туширар экан, унинг жиноий шериклари тўғрисида маълумотлар олганидан мамнун эди.

Тергов-суриштирув жиноий гуруҳнинг катта кирдикорларини фош этди. Жамил Хўжаев ва унинг ҳамтовоклари қаерга қадам қўйса, ўша ерда талон-то рожлик, ўғирлик содир этиларди. Шумқадамлар Термиз Давлат университетига қарашли компьютер, принтер ва монитор, шаҳар болалар шифохонаси, кўз касалликлари шифохоналарига қарашли компьютер ва нусха кўчириш техникалари, телефон аппарати, осма соат дейсизми, тўшалган

гилам, хуллас, қўлларига илинган нарсаларни ўмариб кетаверишганди.

Ўғирланган буюмларни ўн баравар арзонига бўлса ҳам пуллашарди. Термиз шаҳридаги хонадонларнинг биридан ўғирланган қимматбаҳо рангли телевизорни атиги 40 минг сўмга сотишди. Хонадонларнинг бирига бостириб киришди. Пули бўлмаган уй бекаси босқинчиларнинг пичоқ ўқталганидан кўрқиб, қўлидаги узук ва қулоғидаги сирғасини ечиб беришга мажбур бўлди. Бу матоҳларга ҳам осонгина харидор топишди. Узук ва сирға бозор нархидан анча арзонга пулланди.

Хуллас, тергов жараёнида гуруҳ томонидан содир этилган 14 та жиноят очилди. Бу чинакам маҳорат, катта тажриба ва тинимсиз меҳнат самараси эди. Тергов-суриштирув жараёни Жамилнинг ҳам, Тулаков ва Маматхоновнинг ҳам кирдикорларини очиб ташлади. Жамил тергов ҳибсхонасида ётган бир чоғда унинг жиноий шериклари жуфтани ростлаб қолмоқчи эдилар. Аммо бунинг улдасидан чиқа олишмади. Туни билан ўғирларга шарт-шароит яратиб, улар билан айш-ишрат қилган ва жиноят қилишга рағбатлантириб келган ойимчалар ҳам четда қолишмади.

Подполковник Муҳаммади Курбонов ўз касбининг билмдони, вазифасига виждонан ёндашгани туфайли жиноий гуруҳни фош этди. Акс ҳолда Жамил ҳам, унинг шериклари ҳам жиноий фаолиятини давом эттирган, яна кўплаб хонадонларни қон қақшатган, кимларнингдир моли, бошқа бировларнинг жонига таҳдид қилган бўлардилар. Хайриятки, шумқадамларнинг пайи қирқилди. Улар қилмишларига яраша қонун олдида жавоб бердилар.

Подполковник Муҳаммади Курбонов ўз фаолияти давомида ўнлаб бундай жиноий ишларни кўриб чиққан. Тажрибали терговчи чорак асрдирки, ана шу масъулиятли касбни эъзозлаб келяпти. Хизмат вазифасига садоқат эса унинг умр мазмунига айланган.

Сафарали ОМОНТУРДИЕВ.

Яқинда Наманган вилояти ёнгин хавфсизлиги хизматининг ўн нафар ходими нафақага кузатилди. Вилоят ИИБ ЁХБ раҳбарияти уларга кўп йиллик хизматлари учун миннатдорчилик билдириб, қимматбаҳо совғалар тақдим этди.

Мана шундай бахтга муяссар бўлган ички ишлар идораларининг фахрийлари ҳурмат ва эҳтиромга лойиққирлар. Улар нафақат фарзандлари ва набираларининг ардоғида, балки хизмат қилган жамоаси назаридан ҳам четда қолмасдан, байрам ва бошқа талбирларда мазкур давраларнинг азиз меҳмони бўлишмоқда.

Республика Ички ишлар вазирлиги раҳбарияти томонидан ҳар бир фахрий нафақасини ўз вақтида олиши учун шарт-шароитлар яратишга алоҳида эътибор берилаяпти. Соғлиги яхши бўлмаган фахрийларга ҳамда уруш қатнашчиларига пенсия пуллари уйига олиб бориб бериш йўлга қўйилган.

Ҳар қандай давлатнинг буюклиги кексаларнинг ижтимоий ҳимояси билан ҳам белгиланади. Қола-

ХИЗМАТ ҚИЛГАН ЭЛДА АЗИЗ

верса, ёши улугларга ҳурмат кўрсатиш миллий қадриятимиздан саналади. Шу боис, ИИБ раҳбарияти нафақадаги ходимларга ҳаминша ғамхўрлик қилиб келмоқда.

Жумладан, вазирлик пенсия таъминоти ҳисобида турувчи Иккинчи жаҳон уруш қатнашчилари ва ногиронлари, уларга тенглаштирилган пенсионерлар, ҳалок бўлган ҳарбий хизматчиларнинг оилалари, вафот этган уруш қатнашчилари ва ногиронларининг турмуш ўроқлари, биринчи гуруҳ ногиронлари, Чернобиль АЭСи ҳалокатини тугатишда иштирок этгандар ва фронт ортида меҳнат қилган пенсионерлар Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2003 йил 27 мартдаги «2003 йилнинг 1 апрелидан бошлаб уй-жой коммунал хизматлари ҳақини тўлашдаги имтиёзлар ўрнига компенсация пули тўловларини жорий этиш тўғрисида»ги Фармонида кўра компенсация пуллари олишмоқда.

Шунингдек, республика Вазирлар Маҳкамасининг 1993 йил 27 майдаги қарорига биноан шахсий автотранспорти бўлган Иккинчи жаҳон уруши қатнашчилари ва ногиронлари, биринчи ҳамда иккинчи гуруҳ ногиронларига «Ўзбекнефтмаҳсулотлари» ишлаб чиқариш бирлашмаси ва унинг вилоятлардаги ташкилотларидан фойдаланилмаган автоёқилги учун етарли миқдордаги тоvon пули ажратилди ва бу маблағлар ўрнатилган тартибда ички ишлар идоралари пенсионерларига тўланди.

Шу билан бирга ходимларнинг пенсия ҳужжатлари ўз вақтида расмийлаштирилмоқда.

Фахрийлар — фахримиз. Уларнинг бой тажрибалари ёшлар учун ибрат намунаси ҳисобланади. Шу боис, уларнинг ҳурматини жойига қўйиб, ғамхўрлик қилиш бурчимиз.

Мирзоҳид МИРЮНУСОВ,
ИИБ Молия-иқтисод бошқармаси бўлим бошлиғи, подполковник.

РАШК



ВА ТАСОДИФ

Рашкни ҳаминша жиловлан кийин. У тизгинидан чиқиб даҳшатли кучга, катта офатга айланади. Айниқса, рашк туфайли оила бузилишлар, кўз ёшлар, айрилиқ ва тузатиб, кечириб бўлмас хатолар, ҳаттоки қотиллик келиб чиққан ҳолатларга ҳаётда мисоллар кўплаб учрайди.

Садриддин Малоҳат билан севишиб турмуш қурган эди. Улар бир мактабда ўқишди, болалиги ҳам бирга ўтди. Худди хуркак кийикни эслатувчи бу оху кўз қиз учун қишлоқнинг мана-ман деган йигитларининг қанчадан-қанчаси овора бўлишганди.

Малоҳатларнинг уйдан совчи аримас, ота-онаси эса ҳеч кимга розилик бермасди. Чунки катта қизининг раъйига қарамай турмушга бериб, «шўрва»сини татишганди. Уларнинг оиласини сақлаб қолиш учун ота-она қанчалар елиб-югуришди. Эндигина тинч-тотув яшай бошлаган бир даврда Гулноранинг эри автоҳалокат туфайли оламдан ўтди. Бечора қизи 3 нафар фарзанди билан ёлғиз қолди. Ҳар гал Малоҳатта совчи келганда кат-

та қизини ўз эркига қўйганларида, севганига турмушга берганларида эҳтимол шундай бебахт бўлмасмиди, деган ҳаёлга боришди. Шу боис, ота ҳам, она ҳам Малоҳатни ўз эркига қўйишган, кимни танласа ўшага турмушга беришга қарор қилишганди.

Тиббиёт билим юрти дарвозасидан чиқаётган Малоҳатни эркак кишининг овози ўзига тортди. Қайрилиб қараса, ҳарбийча кийинган, келишган қоматли, баланд бўйли, бир барваста йигит турарди. Қўлида бир даста қизил гул.

— Салом, Малоҳатхон, байрамингиз муборак бўлсин! — деб йигит қўлидаги гулни қизга узатди. Малоҳат эса ҳаяжондан титрарди. Бир оздан сўнг истар-истамас гулдастага қўл узатди.

— Мени танидингизми? — савол назари билан у қизга қаради.

Малоҳат чиндан ҳам балоғатта етган, ҳуснига ҳусн қўшилган эди. Қўлидаги гул билан ўзгача гўзаллик кашф этган эди.

Уларнинг никоҳ тўйларини ўтганига ҳам йигирма

йил бўлди. Ёмон яшашмади. Тотли турмушга фақатгина рашк соя ташлаб турарди. Шу туфайли Малоҳат икки марта ишга бормай ҳам қўйди. Садриддин ишлайдиган қурилиш трести эса тугатилди. Натijaда у ишсиз бўлиб қолди. Шунинг учун хотинини яна ишга жойлаштиришга мажбур бўлди. Яна худа - бехуда рашк қилаверсангиз, ишга чиқмай қўяқолай, — деди Малоҳат зарда билан.

Ҳаммаси яхши бўлади, — жавоб берди эри. Ўзи эса пул топиш мақсадида хорижга кетди.

Садриддин яхши иш топди. Ахир унинг мутахассислиги тажрибали қурувчи-муҳандис. Қолаверса, рус тилини яхши билади, катта бир иншоот иш бошқарувчилигини беришди. Яшаш жой ва бепул кийим-бош, иссиқ овқат билан ҳам таъминлашди. Борганига кўп вақт ўтмай, уйига анчагина пул жўнатди. Ҳафтасига телефон ҳам қилиб турарди. У ишга жўнаш олдидан уйдагиларига ўзининг кетганлигини сир тутишларини тайинлаган эди.

Шу сабабли ҳам Вали Садриддинни излаб келганида ҳам унинг қаердалигини айтишмаганди. Хотини эрининг феълтини яхши биларди. Айниқса, Валини негадир хуш кўрмасди, ундан Малоҳатни қизганарди. Шунинг учун ҳам унинг келганлигини эрига айтмади.

Қизи Маржона отасини яхши кўрар, соғиниб қолган эди. Телефонда отаси билан узоқ суҳбатлашди. Гап орасида Валининг уйларига икки марта келганлигини ҳам қистириб ўтди. Бу сўз Садриддиннинг юрагига игна санчгандай бўлди. У ҳеч иккиланмай йўлга тушди...

Садриддин Вали билан тасодифан танишган эди. Изгирили куз кунларининг бирида автобуси ҳалқа йўли бўйида бузилиб қолган кишини кўриб раҳми келди, унга ёрдам берди. Ўша кеча машина соз бўлмади, Валини меҳмон қилди. Кейинчалик Садриддин шу автобусда бир мунча вақт ҳайдовчи, паттачи бўлиб ишлади. Улар тез-тез улфатчилик ҳам қилишадиган бўлишди. Ўша кун Валининг автобуси йўлда бузилиб қолди.

Вали Садриддиннинг уйда автобус учун керакли бўлган эҳтиёт қисмлар борлигини яхши биларди. Шу туфайли ҳам автобусини йўл бўйида қолдириб, Садриддиннига йўл олди.

Садриддиннинг қопонгич ити борлигини билган Вали кўрқиб, маккажўхори ичидидаги ёлғизоёқ йўлдан юрди. Олапар дарвозанинг олдида ётган эди. Кечки хира-ширада хонадондан чиққан киши олдида кесак келиб тушди. Маккажўхори ичидидаги оқ қўйлакли кишини кўриб, Маржона бақириб юборди. Олапар ҳам ўзини макказорга урди. Шовқин-сурондан югуриб чиққан Садриддин унинг изидан тушди...

Тонг саҳар йўл четидида Осиё миллатига мансуб, шахси номаълум эркак кишининг аёвсиз калтаклаб ўлдирилган жасади топилгани ҳақида ички ишлар идорасига хабар келди...

Сафар АЛИ.

ҚИЛМИШ-ҚИДИРМИШ

ЖАҲАННАМГА

ЙЎЛ

Мирзоҳид ота-онасининг койишларидан безиб, уйдан бош олиб чиқиб кетди. Ўзидан ун ёш катта бўлган Света исмли аёл билан танишиб қолди. Уч нафар фарзанди бор, турмуш ўртоғи билан ажрашган бу аёл Мирзоҳид билан никоҳсиз яшай бошлади. Ўхшатмагунча учратмас, деб бежиз айтишмаган экан. Пешона тери эвазига пул топишни ҳаёлига ҳам келтирмаган Мирзоҳидга аёлнинг ниятлари мойдек ёқиб тушди. Улар мўмай даромад топиш учун турли режалар ишлаб чиқа бошлашди. Ва ниҳоят, автомашина ўғирлаб сотишга келишишди. Бунинг учун Светанинг онасига тегишли бўлган, сотилиши мўлжалланган уйга боришди. Мирзоҳид ҳовлининг бир четидан чуқур кавлади. Шундан сўнг «эр-хотин» Андижон шаҳридаги энгил автомашиналар бекатига келишди. Мирзоҳид ҳайдовчиларга зимдан назар ташлаб, «Тико» автомашинасининг эгасини кўз остига олиб қўйди. Шундан сўнг Света иккаласи нималарнидир келишиб, ҳайдовчи томон боришди.

— Ака, — сўз бошлади Света, — Шароф Рашидов кўчасидаги бир уйда мебель бор эди. Шунинг 5-кичик даҳага элтиш керак.

— Қанча берасизлар? — сўради ҳайдовчи.

Улар кира ҳақини ўзаро келишиб олгач, йўлга тушдилар. «Манзилга» етиб боргач, Света ҳайдовчига юзланди:

— Жавонни олиб чиқиш учун эримга ёрдам бериб юбормайсизми?

— Бажонидил. Ҳайдовчи шундан дея чаққонлик билан машинадан тушиб, Мирзоҳидга эргашди. Ҳовли ичкарасига киришгач, Мирзоҳид қулай вазиятни бой бермаслик учун тезкорлик билан ишга киришди... Ҳайдовчи 35 жойидан жароҳат олиб, шу жойнинг ўзида ҳаётдан кўз юмди.

Қотиллар жасадни аввалдан қазилган чуқурга кўмиб ташлашди. Бунинг учун жиноятчилар анча вақт тайёргарлик кўришгани боисми ёки феъллари азалдан айниб улгургани учунми, ҳар қалай бўлиб ўтган воқеа уларни заррача бўлса-да, сескантормади. Аксинча, жасадни кўмиб бўлганлари заҳоти автомашинага харидор излашди. Шу куннинг ўзидаёқ бир танишларига учрашиб, машинани таклиф қилишди. Харидор машинани кўздан кечириб, унинг ҳужжатларини сўради. Света билан Мирзоҳид бир-бирларига хижолатомуз тикилиб қолишди.

— Демак, машина ўғирланган, шундайми? — сўради у.

— Сен уни эҳтиёт қисмларга ажратиб сотиб юборишинг мумкин-ку, — деди Мирзоҳид.

— Йўқ, мен ўғирланган машинани сотиб ололмайман.

Света билан Мирзоҳид вақтни бой бермай бошқа харидор излашга киришиб кетишди. Аввалгиси эса шу оннинг ўзидаёқ ички ишлар бўлимига кўнғироқ қилиб, автомашинанинг ранги, давлат рақами ва Света билан Мирзоҳид ҳақида хабар берди.

Ҳамтовоқлар автомашинани пуллай олмасликларига кўзлари етиб, Тошкентга қочиб кетдилар. Аммо улар ички ишлар ходимлари аллақачон изларига тушишганини билишмас эди... Шу боис, кўп ўтмай қотиллар қўлга олинди. Андижон вилояти суди Светлана Фёдорова ва Мирзоҳид Алибековнинг қилмишларига яраша ҳукм чиқарди.

Саминжон ҲУСАНЗОДА.

ҲАР КИМКИ ЖАҒО ҚИЛСА...

ОТА-БОЛА ЗЎРАВОНЛАР

Бизни дунёга келтирган инсон ҳақида оғиз тўлдириб гапирмиш, падари бузруквор дея эъзозлаймиш. Шу боис, унинг фарзандларига ибрат кўрсатиши талаб этилади. Бунинг акси бўлса-чи? Албатта, эл-юрт олдида уялиб қолади.

Қўқонлик Олимбой Бобоев шу кўйга тушди. Вазиятдан ёшига яраша босиқлик билан чиқиб кетиш ўрнига қизиққонлик қилди. Ўғиллари ҳам ундан

ўрناق олдилар. Оқибатда...

Олимбой аканинг тўнғич ўғли Одилжон 86-автокорхонага қарашли ёрдамчи хўжаликда деҳқончилик қилиш учун шартнома тузганди. Шу боис, Гулистон қишлоғи далаларига қапа тикиб, қовун экти. Кўролмаслик ёмон-да! Бахил кишига бировнинг экинни яшнаётгандек кўринаверади. Одилжон ўзича дала кезиб юриб, қўшнилари Нўмон Мамажоновнинг тарву-

зи палак отай деб қолганини кўрди. Ўзиники бунчалик эмаслигидан аччиқландими, ҳар қалай кўчатнинг анчасини юлиб ташлади.

Бу ҳолдан хабардор бўлган эгасининг жони ҳалқумига келиб, зараркунанда йигитни инсофга чақирмоқчи бўлади.

— Шу сабиларни деб қанчалар қийналганими бошқалар билмаса ҳам, сен билардинг-ку, ука?! Қайси виждон

билан уларни юлиб ташладинг?! — деди Нўмонжон.

Ёмонлик бир нафасда қилинади. О. Бобоев ҳам қўшнисига бир сонияда зарар етказганди. Аммо қилмишига жавоб беришни малол билди, аниқроғи, тан олгиси келмади. Унинг ёнига отаси қўшилди.

Шу тариқа даҳанаки жанг бошланиб кетди. Айни шу вақтда далада кўпчилик экин парвариши билан банд эди. Кейинчалик жабрланувчига айланган Салим Ўрмонов ҳам поллизга сув тараб юрганди. Бақирчақирни эшитиб, шу томонга шошди. Ўзича иккала қўшнини ажратиб қўймоқчи эди. Қизишиб турган зўравонлар худди мақоладагидек, Алининг аламини Валидан олишди. Улар Салим Ўрмоновни дўппосдаб кетишди. Уришни ота бошлаб бер-

ди, қўлида кетмон ва чопқи бўлган ўғиллар эса унга қўшилдилар. Боши, елкаси, умуман дуч келган жойига зарба еган С. Ўрмонов хушдан кетди. У касалхонада анча даволанди. Бу муддат ичида тергов давом этди. Бобоевлар оиласи қилғиликни қилиб қўйиб, сувдан қуруқ чиқишга интиладиганлардан экан. Чалкаш кўрсатмалар бериб, терговни чалғитмоқчи бўлишди. Эмишчи, жабрланувчи уларни ажратгани эмас, ургани борибди. Шу боис, ўзларини ҳимоя қилиб, кетмон кўтаришди. Яхшики, воқеани ўз кўзи билан кўрган гувоҳлар бор эди. Улар айбланувчи ёлгон гапирётганини айтишди. Ота-бола зўравонлар қонун олдида жавоб беришларига тўғри келди.

Шерзод АҲМАДЖОНОВ,
майор.


Замонавий илм-фан намояндалари томонидан олиб борилаётган қатор тадқиқотлар кўпчиликидан сир тугилади. Инсон руҳиятини бошқариш, фикрини ўқиш, кишига узоқ масофадан туриб таъсир кўрсатиш ана шундай махфий мавзулардаги тадқиқотлардан ҳисобланади. Нимаки сир тугилса, у ҳақда турли миш-мишлар кўпаяди. Шунинг учун бўлса керак, баъзан жаҳон матбуотида ютуқларга эришилгани ҳақида ёзилади. Айрим хабарларнинг ростлигига ақл бовар қилмайди. Аслини олганда-чи? Ҳақиқатан бу йўналишларда қандай натижалар кўлга киритилган?



Экспертларнинг айтишича, нейролингвистик дастурлаш соҳасида катта силжишлар кузатилади. Бу фикрни содда қилиб ифодалайдиган бўлсак, кишининг хатти-ҳаракатини махсус калит сўзлар, товушлар ва уларга мос мусиқа ёрдамида бошқариш, керакли йўналишга йўналтириш мумкин. Илмий лабораторияларидан бирида фаолият кўрсатган олим Говард Шеврин ушбу илмий янгиликнинг асосчиларидан ҳисобланади.

Баъзи мамлакатларда ўтган асрнинг 80-йиллари ўрталаридаёқ турли мультфильмлар ёзилган минглаб аудиокассеталар сотувга чиқарилди. Булар кишининг мия пўстлоғига таъсир қилиш хусусиятига эга бўлиб, улар ёрдамида инсоннинг кайфиятини кўтариш, гайратини жўш урдириш мумкин. Фақат ушбу видеоёзувларнинг салбий томони ҳам бўлган. Яъни уларнинг таъсиридан томошабинни фақат дастур муаллифларигина халос қила оларди. Шунга қарамай аудиокассеталар қўлма-қўл бўлиб кетди. Чунки ўша пайтлар ўрта табақага мансуб аксарият кишилар тушкун кайфиятда бўлиб, бу ҳолатдан тезроқ халос бўлишни исташарди.

Маълумки, айрим мамлакатларда киши англаб ета олмайдиган, пайқаман ҳолда кўрадиган сигналлардан реклама мақсадида фойдаланиш қонуний йўл билан тақиқланган. Масалан, Фишернинг 25-кадри шулар жумласига кирди. Аммо бу тақиқ акустик (товуш) сигналларга тааллуқли эмас. Устомонлар дарҳол бундан фойдаланишди. Акустик дастурлаш реклама роликларидан кенг фойдаланилади. Энг оддий мисол. Турли озиқ-овқат маҳсулотлари реклама қилинаётган пайтида «отана», «болалар», «дўстлар», «севгилим», «қадрдон уй», «сайру саёҳат» каби юракка яқин сўзлар тез-тез ишлатилади. Натижада кишининг



БИОРОБОТ – КЕЛАЖАК ОДАМИ...МИ?

қалбида уйғонган илиқ, самимий туйғулар беихтиёр реклама қилинаётган маҳсулотларга ҳам йўналтирилади. Усталликни қаранг.

Европадаги йирик дўконларда, супермаркетларда баланд қилиб қўйилган мусиқага полиция машинасининг сигнали, кишанларнинг шикирлаши, исковуч итларнинг хуриши каби овозлар ҳам сингдирилади. Харидор бу товушларни бевосита эшитмайди, аммо унда беихтиёр ўғирлик, талончиликка қўл уришдан кўрқиб туйғуси уйғонади. Қизиғи, бундай усул кишига ухлаётганида, хушсизлигида, гипноз ҳолатига тушганида ҳам таъсир қиларкан.

Сўнгги пайтларда мутахассислар инсонни руҳий оламига тобора чуқурроқ кириб бор-

мақсадларда фойдаланар экан?.. Аммо машойихлар нақл қилганидек, бир ёмоннинг бир яхшиси бор. Шифокорларнинг фикрича, мазкур усул ёрдамида турли салбий руҳий ҳолатлар (кўрқув, хавотир)ни бартараф этиш, ичкиликбозлик, гиёҳвандлик, ҳатто руҳий хасталикларни даволаш мумкин. Аммо бунинг учун ҳозирда аксар мамлакатларда амалда бўлган қонунларга ўзгартиришлар киритишга тўғри келади. Аммо ушбу соҳада фаолият кўрсатувчи мутахассислар лицензия асосида ишлаши шарт.

Афсуски, сўнгги пайтларда турли экстремистик ташкилотлар, секталар, оқимлар ҳам руҳий таъсир қилиш усулларида фойдаланишга ҳара-

мақсадларда фойдаланар экан?..

мақсадларда фойдаланар экан?.. Аммо машойихлар нақл қилганидек, бир ёмоннинг бир яхшиси бор. Шифокорларнинг фикрича, мазкур усул ёрдамида турли салбий руҳий ҳолатлар (кўрқув, хавотир)ни бартараф этиш, ичкиликбозлик, гиёҳвандлик, ҳатто руҳий хасталикларни даволаш мумкин. Аммо бунинг учун ҳозирда аксар мамлакатларда амалда бўлган қонунларга ўзгартиришлар киритишга тўғри келади. Аммо ушбу соҳада фаолият кўрсатувчи мутахассислар лицензия асосида ишлаши шарт.


Афсуски, сўнгги пайтларда турли экстремистик ташкилотлар, секталар, оқимлар ҳам руҳий таъсир қилиш усулларида фойдаланишга ҳара-

заковатини ўзида сақлайди. Кишининг одатлари, майллари, феъл-атвори ана шу аъзога боғлиқ. Бордию табобат узоқ келажақда мияни ихчамгина компьютер билан алмаштиришга муваффақ бўлса, оқибатини тасаввур эта оласизми?!

Олимлар бундай биороботларни андроидлар деб аташади. Улар моҳиятан машҳур фильмдаги Терминаторга жуда-жуда ўхшаб кетади. Баъзи фикрларга қараганда, яратилажак биороботлар ҳозирги эътибордан анча мукамалроқ бўлишаркан. Улар рефлекслардан, кўрқув, ғам чекиш, соғиниш каби руҳий қийналишлардан қутулишади, умуман ҳис-туйғу нималигини билишмайди. Биологик касалликлардан ҳам халос бўлишаркан. Улар улғайиб даҳо бўлиб етишармиш. Ушбу назарияга, концепцияга кўра янги дунё фақат юксак технологиялар, қатъий илмий фактлар асосида курилади. Одамзот мангу ҳаётга эришади.

Булар барчаси ҳозирча илмий фантастика, албатта. Аммо айнан фантастика, орзу-хаёл инсониятга буюк кашфиётлар қилишига туртки бўлган.

Нима бўлганда ҳам ҳамма замонларда инсониятнинг руҳий, маънавий камолоти энг долзарб вазифа бўлиб келган. Ҳозир ҳам шундай. Бундан кейин ҳам шундай бўлиб қолади.



ТАВБА ҚИЛИНГ

Агар тушингизда ўтмишга тушиб қолсангиз, уйғонганингиздан сўнг эҳтиёт бўлинг. Бундай тушлар ажлодларингиздан кимдир қачондир гуноҳ ишлар қилганигини аниқлатади. Билсангиз, баъзан ота-боболар қилган ёмонликнинг касри невараларига ҳам уриши мумкин. Шу сабабдан сахар чоғи Аллоҳга ажлодларингиз номидан сидқидилдан тавба қилинг. Яратган астойдил тавба-тазарру қилгувчиларни кечиргучидир. Шоядки ажлодларингизнинг ҳам гуноҳидан ўтиб, фалокат сиздан ариса.



ЭНГ МУҲИМИ – РУҲИЙ ҲОЛАТИНГИЗ

Ҳар қандай туш кўраётган чоғингизда ўзингизни қандай ҳис қилишингиз муҳимдир. Агар теваарак-атрофингиз шинам, озода бўлса, ўзингизни яхши ҳис этсангиз, бу яхши аломатдир. Демак, тўғри ҳаёт кечиряёсиз. Нотозадик ва ноқудайликлар эса нотўғри турмуш кечираётганингиздан дарак беради. Демак, ёмон ўй-хаёлларингизни ҳайданг, бошқаларга ҳасад қилманг.

ОЛТИНЧИ СЕЗГИНГИЗГА ҚУЛОҚ ТУТИНГ

Биз кўпроқ нохуш тушлар кўраемиз. Ҳар тўрт тушимиздан учтаси кўнглисиз бўлади. Масалан, кўчада бизга кимдир ҳужум қилади, юрагимизни ўлим ваҳимаси эгаллайди, тубсизликка тушиб кетаётган бўламиз, кимдир бизни таъқиб қилади, нис-тирмага дуч келамиз ва ҳоказо. Нима бўлганда ҳам бундай тушлардан кўрқманг. Фаннинг аниқлашича, улар фойдалидир! Кечаси кўрқинчли тушлар кўрадиган кишилар ижодга мойил, телелатик (фикрини масофадан узатиш, ўзгалар фикрини ўқиш) қобилиятига эга бўлишади. Кўпинча буни ўзлари билишмайди. Уларнинг умумий белгиси: кечаси кам ухлашади, эрталаб зўрға туришади.

Баҳор. Атроф ажиб бир гўзалликка бурканган. Оппоқ, пушти гулларни кўриб, баҳридиллинг очилади. Табиатнинг бундай бетакрор гўзаллиги ҳар бир инсонга завқ-шавқ бағишлайди. Кишини яшашига, меҳнат қилишига ундайди. Аммо бир инсонгина бундай табиат инъомидан бебаҳра. У касалхона деразасидан ташқарига маъюсгина тикилиб, кўзларини бир нуқтага қадаганча жимгина ётар, баҳор нафасини сезмас, сезсада бу гўзалликдан баҳра ололмасди. Аччиқ қисмат уни ўлик бўлиб гўрга киролмас, тирик бўлиб ерда юролмас қилиб қўйганди. Бу не кўргилик?! Наҳотки, унинг тақдирига шундай ачинарли қисмат битилган бўлса?!

Хонага кириб келган ҳамшира Замиранинг кўзларидаги ёшни кўриб, унга насиҳат қила бошлади:

— Бўлди-да энди, дугонажон. Ҳар кун шу аҳвол. Биламан, сизни қандайдир оғир бир дард тинмай қийнапти. Ҳадеб ўз ёгингизга ўзингиз қоврилаверманг. Одам тафтини одам олади. Кўнглингизни очинг, шояд бироз энгил тортсангиз.

Бу сўзларни эшитган Замира чуқур хўрсиндида, кўлидаги рўмолчаси билан кўз ёшларини артди.

— Бу кунлар ҳам ўтиб кетади, — гапида давом этди ҳамшира. — Ҳадемай соғайиб, оёққа туриб кетасиз. Сиздай гўзал, хушмуомала аёлга ким ҳам бефарқ бўла оларди.

Ҳамширанинг самимий сўзларидан кўнгли кўтарилган Замира истар-истамас бошидан ўтганларни ҳикоя қила бошлади.

— Тўғри, соғаярман. Оёққа ҳам туриб кетарман. Тан яраси битар, аммо қалб яраси битармикан? Ўйламай қилган хатойим туфайли бутун бир оила барбод бўлди. Балки, бошимдан ўтганларни эшитиб, сиз ҳам мендан нафратланиб кетарсиз. Гўзаллик инсонни бахтли қила олармикан?...

... Уйимиз Қорақум этагида жойлашган. Йўл олисияги сабаб киш ойларида ўқувчиларнинг мактабга қатнашлари учун автобус ажратиларди. Негадир ўғил болалар менга тегажорлик қилиб, ўз ҳолимга қўйишмасди. Фақат қўшнимиз Давронгина индамас, болалар билан гижиллашиб юришимдан аччиғи чиқса-да, бир нима дейишга ботинолмасди. Мен эса бундан завқланардим. Бир кун у:

— Замира, нега бунақасан? — деб қолди. — Қачон қарама ким биландир жанжаллашиб юрасан. Болалар атайлаб жигингга тегишади. Бир маротабагина гапдан қолсанг, осмон узилиб ерга тушармиди. Бошқа қизлар...

— Нима бошқа қизлар? — дедим унинг гапини оғзидан юлиб олиб. — Улар мендан яхшими?! Бор, бора қол ўшаларнинг ёнига!

Бу гапларимдан Давроннинг юзлари қизариб кетди.

— Эҳ, Замира! — деди у ўзини зўрга босиб. — Бунчалар шаддодсан!

Даврон ўша кундан бошлаб мен билан гаплашмай қўйди. Авваллари бунча ўзини катта тутмаса, дея парво қилмай юрдим. Аммо бора-бора уни тез-тез кўргим келаверди. Қисқаси, Давронни ёқтириб қолдим. Охири ғуруримни бир чеккага йиғиштириб, ундан кечирим сўрадим. Унинг ўзиям шуни кутиб юрган эканми, дарров ярашиб олди.

мусаффо тонг ҳавосидан тўйиб-тўйиб нафас олар, сарин шабадалар юзимни силарди. Назаримда дунёда бундай гўзал, серфайз, сўлим жой ҳамда мендек бахтли аёл йўқдек эди, гўё.

Барча кўнглисизликлар Шокир аканинг Россиядан машина олиб келганидан бошланди. Кечкурун Даврон акамга овқат олиб борганимда бу хушхабарни унга етказдим.

— Қанақа машина? — ишонқирамайроқ сўради

бигиз қилиб. — Чунки у тракторини ҳам кўзини юмиб тузатарди.

Ўша кун у узоқ вақт ухлолмай хаёл суриб ётди. Эрталаб турди-ю, мени далада қолдириб, ўзи қишлоққа қайтди. Тушга яқин овқат олиб, шошилганча қайтиб келди.

— Замира, — деди у кувончини ичига сиғдирилмай, — Шокир аканинг машинаси зўр экан. «Сени ҳам олиб кетаман, ҳадемай машинали бўласан» — деяпти. Мана кўрасан, мен ҳам машина олиб келаман.

Бу хабар менга ёқмади. Чунки Даврон акам қишлоқдан чиқиб кўрмаган, бегона юртда қандай кун кўриши мени хавотирлантларди. У айни иш қизиган пайти йўлга отланди. Кўп ўтмай пахта йиғим-терими ҳам бошланиб кетди. Биз Ойдин билан далада пахта териб, Даврон акамнинг ўрнига

миз учун Ойдин мендан, мен эса ундан уялиб юрдик. Кейинчалик эса сирдош дугоналарга айландик...

Куз охирлаб, қишнинг совуқ нафаси ҳам сезила бошлади. Йиғим-терим ҳам тугади. Аммо биз пахтазорга — йиғитлар оғушига интилардик. Бундай пайтларда нима қилаётганимни фаҳламас экансан. Ҳар кунгидек йиғитларни тушгача кутдик. Аммо улардан дарак бўлмади. Ишлаётган жойига бордик. Чодирларини йиғиштириб, хайрлашмай кетиб қолишибди. Бир ҳафта кутдик. Лекин улардан дарак бўлмади. Ана шундагина бошимиз тошга теккандек, кўзимиз очилди. Аламимиздан роса йиғладик.

Сўнгра бу воқеани ҳеч кимга айтмасликка бир-биримизга сўз бердик.

Орадан бир неча ой ўтгач, Ойдиннинг кўнгли тез-тез беҳузур бўла бошлади. Менинг

ликдан силлам қуриса-да, Ойдиннинг маъракаларида зўрга юрдим. Ичимни бир нима кемиради.

Синглисининг ўлимини эшитган Даврон акам қайтиб келди. Янги бўлмаса-да, унча кўп ҳайдалмаган машина олибди. Биргина Сардор унга пешвоз чиқди. Фамдан адоий тамом бўлган қайнотам хўнграб йиғлаб юборди. Аммо Даврон акам онасининг ётишини, менинг ярим жон бўлиб юришимни кўриб, баттар эзилди. Эртасига Даврон акам мени касалхонага олиб борди.

— Асаблари жуда чарчаган, — деди дўхтир мени обдон текшириб кўргач. — Унинг устига қон босими ҳам тушиб кетган. Касалхонада ётиб даволаниши керак. Таҳлилларини ҳам текшириб кўрамиз.

Эртасига шифокор қабулидан чиққан умр йўлдошимнинг юзларида газаб ўти чақнаб турарди. У тишларини гичирлатиб, асабийлашганича менга яқинлашди.

— Замира, — деди у қаҳр тўла кўзлари билан менга тикиларкан, — ростини айт, менга хиёнат қилдингми?!

Мен индамадим. — Сенда юкумли касаллик бор экан! — гапида давом этди у. — Мени қийнамасдан тўғриси айт! Наҳотки, виждонинг қийналмаётган бўлса?!

— Ҳа, сизга хиёнат қилдим, — дея йиғлаб юбордим.

Даврон акам ўзини тутиб туролмай юзимга шопалоқ тортди.

— Ифлос! — деди у газабланганидан дир-дир титраганча. — Мен рўзгоримни ўйлаб, кўпроқ пул топай деб узоқ юртларга ишга кетгандим. Қанчадан-қанча азоб-уқубатларга, қийинчиликларга бардош бериб келсам-у, сен... Ота-онам, синглимнинг ҳаётига зомин бўлдинг! Бу қилмишингни ҳеч қачон кечирмайман. У дунё-ю бу дунё сени қарғаб ўтаман! Хиёнат ҳеч қачон кечирилган эмас!...

Даврон акамнинг бу аччиқ гаплари юрагимни ларзага келтирди. У ҳақ. Мен қалби пок, диёнатли, меҳрибон турмуш ўртоғимга — жуфти ҳалолимга хиёнат қилдим. Ҳа, бу қилмишим учун нафратга, қарғишга лойиқ аёлман! Менингдек гуноҳкорларга жазонинг ўзи камлик қилади. Мана, тўшакка михланиб қолдим. Биламан, ҳали азобларим олдинда. Уларни бир-бир бошдан ўтказишим шарт. Чунки мен шунга лойиқман...

Ҳамшира Замирага нима деб дала беришни билмай хонадан жимгина чиқиб кетди.

Худойберган ЖАББОРОВ.

«МЕН НАФРАТГА ЛОЙИҚМАН...»



Қишлоғимизда кўпинча қизларни мактабни битириши билан дарров турмушга узатишади. Менинг ота-онам ҳам шундай йўл тутишди — Давронга турмушга беришди. Тўйимиз жуда дабдабали бўлмаса-да, ихчамгина, аммо файзли ўтди. Севиб турмуш курганимизданми, бир-биримизни жуда ҳурмат қилардик. Қайнларим, қайнсингилларим ҳам доимо менга меҳрибон. Айниқса, қайнсинглим Ойдин кун бўйи уй юмушларида менга ёрдамлашарди. Қир-адирларга туташиб кетган пахта далалари қайнотамнинг фермер хўжалигига қарашли эди. Кун бўйи далада ишлардик. У ерларга пахта билан бирга полиз экинлари ҳам экилган. Даврон акам дала бошида чоғроққина уйча қуриб олди. Унинг ёнгинасида ариқча оқиб ўтарди. Пишиқчилик пайтида турмуш ўртоғим ўша ерда ётиб, полизни кўриқлар, унга овқат олиб бориб баъзан ёнида тунаб қолардим. Эрталаб уйғонганимда

Даврон акам. — Уйидагилари зўрга кун кўриб ўтиришганди-ку.

— Билмадим, отам айтдилар. Яна кўп пул ҳам олиб келганмиш. Уйидагилари бирам хурсандмиш-ки. Ҳа, айтмоқчи, анави Турсун ака бор-ку, ўшаям Шокир ака билан кетаман, дебди.

Даврон акам гапларимни диққат билан тингларкан, хаёл суриб қолди.

— Ҳой, сизга нима бўлди? Тағин сиз ҳам...

Хавотиримни сезгач Даврон акам мени юпатган бўлди:

— Хафа бўлма, сени ёлғиз ташлаб кетмайман. Лекин ҳалиям ишонгим келмаяпти. Пахтазорда оддий жўяк тортишни билмайдиган Шокир ака машина олса-я.

У узоқ-узоқларга тикилганча ширин хаёлларга берилгани шундоқ билиниб турарди.

— Биласизми, Турғун ака ўша ёқда машина тузатаётганмиш, — дедим мен.

— Бу гапда жон бор, — деди Даврон акам кўрсаткич бармоғини

полизга кўриқчилик қила бошладик. Кечкурун қайнукам Сардор келгач, биз уйга қайтардик. Кунлар шу зайлда ўтаверди. Қорақум барханлари орасида шаҳардан келган йиғитлар ишлашарди. Сардорнинг айтишича, улар фойдали қазилмалар излашаётган экан. Пахта териб чарчаган пайтларимиз Ойдин билан яқин бориб, уларнинг ишларини зимдан кузатардик. Бир кун улар буни сезиб қолишди. Биз қочдик. Эртаси кун уша йиғитлардан икки нафари пахтазорга биздан сув сўраб келишди. Хушмуомала йиғитлар экан. Сувни баҳона қилиб келишганини сезиб, роса кулишдик. Ўша кундан бошлаб йиғитлар ёнимизга тез-тез келадиган бўлишди. Улар бизга консерва совға қилишар, балиқ тутиб, пишириб беришимизни илтимос қилишарди. Бошда улардан ўзимизни олиб қочишга ҳаракат қилдигу, аммо уддасидан чиқолмадик. Вақт ўтиши билан уларни тез-тез кўрсайдиган бўлдик. Аввалига бу қилмиши-

ҳам баданим зирқираб оғрир, кун сайин ҳолсизланиб борардим. Кунлар ўтган сари Ойдин тўлишиб борар, хавотирим баттар ошарди. Унинг бу аҳволга тушишида ўзимни айбдор сезардим. Хаёлимни «Энди Даврон акамнинг юзига қандай қарайман?» деган қийин бир савол батамом забт этанди.

Ҳар йили қиш фасли олдиан шаҳардан келган шифокорлар қишлоғимиз аҳолисини тиббий кўриқдан ўтказишарди. Текширув вақтида Ойдиннинг ҳомиласи борлиги маълум бўлиб қолди. Номусдан бош кўтаролмаган қайнотам уни роса дўппослаб, шаҳардаги қариндошиникига олиб кетди. Ўша ерда фарзанд кўрибди. Ўғил экан. Қайнотамнинг розилиги билан ўша қариндошлари чақалоқни фарзандга зор бўлган оилага бериб юборишибди. Бундай азоб-уқубатларга, иснодга чидолмаган Ойдин ўзини-ўзи осиб қўйди. Буни эшитган қайнонамнинг миясига қон қуйилиб, қўл-оёғи ишламай қолди. Ҳолсиз-



ROSTDA TV

ҲАФТАЛИК ТЕЛЕДАСТУРЛАР

«Россия», душанба
22.40 «ТЕПАГА... ҚУЛАШ»
(«УПАСТЬ ВВЕРХ»)

Фильм қахрамони – ақли, гўзал аёл. Унинг егани олдида, емагани ортида, деярли ҳамма нарса бор, эри бой, фақат ўзини бахтсиз ҳисоблайди. Уйда чиройли камини бор, лекин сунъий, ҳеч қанақа тафт, ҳарорат бермайди. Аёл эри хизмат сафарига кетганида ростакам камин курдиришга қарор қилиб, уста чақиради. Ана шундан кейин ҳаётида ўзгариш юз беради...

Ролларда: Евгения Крюкова, Евгений Сидихин.



ТВ 3, сешанба
20.00 «ҒОЙИБ БЎЛГАН САЛТАНАТ»
(«ЗАТЕРЯННАЯ ИМПЕРИЯ»)

Журналист Ник Ортон «Ғарбга саёҳат» номли қадимги қўлёзмани излайди. Ана шу жараёнда беихтиёр сир-синаотларга, ғаройиботларга тўла хаёлот оламига тушиб қолади. Бунда журналист бошидан кечирган турли-туман саргузаштлар фантастика ишқибози бўлган ҳар қандай томошабинни ҳам ўзига ром этади деб ўйлаймиз.

Ролларда: Томас Гибсон, Линг Бай, Рассел Вонг, Рик Янг.



ТНТ, чоршанба
21.00 «ТИМСОҲ ДАНДИ-2»
(«КРОКОДИЛ ДАНДИ-2»)

Данди – тимсоҳ овловчи. У Австралиядаги кулбасини тарк этиб, шаҳарга – данғиллама уйига келади. Энди у ипак халатларда юриб, япон чинни идишларида қаҳва ичади. Аммо тимсоҳ тиши осилган қалпоғини, чарм шимини ечмайди. Ҳар эҳтимолга кўра эски одати бўйича белига каттакон ханжар осиб юради. Севгилисини Колумбия мафияси чангалидан кутқариш учун шу қуроли кифоя қилармикан?...

Ролларда: Пол Хоган, Линда Козловски.



СТС, пайшанба
22.30 «КУЁВ»
(«ЗЯТЕК»)

Баъзи қайноналар кимни жиндан баттар ёмон кўради? Куёвини, албатта. Аммо Уоррен хоним қизи Ребеканинг қайлиги бунчалик сўхтаси совуқ, хурмача қилиқлар қилишини етти ухлаб тушида ҳам кўрмаган эди. Қизик, бўлажак куёвтўра кейинги гал яна қандай хунар кўрсатар экан?..

Ролларда: Поли Шор, Карла Гуджино.

ДТВ, жума
23.05 «УМИД МАМЛАКАТИ»
(«СТРАНА НАДЕЖДЫ»)

Йигирма ёшли Бин Вьетнамнинг ўрмонзорлари бағрида жойлашган қишлоғидан улкан, сершовқин шаҳарга қочиб кетади. У ҳеч бўлмаса шу ерда ўзини яъни америкалик аскарнинг ўғли эканлигини юзига солиб, сотқинликда айблашмас деб умид қилган эди. Аммо фожиали воқеалар туфайли Бин укаси билан яна қочишга мажбур бўлади...

Ролларда: Ник Нолти, Линг Юэй, Глен Брэдфорд.



ТВ 3, жума
20.00 «СЕВГИ ТАРИХИ»
(«ИСТОРИЯ ЛЮБВИ»)

Парижнинг одамлар ҳамиша гавжум бўладиган аэропортида қандай кутилмаган воқеалар, учрашувлар юз бермайди дейсиз. Йигит – омади чопган бизнесмен, жиддий, камгап. Аёл эса гўзаллик салони бекаси, сергаплигидан лаби лабига тегмайди. Улар ўртасида ҳеч қандай умумийлик йўқ. Аммо иш ташлашлар туфайли рейслар кечикаётгани учун ўзаро гаплашиб ўтиришга мажбур бўлишади.

Ролларда: Жан Рено, Жюльет Бинош.



«Россия», шанба
0.05 «ЛОЗАННАДАН КЕЛТИРИЛГАН ЧИҒАНОҚЛАР»
(«УСТРИЦЫ ИЗ ЛОЗАННЫ»)

Роман Лебедичкин ўзи ва дўстлари учун фирма очади. Фирманинг ишини юритиш мақсадида кредит олиб, касодга учрайди. Ишни шериклари билан бирга қилишади, аммо бир ўзи қамалади. Қамокхонада ўтириб ҳам фирмага раҳбарлик қилаверади. Озодликка чиққанида эса ҳамкори бундан хурсанд эмаслигини сезиб қолади...

Ролларда: Вера Глаголева, Александр Панкратов-Черный.



«Биринчи» канал, якшанба
2.00 «АФРИКАНИ ОРЗУ ҚИЛАДИМ»
(«Я МЕЧТАЛА ОБ АФРИКЕ»)

Бу иш ҳамманинг ҳам қўлидан келавермайди. Куки Галлманн эса Италиядаги зерикарли ҳаётдан бутунлай воз кечади. Эри Паоло ва ўғли билан Венециядан Кенияга кўчиб кетади. Аммо «қора қитъа» бегоналарни ёқтирмайди. Тез орада Куки Африкада яшаш осон эмаслигини, қолаверса хавф-хатарга тўла эканлигини

англаб етади.

Ролларда: Ким Бэйсингер, Винсен Перес.

«Ўзбекистон» телеканал

6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
8.00-8.45 «Тахлилнома».
8.40 Олтин мерос.
8.50 «Олам ва одам» дастури: «Ёғ босиш ҳақида».
9.40 «Камалак» экрани.
10.35 Д. Зокиров номидаги халқ чолғулари оркестрининг концерти.
10.55 «Сизнинг адвокатингиз».
11.00 «Ахборот».
11.15 «Омон бўлинг!»
11.20 «Кишлоқ ҳаёти».
11.40 Ҳ. Умарбеков. «Фотима ва Зухра». Муқимий номидаги ўзбек давлат мусиқий театрининг спектакли. 1-қисм.
13.00 «Фотима ва Зухра» спектакли. 2-қисм.
13.55 Эски альбом.
14.00 «Ахборот».
14.20 «Олтин бешик».
14.50 «Ойдан тушган малика». Бадиий фильм.
«Болалар сайёраси»:
16.40 «Эртақлар - яхшиликка етаклар».
17.00 «Ахборот».
17.15 Олтин мерос.
17.20 «Равнақ» студияси намойиш этади.
17.35 «O'zbektelefilm» намойиши: «Шахрисабз».
17.50 «Дил таронаси».
17.55 «Умр дафтари». Ҳожихон Болтаев. 1-қисм.
18.20 Чўлпон. «Кеча ва кундуз». Видеофильм. 1-қисм.
18.50 «Оҳанглар оғушида».
19.00 «Аъло ўйинчи». Телелотерея.
19.20 Биржа ва банк хабарлари.
19.25, 19.55, 20.55, 21.30 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида)
20.05 «Омон бўлинг!»
20.10 «Ишқ эртаги».
21.00 «Ахборот».
21.40 Эркин мавзу.
22.00 «Мари Лестер». Телесериал.
22.55 «Кўшиғимсан, муҳаббат» (SMS. Овоз бериш)
23.05 «Олам ва одам» дастури: «Ғойиб бўлган кема сири».
23.55-24.00 Тунги наволар.

«Ёшлар» телеканал

15.55 Дастурнинг очилиши.
16.00 Давр.
16.15 Болажон.
16.25 Ёшлар овози.
16.40 Наво.
16.55 Чемпион сирлари.
17.20 «Такдири азал». Бадиий фильм.
18.25 Замондош.
18.40 Мусиқий лаҳзалар.
18.55 Иқлим.
19.00 Давр.
19.40 Театрда учрашамиз.
20.00 Баҳор наволари.
20.10 Ракурс.
20.30 Олов билан юзма-юз.
20.50 Олий лига кундалиги.
21.15 UzEX хабарлари (ўзбек ва инглиз тилларида)
21.35 Ёшлар куйлаганда.
21.50 Эълонлар.
21.55 Иқлим.
22.00 Давр.

22.35 Мусиқий лаҳза.
22.40 UzEX хабарлари (рус тилида)
22.50 «YOSHLAR» да спорт дастури: Интерфутбол.
00.30 - 00.35 Орзулар бека-ти.

«Тошкент» телеканал

18.10 Кўрсатувлар тартиби.
18.20, 21.15 «Экспресс» телегазетаси.
18.30 «Пойтахт» (рус).
18.50, 20.20, 21.45 «ТВ анонс».
18.55 «Болажонлар экрани».
19.10 «Бир жуфт аския».
19.15 «Табриклаймиз- кутлаймиз».
19.45 2006 йил-«Ҳомийлар ва шифокорлар йили»: «Саломат бўлинг» (рус)
20.00 «Пойтахт».
20.25 «Камила». Телесериал.
20.45, 21.50 «Телекуръер маркет».
20.55. Тв юрист».
21.00 «Оқшом наволари».
21.25 «Журналист таҳлили».
22.00 «Москва кўз ёшлари-га ишонмайди». Бадиий фильм. 1-қисм (рус)
23.00 -23.05 «Хайрли тун, шаҳрим».

«Sport» телеканал

7.00 «Бодрое утро».
8.00 «Версия». Информационно-аналитическая программа.
8.30 «Шоввозлар». Мультсериал.
9.00 «Талқин». Информацион-таҳлилий кўрсатув.
9.30 «Талисман». Сериал.
10.10-11.30 «Дети шпионов». Фильм для детей. 1-часть.

«SPORT». ТЕЛЕКАНАЛИ.
18.00 «Болалар спорти».
18.15 Мультфильм.
18.30 «Хабарлар» (Рус тилида)
18.50 «Ким нимага қодир?!»
19.15 «В поисках приключений».
20.00 «Вести».
20.15 «Мониторинг».
20.35 «Спортивиз маликалари».
20.55 «Футбол шарҳи».
21.15 «Тет-а-тет».
21.30 «Хабарлар».
21.50 «Две судьбы». Сериал.
22.40 «Проф-РИНГ».
23.30 «Еврофутбол».
1.00 «Тунингиз осуда бўлсин!»

30-й канал

16.55 Открытие программы
17.00 Болалар соати
17.40 Мусиқий лаҳзалар
18.00 «Кассандра», сериал
18.45 «Мозийдан садо»
19.00 Ошиқона
19.45, 21.40 Телехамкор
20.00 Мусиқий табассум
21.00 «София, менга имкон бер», сериал
21.50 Мусиқий табассум
22.25 «НТТ ижтимоий лойиҳалари»
22.30 «Қашқирлар макони», сериал
23.10 Эстрада

«Первый»

5.00, 9.00, 11.00, 17.00 Новости
5.10 «Король и птица»
6.30 Комедия «Стежки-доржки»
7.50 «Играй, гармонь любимая!»
9.10 Премьера. Фильм «Лесная царевна»
11.10 Фильм «Калина красная»
13.20 «Фестиваль юмора»
15.20 Фильм «Джордж из джунглей»
17.10 «Золотой граммофон»
20.00 Время
20.20 Комедия «Убойная парочка: Старски и Хатч»
22.10 Фильм «Команданте»
0.00 Бокс. Шейн Мосли - Фернандо Варгас
1.00 Детектив «Большие маневры»
2.40 Сериал «Битва за галактику»
3.30 «Роман со звездой». Док. фильм

«Россия»

4:55 Фильм «Город мастеров»
6:30 Мультфильм
6:50 «Комната смеха».
7:40 Юбилейный концерт Олега Иванова.
9:10 Фильм «Высота»
11:05 «Смеяться разрешается»
13:00, 16:00 ВЕСТИ.
13:20 Комедия «Ширли-мырли»
16:15 «Лучшие песни - 2005»
19:15 Юбилейный вечер Е. Петросяна
22:40 Фильм «Упасть вверх»
0:40 Боевик «Ангел мести»
2:45 Фильм «Даже девушки-ковбой иногда грустят»

НТВ

5:00 Мультфильмы
5:15 Комедия «ВЕСНА»
7:00, 9:00, 12:00, 15:00, 18:00 СЕГОДНЯ
7:15 Фильм «МИЛЛИОН ЛЕТ ДО НАШЕЙ ЭРЫ»
9:15 Боевик «ВЕЛИКОЛЕПНАЯ СЕМЕРКА»
12:20 ПРОФЕССИЯ-РЕПОРТЕР
12:45 «WORLD MUSIC AWARDS - 2005»
15:20 Фильм «ВОКЗАЛ ДЛЯ ДВОИХ»
20.50 «Путеводитель по
Гуантанамо».
22.00 «Опергруппа, на вы-
езд!»
23.05 Детектив «С.С.1 МЕ-
СТО ПРЕСТУПЛЕНИЯ ЛАС-
ВЕГАС»
1.15 «Карданный вал +».
1.35 Крим. новости.
2.00 «Супермужчина Рос-
сии».
3.00 «Опергруппа, на вы-
езд!»
3.35 «Этот безумный мир».
4.00 Музыка

ТНТ

4.45, 18.30, 23.35 Москва:
инструкция по примене-
нию.
5.10 «ПЛОХИЕ ДЕВЧОН-
КИ». Теленовелла
6.05 «Глобальные ново-
сти»
6.10, 11.15 Никелодеоны»
7.25 Русская усадьба
7.40 Наши песни.
8.00 «ЖАНДАРМ И ИНОП-
ПЛАНЕТЯНЕ». Комедия.
10.15 «Большая терка»
12.30 Такси.
13.00 «ДЕВСТВЕННОЦА»
14.00, 0.15 ОФИС
15.00, 20.00, 23.05 «Дом-
2»

15.30 «ИРОНИЯ СУДЬБЫ,
ИЛИ С ЛЕГКИМ ПАРОМ!»
Комедия.
18.00 Такси.
19.00 «Необъяснимо, но
факт»
21.00 Комедия «ИРОНИЯ
СУДЬБЫ, ИЛИ С ЛЕГКИМ
ПАРОМ!»
0.05 Наши песни.
1.15 «ЖАНДАРМ И ИНОП-
ПЛАНЕТЯНЕ». Комедия

СТС

7.00 «ЗЕНА - КОРОЛЕВА
ВОИНОВ». Фильм.
7.50, 14.20 Мультфильмы.
8.30, 19.25 «МОЯ ПРЕ-
КРАСНАЯ НЯНЯ».
9.00 «НЕ РОДИСЬ КРАСИ-
ВОЙ». Фильм.
10.00, 20.30, 23.40 Исто-
рии в деталях.
10.28, 20.58, 0.08 Настро-
ение с Е. Гришковцом.
11.00 Кино «ДЕНЬ ИЗ
ЖИЗНИ».
12.50 «БЕДНАЯ НАСТЯ»
Фильм.
13.50 «КАК СКАЗАЛ
ДЖИМ». Фильм.
17.00 Комедия «ЛИЗЗИ
МАГАУЙЕР».
17.30 «ТАКОЙ РАЗНЫЙ
ФЕРГУС МАКФАЙЛ».
Фильм.
18.00 «САБРИНА - МА-
ЛЕНЬКАЯ ВЕДЬМА».
18.30 «ЗАЧАРОВАННЫЕ».
Фильм.
21.00 «НЕ РОДИСЬ КРА-
СИВОЙ». Фильм.
22.00 Кино «СТЮАРТ
ЛИТТЛ-2».
0.10 Кино «ПРОЖИГАЯ
ЖИЗНЬ».
2.35 Кино «НА КРАЮ».
4.00 Кино «ВМЕСТЕ».
5.55 Музыка

7 ТВ

6.00, 9.30 Назло рекор-
дам.
6.10 Водное поло. Чемпи-
онат России. Финал.
«Штурм-2002» - «Синтез».
7.00, 8.00 Веселые стар-
ты.
9.00 Мультфильмы.
9.40, 4.00 Музыкальный
трек.
10.00 «ГОСПОЖА ПОБЕ-
ДА». Телесериал.
11.00, 18.30, 22.00 Бега и
скачки.
11.30, 17.00, 0.00 Плана-
та рыбака.
12.00, 19.30 F-1. Ретро.
13.00, 3.00 «Ле-Ман: исто-
рическая гонка».
14.00, 18.00, 23.00, 2.30.
7 дней спорта.
14.10, 18.10, 23.10, 2.40
NBA Live!
14.30 Спортивные танцы.
15.30, 20.30, 2.00
«Motorsport Mundial».
16.00, 19.00 Гольф. Евро-
пейская неделя.
16.30, 0.30 Total Perби.
17.30, 23.30 Gillette World
Sport.
21.00 Rally Action. Racing
Action.
22.30 AutoFashion.
22.40 Звезда автострады.
1.00, 5.00 Магия оружия.
1.10, 5.10 Покер.
4.10 Дзюдо. Кубок губер-
натора Московской обла-
сти.

«Ўзбекистон» телеканал

6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
8.00-8.35 «Ахборот».
8.40 «Олтин мерос».
8.50 «Камалак» экрани.
9.40 «Саломатлик сирлари».
10.00 «Ватанпарвар».
11.05 «Интеллектуал ринг».
11.50 «Қалб». Бадиий фильм.
1-қисм (Хиндистон)
13.20 Ватан ҳақида кўшиқлар.
13.30 «Қалб». Бадиий фильм.
2-қисм.
15.00 «50x50». Ток-шоу.
15.55 «Жиддий ўйин».
«Болалар сайёраси»:
16.35 «Олтин тож». Телеўйин.
17.10 Эски альбом.
17.15 «Оталар сўзи - ақлнинг кўзи».
18.15 «Оҳанглар оғушида».
18.25 «Ўзбегим ўғлонлари». 2-қисм.
19.25, 20.00, 20.55, 21.40 Эълонлар.
19.30 «Таҳлилнома» (рус тилида)
20.05 «Оддий ҳақиқатлар». Ток-шоу.
21.00 «Таҳлилнома».
21.45 «Кўхна оҳанглар». Аҳмаджон Дадаев.
22.05 «CINEMA.UZ».
22.25 «Кўшигимсан, муҳаббат» (SMS. Овоз бериш)
22.35 «Олтин сур изидан». Бадиий фильм.
24.00-00.05 Тунги наволар.

«Ёшлар» телеканал

6.30 «ЯНГИ ТОНГ».
8.05 «Питер Пен». Мультфильм.
9.05 «Камолот» хабарлари.
9.15 Кинотақдим.
9.40 «Сарвиноз». Бадиий фильм.
12.05 «Мирмуҳсин». Видеофильм 1-2 қисмлар.
12.45 Якшанба нонуштаси.
13.15 Оҳанграбо.
14.00 «ЯНГИ КУН».
15.05 Ринг қироллари.
15.55 Чемпион сирлари.
16.15 «Умид ниҳоллари - 2006» кундалиги.
16.40 Болалар экрани: Яхши ишлар бюроси.
17.00 Хотира ва кадрлаш куни олдидан. «Сен етим эмассан». Бадиий фильм.
18.25 Ёшлар куйлаганда.
18.55 Иклим.
19.00 «Давр» ҳафта ичида.
19.40 «Journal» (инглиз тилида)
20.00 «Ханда» ижодий гуруҳи тақдим этади: «Хандалак».
20.20 Баҳор наволари.
20.40 «Килни қирқ ёриб Интеллектуал ўйин».
21.40 CINEMANIYA.
22.00 «YOSHLAR» да премьерара: «Бахт учун миллион». Бадиий фильм.
23.40 - 23.45 Орзулар бекати.

«Тошкент» телеканал

«8.00-13.00» гача кўнгилочар информацион мусиқий дастур.
18.10 Кўрсатувлар тартиби.
18.20, 19.20 «Экспресс» телегазетаси.
18.30, 21.15 «Тв анонс».

18.35 Болажонлар экрани.
18.50 «Кино олами». (рус).
19.05, 21.50 «Телекуръер маркет».
19.15 «Табриклаймиз- кутлаймиз».
19.45 «ТВ юрист».
20.00 «Журналист таҳлили».
20.20 O'zbektelifilm» студияси намойиш этади: «Сарчашма». Телевизион фильм.
20.30 «Туризм ҳақида». (рус).
21.00 «Оқшом наволари».
21.20 «Рангин лаҳзалар».
22.00 «Қалбим сен билан». Бадиий фильм премьераси. (Хиндистон). 2-қисм.
23.25-23.30 «Хайрли тун, шахрим».

«Sport» телеканал

7.30 «Хабарлар».
7.50 «Бодрое утро».
8.50 «Хабарлар» (Рус тилида)
9.10 «Смак».
9.30 «Удивительные шоу дикой природы».
10.00 «Кувноқ стартлар».
10.40 «Рақибингиз гроссмейстер».
11.00 «Умид ниҳоллари - 2006». Спорт мусобақаларидан репортаж.
12.30 Футбол. Ўзбекистон чемпионати. «Трактор» - «Бухоро».
13.20-14.10 «Проф-РИНГ».

«SPORT» ТЕЛЕКАНАЛИ

17.00 «Умид ниҳоллари - 2006». Спорт мусобақаларидан репортаж.
18.30 «Хабарлар» (рус тилида)
18.50 «Спорт уик-энд». Дам олиш дастури.
19.40 «Тайм аут».
20.00 «Вести».
20.10 «Умид ниҳоллари - 2006» кундалиги.
20.30 «Талкин». Информацион-таҳлилий кўрсатув.
21.00 «Умид ниҳоллари - 2006». Спорт мусобақаларидан репортаж.
22.30 «Ровесник».
22.50 Жаҳон спорти: «Еврофутбол».
00.25 «Тунингиз осуда бўлсин!»

30-й канал

9.05, 11.00, 16.45, 19.00 Телехамкор
9.20, 14.50, 16.20 Детский час
9.50 Мультфильмы
11.15 Худ. фильм «Служители зла»
13.00 Телеэкспромт
13.20 «Хит-парад - плюс»
14.20 «Шоу-бизнес янгиликлари»
15.30 Аёллар орзуси
16.00 Ҳикоя
17.00 Книга джунглей
18.20 Мусиқий лаҳзалар
18.40 «Сўғдиёна»
19.15 Ошиқона
20.00 «30-й кадр»
20.30, 21.40 «Мусиқий табассум»
21.00 «Якшанба оқшомида»
22.10 Худ. фильм «Люди в чёрном»

«Первый»

5.00, 9.00, 11.00, 17.00 Новости
5.10 «Шутка за шуткой»
5.30 Фильм «Сильные духом»
7.00 Играй, гармонь любимая!
7.40 Слово пастыря
8.00 Дисней-клуб
9.10 «Смак»
9.30 «Три жены маршала Буденного»
10.20 «Фабрика»
11.10 Здоровье
12.00 «Власть над властью»
13.00 Праздничный концерт к Дню радио
15.00 Футбол. Чемпионат России. VIII тур. «Рубин» - «Москва». Прямой эфир из Казани
17.10 «Поймать вора»
17.50 «Формула красоты»
18.40 «Большие гонки»
20.00 Время
20.20 «Фабрика звезд»
21.40 «Весна»
23.00 Что? Где? Когда?
0.10 Триллер «Ловкие руки»
2.00 Фильм «Я мечтала об Африке»
4.10 «Подводный мир»

«Россия»

5:00 «Доброе утро, Россия!».
6:40 «Золотой ключ»
7:00, 10:00, 16:00, 19:00 ВЕСТИ.
7:20 «Диалоги о животных».
7:55 «Военная программа»
8:20 «Вокруг света».
8:50 «Субботник».
9:30 «Народный артист»
10:20 Мультфильмы
10:40 «Сто к одному»
11:35 Комедия «Волшебная сила».
13:20 Фильм «Любовь земная».
15:00 «Евгений Матвеев».
17:00 «Народный артист».
18:00 Праздничный концерт
20:10 «Смешной день рождения». Концерт.
22:05 Комедия «Все, что ты любишь...».
0:00 Фильм «Машина времени»
1:45 «Горячая десятка».
2:40 Триллер «Обманутый»

НТВ

5:25 Сериал «КУРСАНТЫ»
7:00, 9:00, 12:00, 15:00, 18:00 «СЕГОДНЯ»
7:15 «ДИКИЙ МИР»
7:45 «БЕЗ РЕЦЕПТА»
8:25 «СМОТР»
9:15 «ГЛАВНАЯ ДОРОГА»
9:50 «КВАРТИРНЫЙ ВОПРОС».
10:50 «СЧАСТЛИВЫЙ РЕЙС» Фильм
12:20 Фильм «БЕЛОРУССКИЙ ВОКЗАЛ»

14:30 «БЕЛАЯ КРОВЬ». Фильм
15:20 «ВЕЛИКАЯ ОТЕЧЕСТВЕННАЯ: ПАДЕНИЕ БЕРЛИНА»
16:10 Детектив «ТРАКТИР НА ПЯТНИЦКОЙ»
18:40 Детективе «ШПИОНСКИЕ ИГРЫ -2: ЛОВУШКА ДЛЯ МУДРЕЦА»
20:40 Комедия «ЧЕГО ХОТЯТ ЖЕНЩИНЫ»
23:20 «ЖУРНАЛ ЛИГИ ЧЕМПИОНОВ»
23:55 Фильм «ЧАСЫ ОТЧАЯНИЯ»
1:55 Боевик Пауля Верховена «ПЛОТЬ И КРОВЬ»
4:10 Сериал «ХОЛМ ОДНОГО ДЕРЕВА»

ТВ 3

7.30 Жизнь полная радости.
8.00 Мультфильмы.
11.00 Худ. фильм «СЕМНАДЦАТЬ МГНОВЕНИЙ ВЕСНЫ». 4 серии
17.00 Курьер.
17.30 Худ. фильм «ПРИШЕЛЕЦ ИЗ БЕЗДНЫ».
19.00 «Осторожно, модерн!»
20.00 Худ. фильм «ПРОТИВ ХИЩНИКА».
22.00 Худ. фильм «ИСПОЛНИТЕЛЬ ЖЕЛАНИЙ-3»
0.00 Худ. фильм «ИСПОЛНИТЕЛЬ ЖЕЛАНИЙ-4»
2.00 Худ. фильм «УБИЙЦА С ТОПОРОМ»
4.00 Сериал «МУТАНТЫ ИКС»

ДТВ

8.30 Сериал «НАПРЯГИ ИЗВИЛИНЫ».
9.00 Для милых дам.
9.35 Мультфильмы.
11.00 Худ. фильм «ПРИБЫТИЕ».
13.30 «Супермужчина России».
14.30 Детектив «СПРУТ».
15.30 «Время - деньги».
15.55 Сериал «ПО ИМЕНИ БАРОН»
18.00 Самое смешное видео.
18.30 «Осторожно, афера!»
19.00 Шоу рекордов Гиннесса.
20.00 «ЗОЛОТАЯ МИНА».
23.05 Детектив «C.S.I МЕСТО ПРЕСТУПЛЕНИЯ ЛАСВЕГАС»
1.05 Шоу рекордов Гиннесса.
2.05 Худ. фильм «ОЗЕРО СТРАХА».
3.55 Детектив «СПРУТ».
4.40 «Время - деньги».

ТНТ

6.00 «Неизвестная планета».
6.25 Мультфильмы
7.20 «ОТ 16 И СТАРШЕ». Комедия.
8.10 «Каламбур»
8.35 «Фигли-Мигли»


9.00 «ИРОНИЯ СУДЬБЫ, ИЛИ С ЛЕГКИМ ПАРОМ!» Комедия
11.10 Мультфильмы
11.30 «Никеллодеоны»
14.00, 23.40 ОФИС
15.00, 20.00, 23.00 «Дом-2»
16.00 «Клуб бывших жен»
17.00 «Дикие дети»
18.00 «САША + МАША»
19.00 Комеди Клуб.
22.00 «Настоящий мужчина»
23.30 Наши песни.
0.40 «ЧАСТИ ТЕЛА». Комедия.

СТС

7.00 «МОЯ ДЕВОЧКА-2». Худ. фильм.
8.50, 10.30, 15.00 Мультфильмы
10.00 «Улицы Сезам».
13.00 «Самый умный»
17.00 Истории в деталях
17.30 Кино «ТРИ МУШКЕТЕРА».
19.45 Кино «СТЮАРТ ЛИТТЛ-2».
21.25 «МОЯ ПРЕКРАСНАЯ НЯНЯ».
22.00 Кино «БЕШЕНЫЕ СКАЧКИ».
0.05 «Хорошие шутки»
2.05 Кино «АНГЛИЙСКИЙ ПАЦИЕНТ».
5.00 Кино «ЧЕЛОВЕК ИЗ БУДУЩЕГО».

7 ТВ

6.00, 9.30 Назло рекордам.
6.10 Каратэ. Кубок губернатора Московской области. Международный турнир.
7.00, 8.00 Веселые старты.
9.00 Мультфильмы.
9.40, 4.00 Музыкальный трек.
10.00 «ГОСПОЖА ПОБЕДА». Телесериал.
11.00 7 дней спорта.
11.10, 18.00 Звезда автострады.
11.30, 16.00, 21.30 Total Регби.
12.00 Спортивные танцы.
13.00, 3.00 «Ле-Ман: историческая гонка».
14.00 AutoFashion.
14.10, 18.10, 23.10, 2.45 NBA Live!
14.30, 20.00 Gillette World Sport.
15.00, 21.00, 2.00 Планета рыбака.
15.30, 20.30, 0.30 Бега и скачки.
16.30, 22.00 Гольф. Европейская неделя.
17.00, 23.30 F-1. Петро.
18.30, 22.30 «Motorsport Mundial».
19.00 Rally Action. Racing Action.
1.00, 5.00 Магия оружия.
1.10, 5.10 Покер.
4.10 Армспорт. Чемпионат России.



дан кўзланган яна бир мақсад «Ал Қоида» ташкилотининг Ямандаги қамоқхонадан қочган аъзоларининг мазкур кўпуровчиликларга нечоғлик дахлдорлигини аниқлаштиришдан иборатдир. Дахабда юз берган

топилган. Булар террорчи камикадзеларга тегишли бўлиши мумкин. Генетик таҳлил Қоҳирада ўтказилади. Портлаш соат механизми бомба ёки масофадан бошқариладиган портловчи қурилмадан фойдаланилган бўлиши

ҳам мумкин. Нима бўлганда ҳам, терроризм яна бир бор ўзининг ёвуз башарасини намойиш этди.

Баъзи бир маълумотларга қараганда, «Ал-Жазира» телеканалининг Қоҳира бюроси раҳбари Хусайн Абдул Ғани ҳибс-

га олинган. У асосиз ахборот тарқатиб, Миср давлатининг обрўсига путур етказганликда айбланыпти. Журналист Дахаб курортида юз берган кўпуровчиликни ёритиш билан шуғулланган. Ҳамкасблари Хусайн Абдул Ғанининг ҳибсга олинishi матбуот эркинлигига хуруж қилиш, дея баҳолашапти.

КУРОРТДАГИ ПОРТЛАШЛАР

Синай ярим оролидаги Дахаб курортида душанба кун кечки пайт террорчилар учта бомба портлатишди. Оқибатда 24 киши ҳаётдан кўз юмди. Чоршанба кун яна икки бор кўпуровчилик ҳаракатлари содир этишга уриниш бўлди. Аммо ҳар иккала портлаш чоғида террорчиларнинг ўзлари ҳалок бўлишди.

Миср Ички ишлар вазирининг баёнотида кўра, шу ҳафтада Синай ярим оролида уюштирилган кўпуровчиликлар 2004 ва 2005 йилларда ушбу курортларда содир этилган

террорчилик ҳаракатлари билан ўзаро боғлиқлик борлигини маълум қилди.

«Биз тўплаган маълумотларга қараганда, жиний хатти-ҳаракатни синайлик бадавийлар амалга оширишган», — деди вазир давлат телевидениеси орқали қилган чиқишида. Аммо баъзи бир махсус хизмат вакиллари-нинг фикрича, ушбу хунрезлик «Ал Қоида» ташкилоти билан боғлиқ гуруҳларнинг иши бўлиши ҳам мумкин.

Чоршанба кун Миср разведкаси раҳбари Умар Сулаймон Синайда юз берган портлашлар тафсилотларини аниқлаш учун Яманга учиб кетди. Сафар-

портлашларга алоқадорликда гумон қилиниб ҳибсга олинганлар сони ўн кишига етди. Ҳозирча ҳибсга олиш тафсилотлари маълум қилинмаяпти.

Террорчилик ҳаракатлари оқибатида тўқсонга яқин одам тан жароҳати олди. Улар орасида икки нафар россиялик фуқаро ҳам бор. Москвалик Ольга Фединанинг жароҳати унчалик оғир эмас. Санкт-Петербург шаҳрида яшовчи Василий Шахматов эса кўпуровчилик ҳаракатлари пайтида оёғи синиб, касалхонага ётқизилди. У Қоҳирада операция қилинди.

Воқеа жойидан уч кишининг тана қолдиқлари



ҒАРОЙИБ ТАКЛИФ

Европа транспорт вазирлари конференцияси (ЕТВК) қатнашчилари қутилмаган қонунчилик ташаббуси билан чиқдилар. Улар Россия ҳудудида ҳайдовчилар қони таркибида 100 миллилитрга 50 миллиграммгача алкоголь бўлишига рухсат берилишини таклиф этишди. Ҳозирча Россияда бу борада ҳеч қандай расмий рухсат йўқ. Аммо Европанинг кўпгина мамлакатларида ҳайдовчилар қонида озроқ алкоголь бўлишига қонуний йўл кўйилади. Бу кўрсаткич Германияда 50 миллиграммни, Буюк Британияда эса 80 миллиграммни ташкил этади. Конференция материалларида, шунингдек, Россия шаҳарларида тезликни соатига 50 километр, турак жойлар ҳудудида соатига 30 километргача чеклаш ҳақида гап борди.

ЕТВК Бош котиби Жек Шорт йўл ҳаракати хавфсизлиги қондаларини бузганларга солинадиган жарима миқдорини ошириш зарурлигини таъкидлаб, айни пайтда бу сунистеъмолчиликка олиб келишига йўл кўймаслик кераклигини айтди. Шунингдек, конференция иштирокчилари кундузи ҳам автомобилларнинг яқинни ёритадиган чироқларини ёқиб юришни таклиф этишди.

НОГИРОНЛАРГА КЎМАКЧИ БЎЛАДИ

Япон олимлари икки оёқли роботнинг биринчи намунасини намойиш этишди, дея хабар қилади «Reuters» агентлиги. Робот кексалар ва ногиронларга ҳаракат қилишларига ёрдам бериш учун мўлжалланган.



Унинг баландлиги 1,28 метр бўлиб, икки оёқ устига ўрнатилган ўриндик шаклида яратилган. Кашфиёт муаллифларининг сўзларига қараганда, ихтирони ҳали такомиллаштириш керак. Бунинг учун беш йил муддат зарур бўлади. У ҳозирча секин, бе-ўхшов, кўпол ҳаракат қилади, оғир юкни кўтара олмайди.

КОНДАЛИЗА РАЙСНИНГ БАЁНОТИ

АҚШ Давлат Котиби Кондализа Райс пайшанба кун БМТ Хавфсизлик кенгаши халқаро ҳамжамиятининг ядро дастурига оид хоҳиш-истакларига қарши боргани учун Эронга қарши чора кўриши лозимлигини айтди. Бу ҳақда АРП ахборот агентлиги хабар қилади.

«Эроннинг халқаро ҳамжамият талабларига кўниши эҳтимолдан йироқ. Шунинг учун Хавфсизлик кенгаши муайян чоралар кўришидан умид қиламан», — деди у. Айни пайтда К. Райс Эрон Ислом Республикасига қарши ҳарбий ҳаракатлар ўтказилиши борасида «Мен дунёдаги ҳамкасбларим билан Эрон муаммосини дипломатик йўллар ёрдамида ҳал этиш масаласини муҳокама қилдим. Айнан дипломатик йўллар билан ҳаракат қилиш лозимлигига бизнинг ишончимиз комил», дея фикр билдирди.

Ўз навбатида Франция Ташқи ишлар вазири Эронга ядро тадқиқотларини тўхтатмаганлиги сабабли Хавфсизлик кенгаши кескин муносабат билдириши лозимлигини таъкидлади.

ТАЛОН-ТОРОЖ ВА КАМОМАДА АЙБЛАНМОҚДА

Жанубий Корея Прокуратураси «Hyundai Motor Co» компанияси президенти Чон Мон Гуни компания сармоясини талон-торож қилишда, камоматда йўл кўйишда айбланмоқда, деб ёзади «Bloomberg» нашри. Камомат миқдори 106 миллион АҚШ долларини ташкил этади.



Терговчилар компаниянинг бошқа раҳбарларига айблов эълон қилишга шошилишмаяпти. Буни автогигант фаолиятига салбий таъсир кўрсатишдан

сақланиш билан изоҳлашапти.

«Hyundai» бошқаруви вакиллари эса Чон Мон Гунинг ҳибсга олинishi компания фаолиятига салбий таъсир кўрсатганлигини таъкидлашапти. Кун кеча бўлиб ўтган савдолар чоғида унинг акциялари нархи 3,5 фоизга пасайган.

ЖАНГАРИЛАР БАЗАСИ ТОПИЛДИ

Чеченистон ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари ходимлари тезкор-қидирув тадбири чоғида Шалин туманидаги ўрмонзор ичида 4-5 кишидан иборат жангарилар гуруҳига дуч келишди. Ўртада отишма бошланди. Террорчилар чекинишди. Махсус бўлинма жангчилари уларни таъқиб қила бориб, жангарилар базасини аниқлашди. У ердан йирик калибрли винтовка, ўқ-дорилар, Калашников қўл пулемёти, озиқ-овқат маҳсулотлари, дори-дармонлар топилди. Ҳуқуқни муҳофаза қилиш ходимлари орасида жабрланганлар йўқ. Ноқонуний қуролланган тузилмалар аъзоларини қидириш давом этапти.

ЭНГ ЮҚОРИ БАҲО

26 апрель кун Нью-Йоркда бўлиб ўтган кимошди савдолари чоғида Николай Рерихнинг «Лао-Цза» сурати 2,2 миллион АҚШ долларига сотилди. Шу пайтгача рассомнинг бирорта асари бунчалик юқори баҳоланмаган эди. Шунингдек, мусаввирнинг «Одил Конфуций» картинасини савдолар чоғида 1 миллион 248 минг АҚШ долларига сотиб олишди. Кимошди савдосида яна бир қатор рус рассомларининг суратлари ўз эгаларини топди.

ШУНАҚАСИ ҲАМ БЎЛАДИ

Телесценарийчилардан бири Женифер Лопесни судга берди. Даъвогарнинг сўзларига қараганда, яқиндан буён продюсерлик билан шуғулланаётган таниқли актриса ва хонанда унинг бир сериал бўйича гоёсини ўғирлаган. Гап «Жанубий пляжлар» номли кўп серияли фильм ҳақида борапти.

МУНОСАБАТЛАР МУРАККАБЛАШДИ

Пайшанба кун Швеция ва Исроил муносабатлари мураккаблашди. Сабаби, Швеция томони Исроил қатнашадиган ҳарбий машқларда иштирок этишдан бош тортди.



Сардинияда май ойи ўргаларида ўтказиладиган ушбу машқларда Фарбий Европанинг саккиз мамлакатаи қатнашади. Унда халқаро тинчликпарварлик операцияларда қандай ҳаракат қилиш масалалари ўрганилади.

Швеция томони ўзининг рад жавобини одатда Исроил бошқа минтақаларда ўтказиладиган тинчликпарварлик тадбирларда қатнашмаслиги билан изоҳлади.

«ЯХШИ КЎРСАТУВ ЖАМОА МЕҲНАТИДИР»

**Тахририятнинг бу галги меҳмони
Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси ижтимоий - сиёсий, социал + иқтисодий дастурлар Бош муҳарририяти катта муҳаррири Ҳакимжон СОАТОВ бўлди.**

— Тележурналист сифатидаги фаолиятингиз қандай бошланган?

— 1980 йилда Тошкент маданият-оқартув техникумининг режиссёрлик бўлимини тамомлаб, йўлланма билан Ўзбекистон телерадиокомпанияси «Ёшлик» студиясида маъмур вазифида иш бошладим. Ҳозирда телевидениенинг фахрийлари Мираббос Мирзахмедов, Эргаш Султонов, Эргаш Каримов, Элбек Мусаевлар илиқ кутиб олишди. Бироз вақт ўтгач, режиссёр ёрдамчилигига ўтказишди. Телевидениенинг ўзига хос томонлари, сир-асорларини эса Файрат Раҳматов ва Тоҳир Жўраевлар ўргатишди. Уша кезлари тайёрланаётган кўрсатувларни синчковлик билан қазатардим ва устозларга ҳавас қилардим. Соҳани пухта эгаллаш ва билимларни орттириш мақсадида Тошкент Давлат университети журналистика факультетининг кечки бўлимига ўқишга кирдим. Таълим олиш билан бирга «Касбим—фаҳрим», «Ватанимга хизмат қиламан» каби кўрсатувларга муаллифлик қилар эдим. Кейинчалик мени «Тарғибот» муҳарририятининг ҳуқуқ бўлими муҳаррири лавозимига ўтказишди. Мана, йигирма йилдирки шу бўлимда ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари билан ҳамкорликда кўрсатувлар тайёрлаб, томошабинлар ҳукмига ҳавола этаёпмиз. Шу ўринда республика Ички ишлар вазирлиги ва жойлардаги бошқармалари билан кўпдан бери мустаҳкам алоқа ўрнатилиб, «Ўсмир ва қонун», «Қонун барчага баробар», «Инсон ва қонун» каби кўрсатувлар ҳамкорликда тайёрланаётганини айтиб ўтиш жоиз. Ҳуқуқий мавзуда

кўрсатувлар тайёрлашимда устозим — ҳам ҳуқуқшунос, ҳам журналист Маъмура опа Муҳаммаджонованинг хизматлари беқиёслигини таъкидлаб ўтишни истардим. У киши мавзуга қандай ёндашиш кераклиги, кўрсатувлар таъсирчанлигини қай тарзда ошириш лозимлигини эринмай ўргатарди.

— Кўрсатувлар қай тартибда тайёрланади?

— Кўпинча фуқаролардан келган шикоятлар асосида кўрсатувлар тайёрлар эдик. Қолаверса, вилоятларга хизмат сафарига бориб, ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари томонидан очилган жиноятлар билан яқиндан танишамиз, бу жараёнда бевосита иштирок этган пайтларимиз ҳам бўлган.

Ҳуқуқий мавзуда кўрсатувлар тайёрлашимизда жиноятнинг мудҳиш оқибатлари ва бундан бошқалар тегишли сабоқ, хулоса чиқариб олишларини олдимизга мақсад қилиб олганмиз. Масалан, «Ўсмир ва қонун» кўрсатуви орқали вояга етмаганлар томонидан содир этилаётган ҳуқуқбузарликлар, жиноятлар таҳлил қилиниб, унинг сабаб ва илдишларини атрофлича кўрсатишга ҳаракат қиламиз. Энг асосийси, ҳар бир кўрсатув тарбиявий аҳамият касб этишига катта эътибор қаратилади.

Мақтанишга йўйманг-у, бундан 15-16 йиллар аввал намоёиш этилган «Шаҳар бедарвоза эмас» кўрсатуви га муҳаррирлик қилардим. Муаллиф ва бошловчимиз ички ишлар ходими эди. Бир гал мамлакатимиз худудидан ноқонуний йўл билан четга олиб чиқиб кетилаётган товар-моддий бойликлар тўғрисида кўрсатув тайёрлаш такли-

фи ўртага ташланди. Кўрсатув намоёиш этилгач, ҳукумат раҳбарлари бундай ҳолатларга зудлик билан чек қўйиш учун зарур чоралар белгилаган, яъни республика Ички ишлар вазирлиги таркибиде товар-моддий бойликларнинг ноқонуний олиб чиқиб кетилишига қарши курашувчи Бош бошқарма тузилганди. Ана, сизга биргина кўрсатувнинг кучи, таъсири.

— Шу ўринда «Чорраҳа» кўрсатуви ҳақида ҳам тўхталиб ўтсангиз.

— Мазкур кўрсатув қариб йигирма йилдирки, республика ИИВ Йўл ҳаракати хавфсизлиги Бош бошқармаси билан ҳамкорликда тайёрлаб келинмоқда. Бунда, албатта, соҳа ходимлари томонидан йўл-транспорт ҳодисаларининг олдини олишдаги саъй-ҳаракатлар асосий мавзу ҳисобланади. Шунингдек, йўл-транспорт ҳодисасини содир этиб, жабрланувчи га ёрдам бермай воқеа жойидан қочиб кетган инсофсиз ҳайдовчилар тўғрисида маълумот берилади. Баъзан йўл-транспорт ҳодисаларига сабабчи бўлиб қолган пиёдалар билан ҳам суҳбатлашамиз. Улар йўл қўйган хатоларни бошқалар такрорламасин деймизда. Ер ости йўли бўла туриб, серқатнов кўчани кесиб ўтаётган, автотранспорт воситалари ҳаракатланмишга хавф туғдирадиганлар ҳам учраб туради. Айниқса, болалар иштирокидаги автоҳалокатларни намоёиш этиш орқали, барча ота-оналарга фарзандларига бефарқ бўлмастикларини бир қарра эслатиб қўямиз. Кўрсатув фуқароларимиз йўл ҳаракати хавфсизлиги қоидаларига риоя этиш маданиятини юксалтиришни тарғиб қилади.

— Ҳуқуқий мавзудаги кўрсатувлар бошқалардан нимаси билан фарқ қилади?

— Ҳар бир муаллиф кўрсатуви га ўз нуқтаи назаридан ёндашади. Масалан, «Чорраҳа» кўрсатуви «Ёшлар» телеканали орқали намоёиш этилаётган «Автопатруль»дан услуги билан фарқ қилади. Кўрсатув тайёрлаш жараёнида улар ўз йўналишларидан боришса, биз ҳам ўз услубимиз бўйича тасвирга туширамиз. Лекин ҳар икки кўрсатувнинг мавзуси бир нуқтада кесишади, яъни йўл-транспорт ҳодисаларининг олдини олишга хизмат қилади. Ҳуқуқий мавзуда тайёрланадиган кўрсатувлар мураккаблиги, жиддийлиги, ўзига хослиги билан бошқалардан ажралиб туради. Мисол учун, бир жойда қотиллик содир этилди. Жиноятни ким содир этди, нима учун бундай ваҳшийликка қўл урилди ва унинг замирида қан-

дай сир яширинганлигини суратга олиш мақсадида баъзида ашаддий жиноятчилар билан суҳбатлашишга тўғри келади. Айримлари интервью беришдан бош тортишади, баъзилари кўрсатув таркибиде товар-моддий бойликларнинг маҳоратини ишга солиб, айбланувчини гапиртира олиши лозим. Ахир, унинг ҳам ўзига яраша дардлари бордир, ё аламдан, ё бошқа бирор ички кечинма туфайли жиноятга қўл урган бўлиши мумкин. Шунинг учун ҳар бирига алоҳида, ўзгача ёндашув керак, қолаверса, уларнинг руҳиятини ҳам ўқий олиш лозим.

Баъзида қотиллик содир этилган жойларга бориб, тасвирга туширишга тўғри келади. Дастлабки йилларда ваҳшиёна ўлдирилганларни кўрганда ёки қийноққа солинган жабрланувчилар билан суҳбатлашганимда мени титроқ босарди, воқеа анча вақтгача хаёлимдан кетмас эди. Лекин йиллар ўтиб, жиноятчилардан интервью олаётганда эҳтиросга берилмасликка, воқеа жойини кўрганда сесканмасликка ўзимда куч топа олдим. Шундай ҳолатлар ҳам бўладики, мудҳиш жиноятга қўл урган ёшларни кўриб, бир томондан ачинсанг, бир томондан кишининг қаҳри келади. Бундан уч йил муқаддам Наманган вилоятининг Тўрақўрғон туманида 16-22 ёшлар оралигидаги 6 нафар йигит қотиллик содир этишган эди. Улар ҳамқишлоқларининг мол-мулкига кўз олайтириб, 27 ёшли оила бошлиғи, аёли ва 5 яшар қизини ваҳшийларча ўлдирган. Қотиллар билан вақтинча ушлаб туриш ҳибсхонасида суҳбатлашганимда, уларга нисбатан нафрат, газаб уйғонди. Лекин ёшлиқларини, ота-оналари чекаётган афсуснадоматни кўриб, ўйлиниб қолдим. Кейинчалик улар мазкур жиноятни амалга ошириш учун анча вақт пухта тайёргарлик кўришгани, ҳатто уйнинг тархини чизиб олишгани аниқланди. Кўрсатувда нега ёш йигитлар ота-оналари, маҳалла-қўй назоратидан четда қолишганига асосий урғу берилди.

— Тафсилотларга батафсил тўхталишнинг салбий томонлари йўқми?

— Тўғри, кўрсатувларда берилаётган жиноятчиларнинг ҳатти-ҳаракатларидан бошқалар андоза олмайди, деб ҳеч ким кафолат бера олмайди. Лекин телетомошабинни жиноятнинг қандай содир этилгани кўпроқ жалб этади. Телевидениенинг бошқа оммавий ахборот воситаларидан фарқи ҳам ана шунда. Оддий суҳбат тарзидаги кўрсатув томошабинга ўз таъсирини



*«Тосеида» газетаси
муҳарририятига қилинган
суҳбатимиз асосиде тиланман
Тўғриликни тик, дастурга
қилинган тўғрилик бўлсин.*

(Соатов)

кўрсата олмаслиги мумкин. Жиноят ашёларини намоёиш этишдан мақсад фуқароларни ҳушёр бўлишга, огоҳликка қақриштириб. Қолаверса, ҳар қандай жиноят фош этилиши, қинғир ишнинг қийини бари бир очилишига эътибор қаратилади.

— Кўрсатувнинг муваффақиятли чиқиши кўпроқ кимга боғлиқ — муҳарриргани, тасвирчиларни ёки режиссёрларни?

— Кўрсатувнинг муваффақият қозониши албатта ижодий гуруҳнинг ҳамкорчилигига боғлиқ. Улар нечоғли ҳамфикр бўлишса, кўрсатув шу даражада қизиқарли чиқади. Шахсан ўзимга келсам, ҳар бир кўрсатувни режиссёрлар ўткир Ражабов, Ёқубжон Муродов, режиссёр ёрдамчиси Шавкат Умрзоқовлар билан бамаслаҳат тайёрлаймиз. Сабаби, улар ўз ишининг устаси ҳисобланишади.

— Ички ишлар идоралари билан ҳамкорликни бундан буён ҳам давом эттириш ниятингиз борми?

— Албатта. Мақсадимиз, яна кўп йиллар ҳамкорликда турли кўрсатувлар тайёрлаб, халқимизга ҳавола этиш. Шу ўринда, машаққатли касб эгалари бўлмиш ички ишлар ходимларининг нафақат хизмат фаолиятини ёритиш, шунинг

билан бирга уларнинг оила аъзолари билан ҳам суҳбатлар уюштириш, рафиқаларининг масъулиятли соҳани танлаган турмуш ўртоқлари ҳақидаги фикрларини билиш ниятимиз борлигини айтиб ўтмоқчиман.

— Суҳбатимиз якунида анъанавий савол берсам. Фарзандларингизнинг қай бирида йўлнингизни танлаш нияти бор?

— Турмуш ўртоғим Озолахон билан тўрт нафар фарзандни тарбияляпмиз. Ўғлимиз Жамшид Фарғонадаги Ф. Зокиров номли ҳуқуқ лицейини тамомлади. Баъзан кўрсатув тайёрлашда ўз касбидан келиб чиқиб, маслаҳатлар берганида хурсанд бўлиб кетаман. Мабода, у менинг соҳамни танласа, асло эътироз билдирмайман, аксинча, маънавий қўллаб-қувватлайман.

— Ички ишлар ходимларининг хизматидан хабардор киши сифатида нималар деган бўлардингиз?

— Ички ишлар ходимларининг матонатига, қатъиятига, иродаси, сабрбардошига тан бермай иложи йўқ. Ватан, халқ учун, керак бўлса, ўлимга ҳам тик боқиш ҳар кимнинг қўлидан келавермайди. Уларга тинчлик-осойишталигимизни сақлашда куч-қувват тилайман. Оила аъзолари бахтига доимо омон бўлишсин.


Суҳбатдош: Қобилжон ШОКИРОВ.






Do'stlar!

Bugungi sahifamiz kelajakda bo'lg'usi osoyishtalik posboni bo'lishni orzu qilgan tengdoshlaringizga bag'ishlangan.




Har birimizning uyimizda qog'oz salfetka bor. Yuqoridagi rasmda do'stlaringizdan biri salfetkalaridan birini olib (1-rasm), to'rt buklagan va qaychi yordamida chetlariga shakl berib, qirib chiqqan (2-rasm). Keyin esa uni yoyganida pastdagi uchta shakldan biri hosil bo'lgan. Sizing vazifangiz do'stingiz shaklli salfetkalaridan qay birini yasaganligini topishdir.

Ushbu gugurt cho'plaridan yasalgan «qisqichbaqa» shaklidan 3 ta cho'pni shunday almash-tiringki, natijada «qisqichbaqa» pastga qarab o'rmalasin.



Qizil shapkachaning bo'riga duch kelmasdan uyiga yetib olishiga yordam bering.



DETEKTIV-TOPSHIRIQ

Bolalar! Bugundan e'tiboran men sizlarga detektiv mavzuga oid topshiriqlar berib borishga qaror qildim. Chunki orangizda kelgusida osoyishtalik posboni bo'lishni niyat qilganlar ko'p, to'g'rimi?

Quyidagi rasmlarda bir o'g'irlik sodir etilgani va izquvarning bu jinoyatni fosh qilgani tasvirlangan. Rasmlarga diqqat bilan razm solib, berilgan topshiriqqa javob topishga harakat qiling.



1. Ishxonasiga kelgan kassir seyfdagi pullarni kimdir o'g'irlaganini bilib qoldi va darhol izquvarni chaqirdi.



2. Seyfni buzgan kimsa qog'oz qoldirib ketibdi. Bu izquvarga o'g'irlikni kim qilganini topishda ancha yordam berardi.



3. Izquvar o'zi gumon qilgan kishining oldiga bordi. Lekin u bog'langan qo'lini ko'rsatib, bu o'g'irlikka hech qanday aloqasi yo'qligini bildirdi.



4. Ammo oradan bir oz vaqt o'tgach, izquvar hozirgina gumon qilgan kishi bir noma'lum sherigi bilan uyidan chiqayotganligini ko'rib qoldi.




5. Ikkalasi ham mashinaga o'tirishgan zahoti izquvar ularning oldiga yetib keldi va o'g'irlikni aynan ular sodir etganliklarini bildirdi.

Ayting-chi, izquvar nima uchun shu qarorga keldi?


Aziz bolalar!

Bugun siz bilan birga Olmaxonning rasmini chizishga harakat qilib ko'ramiz.

RASM CHIZISHNI O'RGANAMIZ!



1. Dastavval, uchta ovalsimon aylanalar chizamiz.




2. Keyin Olmaxonning husni bo'lgan dumini va oyoq qismini chizamiz.



3. Endi esa qo'l chizib, aylanalarga bir oz shakl beramiz.



4. So'ngra biz uchun keraksiz bo'lgan chiziq-larni o'chirib chiqamiz.



5. Olmaxon o'tirgan shoxcha, quloqlar, bar-moqlar, burun chiziladi, dum bezaladi.



6. Ana endi rasmda ko'rsatilganidek, qo'shimcha chizmalarni ham bajarib bo'lgach, chiroyli Olmaxon paydo bo'lganligini ko'rasiz. Uni bo'yash sizning hukmingizga havola.

Sahifani E. SATTOROV tayyorladi.

Марказий Осиёнинг XVII асрдаги ижтимоий ва илмий тафаккурининг йирик намояндаси Ибн Муҳаммад Юсуф ал-Қорабоғий ал-Муҳаммад Шохий аслида озарбайжонлик бўлиб, ўзининг буюк салафлари асарларидаги илғор анъаналарни давом эттира олган ижодкордир. Шарқ манбаларида олимнинг ҳаёти ва ижодига оид маълумотлар учрайди. Аммо улар етарли эмас. Муаллифлар унинг вафот этган йили ва баъзи асарларини санаб ўтиш билан чекланидилар, холос.

Юсуф Қорабоғийнинг барча асарлари Самарқанд ва Бухорода ёзилган. У ҳақида дастлабки маълумот рус олими, профессор А. Семёнов тадқиқотларида учрайди.

Озарбайжонлик А. Аминзода ўзининг монографиясида Қорабоғийга махсус боб ажратган. А. Семёновнинг кичикроқ асарида Қорабоғий таржимаи ҳолига оид маълумотлар келтирилади ва унинг "Рисолаи ботинийя"сининг муктасар таржимаси берилган. "Озарбайжон фалсафаси тарихидан очерклар"да Юсуф Қорабоғийга бутун бир боб бағишланган. Бу ерда у озарбайжон файласуфи ва фикшуноси сифатида талқин этилади. Файласуф 1563 йилда Қорабоғ қишлоғида туғилган.

ЮСУФ ҚОРАБОҒИЙ

1579 йил 16 ёшли Юсуф Ширвонга келади. Бу вақтларда вазият оғир эди. Сиёсий нотинчликлар туфайли бўлса керак, Қорабоғий Шерзога жўнайди ва Ҳабибулла Мирзагон ал-Шерозий ал-Богнавийдан таълим ола бошлайди. Ўша вақтдаги ижтимоий илмларни, хусусан, фикҳ, фалсафа, тасаввуфни чуқур ўрганайди. Бу фанлар юзасидан тадқиқотлар олиб борди. Қорабоғий устози Шерозий вафотидан сўнг Самарқанднинг таниқли сиймоларидан "Кубравийя" тариқатининг фаол тарғибчиларидан бўлган Хали-

лullo Бадахший билан алоқа боғлайди. Кейинчалик Қорабоғий Бадахшийнинг содиқ шогирдига айланади. Бу даврда тасаввуф адабиёти ривожланиб, унинг янги намояндаси пайдо бўлади, бу янги авлод ўз салафларининг анъаналарини давом эттириб, бойита бордилар.

Халқ орасида Қорабоғийнинг обрў-эътибори ошиб кетди. Бу

да машҳур мутафаккирлар ва табиатушнослардан Арасту, Афлотун, Пифагор, Суқрот, Анаксагорларнинг номларини тез-тез учратамиз. У шарқ олимларидан Фаробий, Ибн Сино, Беруний, Бахманёр, Ғаззолий, Тусий, Тафтазонийлар ас-Сулламий, Ибн Аммуна, Абул Ҳасан ал-Кошийларнинг ҳам асарларига мурожаат этган.

"Фи таърифил илм" асарида илмнинг ҳикмати ҳақида мушоҳада юритади. Қорабоғийнинг "Рисолаи фи баёнил жуз ла йа-тажазза" асари олимлар ўртасидаги фалсафий мунозараларни ёритишга бағишланган.

Қорабоғийнинг "Мафатих" китобида диний урф-одатлар, ҳуқуқий қоидалар ва уларни бажариш масалалари хусусида баҳс юритилган. Шунингдек, Қорабоғий Давоний, Казвиний, Тафтазоний, Шаҳобиддин Суҳравардий каби олимларнинг асарларига шарҳлар ёзган, мантиқ, араб тили, риёзиёт, луғатшунослик, диний масалаларга оид қатор рисодалар ижод этган.

Қорабоғий шеърят билан ҳам қизиққан. У ўша давр шоирлари орасида шуҳрат қозонган. Қорабоғий асарларининг аксарии, аниқроғи, 24 та рисоласининг кўлэмаси Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академияси Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти кўлэмалар фондида сақланади.

Кейинги йилларда Марказий Осиёнинг XVI-XVII асрлардаги фалсафа тарихини тадқиқ этиш, хусусан, Қорабоғий меросини ўрганиш соҳасида анча ишлар қилинди.

олимнинг ғоявий, ижодий рақибларида ҳасад уйғотди. Улар иғво қилиб олимни Бухородан икки чақирим масофада жойлашган Сепулон деган ерга бадарға қилдиридилар. Қорабоғий умрининг сўнгги йилларини шу ерда ўтказди.

Қорабоғий асарларини ўрганиш ва таҳлил қилиш унинг том маънодаги аллома ва чуқур билимли файласуф эканлигини кўрсатади. У аниқ фанлардан яхшигина хабардор бўлган, тиббиётни мукамал билган, бошқа кўпгина фанлардан рисола-лар ёзган. Олимнинг асарлари-

Олимнинг "Рисолаи ботинийя" рисоласида инсондаги нафсоний кучлар, руҳий олам ҳақида ҳикоя қилинган. Бу асар "Етти жаннат" номи билан ҳам машҳурдир.

"Рисолаи ҳилватийя" асари араб тилида ёзилган бўлиб, олти қисмдан иборатдир. Ҳилватлар эса ўз навбатида "тўхталиш"ларга бўлинган. Бу асарда муаллиф борлиқ билан боғлиқ бўлган жуда кўп фалсафий муаммолар ҳақида сўз юритган. Асар давомида ўзидан олдин яшаб ўтган машҳур алломалар билан у ёки бу масала юзасидан мунозарага киришган.

ТУШЛАР ТАЪБИРИ

(Боши ўтган сонларда).

ИЛОН

Атайин қилинаётган ёмонликдан, зиёндан, маккорлик ва душманликдан хабар. Чикса – яқинларингиз ва бегоналар сизни қаттиқ хафа қилишади. Илоннинг бошқа одамни чаққанини кўриш – сиздан ўша кимсага зиён боради. Кимки, илонни ўлдирса – душманидан халос бўлади. Хазина, бойлик устида ўтирган илон – алдов. Агар, шу илон жуда улкан ва сизга зиёни тегмаётган бўлса – манфаатли узоқ сафар. Илонни уйида кўриш – яқинларидан келадиган дилхиралик. Бир ғуж илонларни кўриш – секин тузаладиган касалликдан хабар.

Халқимизнинг қадимги одати бўйича илон тушга кирганда, унинг зиёнидан қутулиш учун хасип солиш ва садақа бериш керак.

ИТ (КУЧУК)

Ит ва кучук – дўстни билдиради. Кимки, ўзини итлар тўдаси орасида юрганини кўрса – ҳар қандай бошлаган иши поёнига етади. Агар, ит тишлаб олса – ўзи билан дўсти орасига совуқчилик тушади. Кичкина кучукча – совға келишидан хабар. Нотаниш жойда катта ит хурж қилса – ўз мақсади йўлида ёлгон гапиради.

ЙИГЛАШ

Туш соҳибининг сабабсиз йиғлаши – ташвиш ва етишмовчилик келиши белгиси. Бирор сабаб билан йиғлаш – ишхона ходимлари учун – бошлиқдан дакки эшитиши; алоҳида ёки лавозимли кимсалар учун – шу кунларда огоҳлик за-

рурлиги ифодаси. Кимнингдир дардида йиғлаш – тез пайтда Аллоҳга ноласининг етишига ва орзуларининг рўёбга чиқишига ишора. Бировнинг йиғлашини кўриб, ачинаш – унинг гамига шериқ бўлиш. Ўз уйида, хонадонида йиғи эшитиш – яқин кишиларидан бири касал бўлиб қолиши мумкинлиги.

ЙЎЛ

Икки чети дарахтзор ёки гулзор йўлда юриш – омад эгаси бўлиш. Тошлоқ йўлда юриш – зарар келтирадиган иш қилинаётганлигига ишора. Йўлдан адашиш – ўз айбига кўра хато қилинмоқда. Нотаниш йўлда юриш – кўнгил майлига бўйсунмаслик кераклиги ифодаси.

ЙЎЛБАРС

Қаҳри қаттиқ одам билан учрашувдан хабар. Унинг ҳамласи – зиён келаётгани дараги. Йўлбарснинг тегмай ўтиб кетиши – чекилаётган ғамташвишларнинг бекорлиги белгиси.

КУЛГИ

Эркак киши туш соҳибининг устидан кулса – у тез орада майна бўлиши мумкин. Аёл киши кулса – яқинлашаётган дилхиралик. Кўпчиликнинг кулиши – келаётган омад. Туш соҳибининг кўпчилик билан бирга кулиши – узоқ пайт тарқ этмайдиган хурсандчиликлар. Танишларнинг жилмайиши – ҳавасга сазовор бўлиш. Туш соҳибининг ўзи кулса – ўнгида ҳам хурсанд бўлади. Марҳумларнинг кулиб туриши – касаллик.

(Давоми бор).

Фаррухбек ЭРМАТОВ тузди.

ЎТГАН СОНДА БЕРИЛГАН СКАНВОРДНИНГ ЖАВОБЛАРИ:

ЭНИГА: Калава. Акашак. Намуна. Оломон. Нома. Асо. Атакама. Асира. Аломат. Сомали. Арис. Ини. Асал. Тиса. Атир. Дона. Олим. Асорат. Кана. Ва. Нота. Авар. Рўза. Зафар. Аризона. Амал. Сал. Дўлана. Манила. Зил. Мош. Дақиқа. Тўн. Камерун. Акас. Масал. Равиш. Ока. Имом. Динор. Навдим. Қиш. Одина. Аза. Ал. Ниш. Ракат. Оми. Амоко. Ага. Обаки. Озор. Аросат. Отарчи. Ро. Аг. Адо. Нола. Чаман. До. Пан. Ажам. Абай. Мина.

БҮЙИГА: Шанба. Чад. Бода. Олча. Лотин. Ўзак. Зобит. Марат. Оталиқ. Манамма. Амма. Малика. Икар. Сазан. Қасида. Чана. Тико. Алабама. Ила. Анд. Ананас. Рах. Елим. Тор. Ода. Исида. Бозор. Ом. Атаман. Минора. Опа. Она. Асака. Ши. Талаб. Акула. Ара. Бат. Шақ. Тана. Илон. Мотив. Калима. Лариса. Идора. Асати. Ўзан. Нашида. Шама. Ирим. Золим. Нике. Осирис. Ван. Лола. Она. Кино. Асама. Араш. Саратон. Шона.

ҚОНИҚАРЛИ НАТИЖАЛАР

Тошкент шаҳар ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари жамоалари ўртасида спорт мусобақалари спартакиадасини ўтказиш анъанага айланган. Яқинда «Динамо» спорт-соғломлаштириш мажмуида XV спартакиада дастуринан ўрин олган спортнинг энгил атлетика турлари бўйича беллашувлар бўлиб ўтди. Мусобақаларда республика ички ишлар тизимларидан ҳам вакиллар иштирок этишди.

100 метрга югуриш мусобақасида республика МХХ ходими Б. Халилов маррага биринчи бўлиб етиб келди. 1000 метрлик масофага югуришда эса ИИВ Қоровул қўшинлари Бош бошқармаси вакили Т. Худойберганаовга тенг келадигани топилмади.

Узунликка сакраш бўйича хавфсизлик хизматидан Б. Соибназаров 6,14 метр натижага эришиб биринчи, ИИВ Академияси вакили Т. Кислов эса 6,09 метр натижа кўрсатиб иккинчи ўринни эгалладилар.

Жойда туриб узунликка



сакрашда ИИВ Қоровул қўшинлари Бош бошқармасидан Т. Худойберганаов барча рақибларини ортда қолдирди.

4x100 метрли эстафетада хавфсизлик хизмати жамоаси ғолиб бўлди. ИИВ Академияси чопқирларига эса иккинчи ўрин насиб этди. Учинчи погонани Қоровул қўшинлари вакиллари эгалладилар.

Шведча эстафета деб номланган 800x400x200x100

метр югуришда Тошкент Олий ҳарбий техник билим юрти спортчиларига иккинчи, ИИВ Қоровул қўшинлари вакиллари эса учинчи ўрин берилди.

Умумжамоа ҳисобида республика МХХ жамоаси биринчи, ИИВ ҚҚББ спортчилари иккинчи, ИИВ Академияси вакиллари учинчи ўринларни эгалладилар.

Г. ПЕТРОСЯН.

Суратларда: мусобақадан лавҳалар.

А. КЕНЖАЕВ олган суратлар.



ЎЗБЕКИСТОН ДУНЁ НИГОҲИДА

«Ўзбекистон бугун спортга, оммавий жисмоний тарбияга юз тутган мамлакатдир»

Хуан Антонио САМАРАНЧ.

Халқаро Олимпия ҳаракатини юқори чўққиларга олиб чиққан бу инсоннинг эътирофи айни кунларда том маънода ўзини оқламоқда.

Истиқлол йилларида мамлакатимизда спорт жуда тез суръатда ривожланиб бормоқда. Спортчиларимиз халқаро мусобақаларда муносиб иштирок этиб, юртимиз байроғини сарбаланд этиб келмоқдалар.

28 апрелдан эътиборан дунё нигоҳи яна Ўзбекистонга қаратилди. Шу кунни пойтахтимиздаги «Ўзбекистон» спорт мажмуида кикбоксинг бўйича Жаҳон чемпионати тантанали равишда очилди.

Бир неча ўнлаб давлатлардан ташриф буюрган спортчилар қатори республикамиз кикбоксчилари ҳам бу мусобақаларда Ватанимиз шарафини ҳимоя қиладилар. Вакилларимиз орасида ички ишлар ходимларининг ҳам борлиги диққатга сазовордир.

Чемпионатнинг очилиш маросими барчада унутилмас таассурот қолдирди.

(Чемпионат ҳақидаги материал билан газетамизнинг келгуси сонидан танишасиз).

Ўз мухбиримиз.

Суратда: чемпионатнинг очилиш маросимидан лавҳа.



Осиёнинг бир қатор шаҳарларида Чемпионлар Лигаси 4-тур учрашувлари ўтказилди. Мазкур турда мамлакатимизнинг амалдаги чемпиони «Пахтакор» Эронда «Фуллад» жамоасининг меҳмони бўлиб, гуруҳдан навбатдаги босқичга йўл олиш масаласини анча яхшилаб олди. Шуниси эътиборлики, Валерий Непомняший шогирдлари Непомняший эронликларни меҳмонда эронликларни биринчи марта мағлуб этган ягона жамоа сифатида эътироф этилмоқда.

«Пахтакорчи»лар ишончли ўйин кўрсатиб,

ФУТБОЛ. ЧЕМПИОНЛАР ЛИГАСИ

«ПАХТАКОР» МАВҶЕИНИ МУСТАҲКАМЛАДИ

мухлисларни қувонтирдилар. Биринчи бўлимда ўйин иккала жамоанинг тенг курашлари остида ўтди. Дарвоза дахлсизлигига масъул «Пахтакор» посбони Игнатий Нестеровнинг 23-дақиқада жиддий жароҳат олиши дилни бироз хира қилди. 36-дақиқага келиб мезонлар ўйинчиси М. Сулаймони Темур Жўраев кўриқлаётган дарвозани аниқ нишонга олиб ҳисобни очди.

Иккинчи бўлимни пахтакорчилар кескин ҳужумлар билан бошлашди. Солиев рақиб жарима майдончасида ҳимоячиларни хато қилишга мажбур қилди. Пировардида ҳимоячилардан қайтган тўпни Р. Байрамов устмонлик билан дарвозага йўллади. Орадан санокли дақиқалар ўтмасданок В. Кирьяннинг ўнг қанотдан берган зарбаси айни муддао бўлди. Бу эса ўз

навбатида учрашувда бурилиш ясаган гол муаллифига айланганлиги ўйин суръатини жадаллаштириб юборди. Шунингдек, 57-дақиқада З. Тожиев ҳам ўз маҳоратини кўрсата олди. Ҳисоб 1:3. Қолган дақиқаларда Ненад Николич шогирдлари ҳисобни ўзгартиришга ҳарчанд ҳаракат қилишмасин, пахтакорчилар бунга имкон беришмади.

«МАШЪАЛ»НИНГ МУНОСИБ ЖАВОБИ

Хабарингиз бор, Виктор Жалилов шогирдлари бундан икки ҳафта олдин «Ал-Хилол» жамоасига қарши кечган сафар учрашувида йирик ҳисобда мағлубиятга учраган эдилар. Муборакликлар ўз майдонида бунга муносиб жавоб бериб, ўз гуруҳида 2-поғонага кўтарилиб олишга муваффақ бўлишди.

Майдон эгаларининг шиддатли ҳужумлари билан бошланган учра-

шувнинг дастлабки дақиқаларидаёқ бир неча бор гол киритиш имконияти бўлди. Бироқ Р. Фофуров, Р. Қодиров ҳамда Ш. Мирхолдишоевдан омад юз ўгириши сабабли имкониятлар қўлдан чиқарилди. Биринчи бўлимда ҳисоб очилмади. Иккинчи бўлимни «Машъал» футболчилари хавфли ҳужумлар билан бошлашди. Ниҳоят, 50-дақиқада Б. Қораев тўпни дарвозага аниқ йўллади. Шундан сўнг В. Жа-

лилов майдонга мохир ҳужумчи З. Холмуродовни туширди. Бу 84-дақиқада ўз самарасини берди. Зафар жарима майдонига оширилган тўпни қийинчилик билан дарвозага йўллаб, «Машъал»нинг устунлигини таъминлади. Учрашувнинг сўнгги дақиқаларида бош ҳакамнинг хурмача қилиқлари туфайли мезбон ўйинчилар Ж. Жиянмуродов ва К. Кенжаевлар «қизил» билан сийланди. Бу ҳам

етмаганидек, Ш. Мирхолдишоев ўз жарима майдонида тўпни қўли билан ўйнаши меҳмонлар жонига оро кирди. Белгиланган пенальтидан А. Жумаан унумли фойдаланди — 2:1.

Навбатдаги тур учрашувлари 3 май кунини ўтказилади. «Пахтакор» — «Ал-Иттиҳод» меҳмони бўлади. «Машъал» «Ал-Минаа»ни қабул қилади.

Европа Чемпионлар лигасида финалчилар аниқланди. «Арсенал» — «Барселона» жамоалари 17 май кунини Париждаги «Стад де Франс» стадионида куч синашадилар.

«ДИНАМОЧИ»ЛАР ҒОЛИБ

Нукусдаги болалар спорт саройида қўл жанги бўйича Қорақалпоғистон чемпионати бўлиб ўтди. Унда ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари, олий ўқув юртлари ҳамда коллежларнинг терма жамоалари қатнашди.

Қизикарли ўтган баҳсларда 60 кг вазнда Нукус Давлат педагогика институти жамоаси аъзоси С. Рейимов, қолган вазнлар бўйича Қорақалпоғистон Республикаси «Динамо»чиларидан М. Исмаилов, К. Сулейманов, О. Досназаров, Т. Қошқаров, Б. Жусипбеков ва А. Отемуротовлар чемпионатнинг олтин медалини қўлга киритишди.

Шунингдек, республика ИИВ хузуридаги кўриқлаш хизмати вакили З. Омаров, жазони ижро этиш муассасаси ходими Ж. Сейитов кумуш медалга сазовор бўлишди. Жазони ижро этиш муассасаси ходими И. Султонов, кўриқлаш хизматидан К. Байниязов, Хўжайли тумани ИИБ ходими А. Адимовларга чемпионатнинг бронза медали топширилди.

Республика «Динамо»чилари умумжамоа ҳисобида ғолиб бўлдилар.

Д. ХУДОЙШУКУРОВ.

ҚИСҚА САТРЛАРДА

Футзал бўйича Осиё чемпионати мусобақаларининг тақвими эълон қилинди. Республикамиз терма жамоаси аъзолари «А» гуруҳида Хитой, Хитой Тайпейи ва Малайзия футболчилари билан куч синашадилар. Вакилларимиз 22 май кунини малайзияликларга қарши майдонга тушадилар.

Ўзбекистон ёшлар терма жамоаси Қозоғистоннинг Алмати шаҳрида ўтказилаётган халқаро турнирда иштирок этипти. Мусобақалар 2 майгача давом этади.

Чирчиқ шаҳрида илк бора жисмоний тарбия жамоалари ўртасида республика Кубоги ўтказилмапти. Тўққизта жамоа икки гуруҳда ўзаро баҳс олиб боришмоқда.

Эрон Ислом Республикаси Президенти Маҳмуд Аҳмадинежад аёлларнинг спорт тadbирларига боришни тақиқловчи 1979 йилда чиқарилган қарорни бекор қилди. Энди эронлик аёллар ҳам стадионга бориб спорт мусобақаларини кўришлари мумкин.

СИЗ БИЛАН ФАХРЛАНАМИЗ, УСТОЗ!

Мен Тошкент Давлат тиббиёт институтини битириб ишга келганимда биринчи кутиб олган аёл Роза Асқарова бўлди. Гарчи ўқиш даврида амалий машғулотлар етарлича ўтказилган бўлса-да, шифокор сифатида бемор билан юзма-юз келиш ҳаяжонини энгиш осон эмас экан. Ана шундай дамларда ёнингда тажрибали шифокорнинг далдаси зарур. Ишни нимадан бошлашни билмай турганимда, чиройли табассум билан маслаҳат берган Роза Собировнадан касбнинг кўп сирларини ўргандим.

Устоз шифокорнинг биринчи муолажаси беморга бўлган муомаласи

эканлигини кўп таъкидлайдилар. Поликлиникамизда ички ишлар идоралари шахсий таркибига хизмат кўрсатишнинг ўзига хос хусусиятларини устоздан ўрганганмиз.

Айни кунларда мен стоматологик поликлиника бошлигининг даволаш ишлари бўйича ўринбосари бўлиб хизмат қиляпман. Аввал бу лавозимда Роза Асқарова ишлаганлар. Раҳбарликнинг ўзига хос масъулияти, вазифаси ва бошқа жиҳатлари борки бирор масалада қийналиб қолганимда, албатта Роза Собировнадан маслаҳат оламан.

Яқинда ички ишлар фахрийларидан бири келиб Роза опа ҳақида бир воқеа-

ни айтиб берди. У кишининг тиши оғриб туни билан ухламай чиқади. Эрталаб тиш даволовчи шифокорга учрашса, тишни даволамай суғуриб ташлаган. Орадан икки кун ўтиб, бошқа тиши оғриган. У Роза Собировнанинг олдига келганда оғриган ва бошқа тишларини ҳам даволаган. Шунда бемор:

— Аттанг, тўғри шу ерга келсам бўларкан, бир тишимдан айрилмасдим, — деган.

Р. Асқарованинг иш фаолиятида бундай воқеалар кўп бўлган. Даволашга эриниб, оғриган тишни осонгина суғуриб ташлайдиганлар учраб туради, аяббатта. Шифокорнинг вазифаси касални даволаш, унинг олдини олиш. Бу Роза опанинг тез-тез такрорлайдиган сўзлари.

Дарвоқе, айни кунларда опанинг шогирдларидан Г. Дадажонов, Д. Абдусатторова, Н. Ибрагимовалар устоздан ўрганганларини амалда қўллаб, беморлардан миннатдорчилик сўзлари эшитмоқдалар.

Устозимиз, подполковник Роза Асқарова айни кунларда таваллуд кунларини нишонламоқдалар. Уларга эзгу тилаклар билдириб, «Сиз билан фахрланамиз, устоз!» деймиз.

Шавкат ДАДАЖОНОВ,
катта лейтенант.
Сурагда: **подполковник Р. Асқарова** иш устида.
А. КЕНЖАЕВ олган сураг.



«МАЪНОЛАР МАҲЗАНИ»

ОНАНИНГ КЎНГЛИ БОЛАДА, БОЛАНИНГ КЎНГЛИ ДАЛАДА

Вариант: «Боласи кўча кезар, онаси бағрин эзар»; «Даладагилар ёғ ичар, уйдагилар қон ичар». Одатда ўғил-қизини тўй-зиёфатга, бирор томоша жойга ё сафарга юборган ота-она улар ҳадеганда келавермаса, ҳаяллаб қолса, вақт бемаҳал бўлганда ҳам қайтавермаса, ҳавотирланишга тушади. «Нима бўлдикин, нима қўйдийкин, бирор безорининг, йўлтўсарнинг қўлига тушиб қолдимикин...» деган минг хил хаёлга бориб, ич-этини еб, қон ютиб ўтиради. Уйдан чиқиб кетган болаларнинг эса парвойи-фалак: бепарво, беғам бўлиб, «уйдагилар ҳавотир олаётгандир» деган гапни хаёлига ҳам келтирмай, маишатини, томошасини қилиб юраверади. Юқоридаги мақолларни шундай ва шунга ўхшаш ҳолларда айтадилар.

(Ҳалима: ... **Онанинг кўнгли болада, боланинг кўнгли далада дегандек, укангни кўнгли пахтада бўлади, айланай Раҳбархон!** О. Ёқубов. «Чин муҳаббат»).

ОНАСИЗ КЕЛИН – ЮВОШ, ОНАЛИ КЕЛИН – БЕБОШ

Одатда онаси ҳаёт бўлган келинларнинг аксарияти онасининг яхши-ёмон насиҳатларига, ўргатадиган гаплари ва йўл-йўриқларига берилиб, тушган ерида қайнота-қайноғасига, эрига, эрининг қариндош-уруғларига тўғрими-но-тўғрими – ўз гап-сўзини, ўз нуқтаи-назарини ўтказишга ҳаракат қилади. Шу боисдан бундай келинни «бебош» дейдилар. Ўргатадиган онаси йўқ келин эса тушган еридагилар нима деса,

рад этмай, «хўп бўлади» деб қилаверади. Шу боисдан бундай келинни «ювош» дейдилар.

ОРЗУГА АЙБ ЙЎҚ

Ота-боболар бу ва бу каби бир туркум мақолларида кишига турмушни мазмунли ўтказиш юзасидан панд-насихатлар қиларканлар, ҳаётдан умидсизланмаслик, руҳни тетик тутиб, кўнгилга яхши ниятларни, орзу-истакларни жо қилган ҳолда келажак сари дадил, комил ишонч билан олға интилиш зарурлигини ўқтирганлар. Юқоридаги мақол билан: «Бирор нарсани орзу қилишнинг ҳеч қандай айби йўқ, орзу қилсанг ва унга томон интилсанг, у рўёбга чиқадими, чиқмайди – қатъи назар, бунинг учун одамлар сенинг устингдан кулмайдилар, қўрқмай қўя қол!» демоқчи бўладилар. Вариант: «Орзу қанот бағишлайди»; «Орзу – қушдир, ирода – мадад»; «Орзунинг ниҳояти бўлмас»; «Бир орзу ўн орзу болалайди»; «Одам уйга тўймас, бўри қўйга тўймас»; «Орзусиз кўнгилинг – булбулсиз чаман»; «Сулувни кўрсанг, кўзинг қонар, орзунгни кўрсанг, кўнгилинг қонар».

ОРИҚ ҚЎЙДА ҚЎЙРУҚ ЙЎҚ, ҲАРОМ ЎЛСА БУЙРУҚ ЙЎҚ

Шариат ҳукмига мувофиқ сўйилмаган, бирор касаллик ёки зарб туфайли ўлган ҳайвонлар ва паррандаларнинг гўшти ҳаром ҳисобланиб, ейиш ман этилган, ейишга буйруқ, яъни руҳсат йўқ. Мақолда шу нарса эслатиб ўтилган. Ориқ моллар ҳақида яна шундай мақоллар ҳам бор: «Ориқ қўйни орқага қўй»; «Ориқ хўкизга пичоқ на ҳожат?!» («Уни сўйиб, қийнаб нима қиласан, шундоғам ўз-ўзидан ўлиб кетади», дейилмоқчи).



МУНАЖЖИМЛАР БАШОРАТИ Келгуси ҳафта учун

ҚҰЙ. 21 март – 20 апрель



Ўз таъсирингизни атрофингиздагиларга ўтказишга муваффақ бўласиз. Аммо ҳамиша ҳам бу қобилиятингизни тўғри қўллайсизмикин? Сиз асосий эътиборингизни иш лойиҳаларига қаратишингиз керак. Ўйлаб кўринг: ҳамма қилаётган ишингиз тўғрими, ҳақиқатан кўзлаган мақсадларингизга интиляпсизми? Шубҳали таклифларга рози бўлманг.

СИГИР. 21 апрель – 20 май



Ҳозир сизни кадрлашларига, ҳурмат қилишларига қарамай янаям хушмуомала, сабр-тоқатли бўлишингиз лозим. Оила ташвишларингизни унутиб қўйманг. Рўзғор ишларини бир ёқли қилинг. Уйдаги кераксиз эски-туски буюмлардан халос бўлинг.

ЭГИЗАКЛАР. 21 май – 21 июнь



Шошилинг. Ҳозир қўл қовуштириб ўтирадиган пайт эмас. Олтиндан ҳам қиммат вақтнинг кадрига етсангиз, кўп ишга улгурасиз. Эҳтиёткорликни унутманг, теварак-атрофингизга эътиборли бўлинг. Иш деб ўзингизни зўриқтириб қўйманг. Акс ҳолда чарчоқ асабингизга салбий таъсир кўрсатади.

ҚИСҚИЧБАҚА. 22 июнь – 22 июль



Тўпланиб қолган асосий муаммоларни ҳал қилиш имконияти туғилади. Фаолроқ ва қатъиятлироқ бўлинг. Агар ўзингизни камтар, хотиржам тутсангиз, мансабингиз ошиши мумкин. Ортиқча шошма-шошарликка йўл қўйманг, акс ҳолда омад юз ўгириши эҳтимоли бор.

АРСЛОН. 23 июль – 23 август



Ҳамкасбларингиз билан ўзаро муносабатларингизда муайян мураккабликлар юзага келиши мумкин. Дарҳол қизишиб кетманг. Ҳафтанинг иккинчи ярмида ишингизда янги истиқболлар пайдо бўлади. Анчадан буён ўйлаб юрган режангизни амалга оширсангиз, моддий манфаат кўрасиз.

БОШОҚ. 24 август – 23 сентябрь



Янги учрашувлар ва танишувлар сиз учун муҳимдир. Фаоллик кўрсатинг. Бекорга пулни исроф қилманг: хўжақўрсинга сахийлик қилмасдан, фаросат билан иш тутсангиз, ҳурматингиз ошади. Дам олиш кунлари уй-рўзғор ташвишлари, тўпланиб қолган муаммолар билан банд бўласиз.

ТАРОЗИ. 24 сентябрь – 23 октябрь



«Кам сўйла, кўп тингла» ушбу ҳафтадаги шиорингиз бўлиши керак. Ички туйғунгизга кулоқ тутинг, ақл билан иш кўринг. Ҳозир киришимли, хушмуомала бўлиш сиз учун ўта муҳимдир. Янги ҳамкорлик алоқалари ўрнатишга эҳтиёт бўлинг.

ЧАЁН. 24 октябрь – 22 ноябрь



Мазкур ҳафтада эҳтиросларга берилиш сизга ҳалал қилиши мумкин. Шунинг учун ишни, вазифани ўзгартириш масалаларини ҳал этишда ниҳоятда эҳтиёткор бўлинг, узокни кўзлаб, пухта ўйлаб бир қарорга келинг. Ҳафта охирида танишадиган одамнинг янги ижодий қирраларингизни намоён этишингизда ёрдам берса ажаб эмас.

ЁЙ. 23 ноябрь – 21 декабрь



Ишингиз шахсий ҳаётингизга ҳалал беради. Дўстларингиз билан режалаштирган учрашувингизни бекор қилишингизга тўғри келиши мумкин. Ҳаммага ёқишга ҳаракат қилишингиз сизга муваффақият келтиради. Аммо бунақа саъй-ҳаракат қилаверсангиз толиқиб қоласиз. Кутилмаган янгилик ҳаёт тарзингизни ўзгартириб юбориши мумкин.

ТОҒ ЭЧКИСИ. 22 декабрь – 20 январь



Ишхонада муносабатларингиз мураккаблашади. Оилангиз ва ишхонангни муросага келтиришингизга тўғри келади. Бунда хушмуомалалигингиз ва сезгирлигингиз асқотади. Бу хусусиятларингиздан усталлик билан фойдалансангиз, ҳар қандай вазиятдан силлиқ чиқиб кетасиз.

КОВҒА. 21 январь – 20 февраль



Бу ҳафтада қатъият билан ҳаракат қилишингизга, ўй-режаларингизни ҳаётга татбиқ этишингизга тўғри келади. Бунда ишхонадаги ҳамкасбларингизнинг кўмагига таянгангиз маъқул. Ҳафта ўртасида турли миш-мишларга эътибор берманг. Чунки сизга нотўғри маълумот етказишади.

БАЛИҚ. 21 февраль – 20 март



Ҳафта бошида ишқий саргузаштларга дуч келишингиз эҳтимоли мавжуд. Турли-туман, ўзгариб турувчи воқеа-ҳодисалар диққатингизни жалб этади, тезда чора кўришингизни талаб қилади. Ҳафта давомида «Аввал ўйла, кейин сўйла» мақолини ёдда тутинг.

«ЯККА-ЁЛГИЗ ҚОЛИБ КЕТДИ МАЖНУТОЛИМ»

... Қалбининг меҳру муҳаббатидан туғилган фарзандига ота-онаси бир дунё орзу-умид ила Лайло деб исм қўйишди. У ҳақиқатан ҳам исми жисмига монанд гўзал қиз бўлиб вояга етди. Тундай қора сочлари, ойдай тўлин чеҳраси, тийрак ва бетакрор нигоҳлари — табиат ундан саховатини аямаган эди гўё. Бу қиз тимсолида истеъдодли хонанда камолотга етаётганидан ҳали кўпчилик беҳабар эди. Ҳаётга, тирикликка бўлган муҳаббати унинг қалбига бир дунё куй-қўшиқларни жо этганди.

Лайло қисқа вақт ичида, ўзбек эстрадаси саҳнасида бамисоли порлоқ юлдуз каби шуъла соча бошлади. Унинг бетакрор ва жарангдор овози тез орада минглаб қўшиқ ихлосмандларини ўзига ром этди. Ёш бўлишига қарамай ўз юртида ва ҳаттоки чет элларда ҳам кўплаб мухлислар орттирди. Ҳа, у чиндан ҳам сирли юлдуз янглиғ ногаҳонда пайдо бўлди, лекин узоқ нур сочишга ҳам улгурмайин...

**Зулматларга тик келдим,
Шабнам бўлиб тўкилдим,
Гул баргидан тикилдим,
Маъюс қолган юлдузман.**

Унинг республика телевидениеси орқали намоиш этилган «Ўзбекистон» видеоклипни кўриб, бу хонанданинг юрагида она-Ватанга бўлган меҳру муҳаббати қўшигида акс этиб турганини пайқаган эдим. Орадан кўп ўтмай қўшиқсевар бир қалбнинг бор орзу-умидлари, жўшқин ҳарорати, севинчлари, эзгу-ниятлари сўнди, армонга айланди.

Лайло ҳақиқатан ҳам гўзал қиз эди. У кўпчилик аёллар каби латофатли бўлишни, чиройли кийинишни, бир сўз билан айтганда, гоёт маложатли бўлиб юришни яхши кўрарди. Ўша пайтларда (1998 йилда) эндигина 24 баҳорни қаршилаган бу соҳибжамол хонанда бир куни ўзининг жонига қасд қилишларига сабаб бўлишини хаёлига ҳам келтирмасди...

... Апрель ойи эди. Кўклар таровати кишини мафтун этар, баҳор ифорларига кўмилган шаҳар туни гоёт гўзал эди. Кеч маҳал уч яшар ўғилчаси Жасурбек билан уйига қайтаётган Лайло ўша гўзал баҳор оқшомида янги қўшиқ хаёли, янги куй иштиёқи билан банд бўлгандир балки...

Лайло ўғли Жасурбекни ухлатиб, ўзи ҳам ухламоққа ҳозирлик кўраётган бир ма-

ҳалда эшик кўнғироғи жинглик туфайли ўзига жуда таниш бўлиб қолган «Ал-вакил» гуруҳи йигитлари кечаси алламаҳал остонасида пайдо бўлиб қолганида ҳам ёмон хаёлга бормади. Фақат бироз хавотирланиб:

— Тинчликми? — деб сўради, холос.

— Маслаҳатли гаплар бор, — дейишни улар.

Янги ижодий режалар, клип ва қўшиқлар хусусида гап бўлса керак, деган ўй Лайлонинг кўнғилдан кечган бўлса ажаб эмас. Бемаҳал келган меҳмонларга иззат кўрсатиб, ичкарига таклиф этди. Аввалига улар саҳналарда биргаликдаги чиқишларию режалари хусусида суҳбатлашишди. Ҳеч нарсадан беҳабар Лайло дастурхонга нознеъматларни келтириб, чой дамлаб келиш учун ортига бурилганида, бўйнига чилвир тушди. Кутилмаган бу ҳужумдан эсанкираб қолган мезбон жон ҳолатда чилвирни қўли билан тортгани, узилиб кетди. Нобакорлардан бири унинг қўлларини орқасига қайирди, иккинчиси ёнидан пичоғини олиб, ожизанинг кўксига бир неча марта уст-уст санчди. Қотиллар Лайлонинг оҳу ноласи, ўтинчу илтижоларига эътибор ҳам беришмади.

Улар айна пайтда ваҳший ҳайвондан ҳам баттар эдилар. Яна ва яна

қонли пичоқни унинг кўксига санчаверишди. Қон фаввора бўлиб отилаверди.

Жасурбек онасининг чинқириқларидан кўрқиб уйғониб кетди. Икки амаки-

нинг ваҳшийликларини кўргач, аввал ётган каравотининг остига кириб яшириниб олди, сўнгра ўриндиққа чиқиб, кўрпасини бошига тортганча кўзларини юмди. Бола бечора «ўзимни уйқуга солсам менга тегишмайди» деб ўйлади, чоғи.

...Суд тиббий экспертизаси ҳулосасида кўрсатилишича, Лайло Алиеванинг ўлимининг кўкрак қисмига ўткир тигли жисм билан кўп бор жароҳат етказилгани, туфайли бу оламдан кўз юмган.

Шундан сўнг қотиллар Лайлонинг тақинчоқларию бойликларини ўмариб қочиш ҳаракатига тушишди. Уйдан чиқиб кетиш олдидан Лайлонинг ўғли ётган хонага разм солишганда, болакай ухлаётгандек бўлиб кўринди. Аслида... норасида «амакилар»дан кўрқиб, ўзини уйқуга солиб ётарди. «Амакилар» уйни ташқарисидан қулфлаб, астагина «қуён» бўлишди.

Жасурбек кўрқа-писа йўлакка чиқди, ошхонага кирди ва полда қонга беланиб ётган онасини кўриб... йиғлади. Уни туришга, гапиришга ундар, ёнига ўтириб, кичкина бармоқчалари билан онасининг юзларини секин силаб ўтираверди. Бироқ... жонсиз жасад энди уни эркалай олмас, ширин-ширин сўзлар айта олмасди.

Бола бечора эса йиғлаб-йиғлаб охири чарчанидан онасининг жасади ёнида ухлаб қолди.

Тонгга яқин кўрқувдан



уйғониб кетган Жасурбек ҳалиям қимирламасдан ётган онасини кўриб яна йиғлай бошлади, йиғлайверди, ҳатто кичкина қўллари билан онасини елкасидан кўтаришга ҳам уринди, аммо кучи етмади. Норасида узоқ йиғлади, тонг отгунча йиғлади. Тонг отгандан кейин кираверишдаги эшикни очиб, кимларнидир ёрдамга чақирди, чорлайверди. Ниҳоят, унинг овозини эшитиб қўшнисини чиқди...

Республика Бош прокуратурасининг тергов-тезкор гуруҳи аъзолари жиноятчиларни қўлга олишди.

Табиийки, бу ёғи суднинг қора курсиси. Жиноятчилар ва уларга шерик бўлган, ушбу ваҳший жиноятни тегишли идораларга хабар бермай яшириб келган бошқа шахслар ҳам ўз қилмишларига тўла иқрор бўлишди. Суд жиноий ишни кўриб чиқиб, жиноятчиларнинг ҳар бирини тегишли жазога ҳукм қилди.

Мен Лайлони қўшни сифатида яхши билардим. Маҳалламизда, қўшниларимиз ичида кам таъминланган оилалар ёки кекса ёшдаги инсонлар бор. Лайло албатта уларнинг ҳолидан хабар олиб турар, гастрол сафарларидан бирон-бир совға олиб келиб, кекса онахонларимизни хурсанд қилиб турарди. Улар қўлларини дуога очиб, Лайлога ва унинг ёлғиз фарзанди Жасурбекка энг яхшитилаклар билдиришарди. Лайлога бундан ортиғи керак эмасди...

Лайло Ватан, халқ, севги, гўзаллик, меҳр-муҳаббат, ҳаёт-тириклик ҳақида куйлашни яхши кўрарди.

**Якка-ёлғиз қолиб кетди
мажнунтолим,
Мажнунтолим, хабар олгин,
қийин ҳолим.**

Лайлонинг яккаю ягона зурриёди, дилбанди-жигарбанди Жасурбек билан суҳбатлашишга бир неча бор ҳаракат қилдим. Бироқ бувиси (Лайлонинг онаси) Сурайё опанинг гапига қараганда, бир пайтлар шўх болакай онасини кўз ўнгида ўлдиришгани ва жонсиз жасад ёнида эрталабгача ўтириб чиққаниданми ўша мудҳиш воқеадан сўнг кам гапирадиган, кўпроқ ўз хаёли билан юрадиган бўлиб қолганини айтди. Мен Жасурбекдан катта бўлганида ким бўлмоқчилигини сўраганимда у «Ёмонларни жазолайдиган бўламан» деб жавоб берди.

Ажаб эмас, улғайганда ҳуқуқни муҳофаза қилиш идораларида хизмат қилса, жиноятчи кимсаларни қонун бўйича жавобгарликка тортса. Қолаверса, ким бўлишдан қатъи назар, илоҳим, онасидек бағри кенг, яхши инсон бўлиб вояга етиб, камол топсин. Ҳозирча эса Жасурбек бир пайтлар онаси билан кечган энг бахтиёр кунларини эслаб ўз хаёли билан яшаётир.

Лайло Алиева қисқа, аммо гоёт мазмунли умр кечирди. Унинг куйлаб улгурмаган гўзал қўшиқлари қолди. Хонанда руҳан, маънан ўлмаган. Унинг жозибадор ва ёқимли овози ҳамон янграётир. Унинг қўшиқлари барчани яхшилик ва эзгуликка чорламоқда.

Юлдуз АШИРОВА,
Тошкент шаҳар ИИББ
Матбуот маркази катта
инспектори,
майор.



ЮРАКНИ АСРАНТ, УЗОҚ ЯШАЙСИЗ

Юрак — организмнинг мотори, деган гапни кўп эшитганмиз. Инсон саломатлигининг асосий омилларидан бири — ана шу муштумдек заҳматкаш юракнинг ишемик касаллиги ҳамда миокард инфаркти ҳақида Республика ихтисослаштирилган кардиология маркази юрак-қон томир касалликлари профилактикаси бўлимининг катта илмий ходими, доцент Рустам Умаров ҳамда кичик илмий ходим Раъно Жамолова сўз юритади.



Кўп тарқалган ишемик касаллиги атеросклероз оқибатида юрак мускулининг қон билан таъминланишидаги бузилишдир. Юракнинг ишемик касаллиги деганда стенокардия, миокард инфаркти, ўчоқли ёки диффуз кардиосклероз, яъни юрак мускулларининг зарарланиши тушунилади.

Касалликнинг дастлабки белгиларидан бири зўриқиш стенокардияси хуружи бўлиб, у кўпроқ жисмоний иш бажарганда юз беради ва узоқ муддат давом этиши, ҳатто ўн йилларга чўзилиши мумкин. Кўпинча вақт ўтган сайин зўриқиш стенокардиясига беморнинг тинч турган пайтда ҳам кузатиладиган «тинч ҳолат стенокардияси» хуружлари қўшилиши мумкин. Миокард инфаркти касаллиги юз берганда юрак мускулининг маълум бир қисмига қон кам бориши натижа-сида шу жойда кислород ва озик моддалар миқдори камайиб кетади ҳамда кўкрак

соҳасида қаттиқ оғриқ пайдо бўлиб, узоқ давом этади. Бунда тўшнинг орқаси ачишиб, гижимлаб оғрийд ва юқорига, ўннга, чап ёки иккала қўлга, орқага, пастги жағ соҳасига тарқалади. Оғриқ бир неча соат, ҳатто сутка давом этиши, бемор танасини муздек тер босиб, бўшашиб, ҳансираб қолиши мумкин.

Миокард инфаркти кўпинча юрак ишемик касаллигининг зўрайиш даврида юз беради. Бунда стенокардия хуружлари кучайиб, тез-тез такрорланиб туради.

Буни «инфаркт олди даври» дейилиб, бир неча кундан бир неча ҳафтагача давом этиши мумкин.

Касаллик хуружи бошланганда шифокор келгунча беморни ўринга ётқизиб, хонани шамоллатиш, тинчлик сақлаш, оғриқни қолдирмасанда, нитроглицерин, аспириин бериш керак. Кўкракка тўш устига хантал (горчичник), оёққа грелка ёки танани куйдирмайдиган ҳароратда иссиқ сувли шиша идиш қўйиш, қўлини иситиш беморнинг аҳволини бироз энгиллаштиради. Касал-

ликнинг ўткир даврида бемор тинч ётиши, ҳаракат қилмаслиги керак. Унга шифокор тавсия қилган таомлар оз-оздан, тез-тез берилади. Беморни толиқтирмаслик, нохуш гап ва хабарларни айтиб, ҳаяжонлантирмаслик керак.

Юқорида айтиб ўтилган касалликларнинг олдини олиш учун биринчи навбатда артериал қон босимининг ҳамиша меърида бўлишига эътибор бериш, организмда холестерин миқдорини кўпайтирадиган ёғни (мол, қўй) кам ишлатиб, кўпроқ ўсимлик ёғларини истеъмол қилиш, ёғли, қовурилган таомлар емаслик, шўр, аччиқ нарсаларга, ширинликка, спиртли ичимликларга ружу қўймаслик, тамаки чекмаслик, асосийси, асабни асраш зарур. Кўпроқ ҳаракат қилиш, шифокор буюрган даволовчи жисмоний тарбия машқларини бажариш, семирининг олдини олиш, соғлом турмуш тарзини шакллантириш зарур. Миокард инфарктини бошдан кечирган бемор ҳар куни тоза ҳавода сайр-қилишни ярим соатдан бошлаб, икки соатга етказиши, секин қадам ташлаб юриши лозим.

ТАБИБЛАР ДЕЙДИКИ...

● Юракнинг ишемик касалига йўлиққанлар таомномасида оқсилга бой овқатлар, ёғсиз гўшт, балиқ, сузма кабилар бўлиши фойдалидир.

● Йирик тортилган ундан тайёрланган нон, мева-сабзавотлар, сули бўтқаси кабиларни истеъмол қилиш беморга наф беради.

● Бир ош қошиқда қуритиб, майдаланган мелисса (лимон ўти)ни бир стакан қайноқ сувга солиб, 30 дақиқа

ўраб (дамлаб) қўйиб, кейин сузгичдан ўтказиб, илиқ ҳолда кунга уч маҳал ярим стакандан овқатдан олдин ичиш керак.

● Миокард инфаркти хуружини бошдан кечирганлар сабзи шарбатини, юраги нотекис урадиганлар (тахикардия) қора турп қайнатмаси ёки мелисса (лимон ўти) дамламасини ичсалар фойда беради.

● Стенокардия хуруж қилиб, нафас сиқини даволашда саримсоқниёз аралаштирилган асал тановул қилиш фойдали.

● Бир литр асал, ўн дона лимоннинг сиқиб олинган шарбати, ўн дона саримсоқниёзни гўштқиймалагич ёки қирғичдан ўтказиб аралаштирилади. Оғзи ёпиқ идишга солиниб, салқин жойда бир ҳафта сақланади. Кунга (наҳорда) бир чой қошиқдан бир марта ейилади.

● Қора анғиз илдиридан 100 граммни 1 литр сувга солинади. Паст оловда 15 дақиқа қайнатиб, чой ўрнида ичилганда юракка қувват беради.


● Тухумни сувда қайнатиб, сариги истеъмол қилинса, юракка қувват беради.

Ш. ХУДОЙБЕРДИЕВА
тайёрлади.

Қон босимингизни текшириб туриш. Агар қон босимингиз кам бўлса, ҳаммаси жойида. Кўп бўлса-чи? Бу хавфлими? Ҳа, эҳтиёт бўлиш керак. Одатда киши ўзида шундай касаллик борлигини сезмайди. Чунки, унинг ҳеч қандай кўриниши кўзга ташланмайди ёки сезилмайди. Бунда инсон бирда соғ, бирда касалдек бўлиб юраверади. Лекин ана шу «айёр» касаллик туфайли томоқ оғриғига, инфаркт, инсульт, буйрак оғриғи ва ҳоказоларга дучор бўлиб қолиш ҳеч гап эмас. Мутахассисларнинг фикрича, қон босими касаллиги кўпинча наслдан наслга ўтади, яна семизлик, кашандалик, ёғли, тузли овқатларни кўп истеъмол қилишдан, ҳовлиқиб, куйиб-пишиб юришлардан, бўлар-бўлмасга асабийлашишдан касаллик ортириб олиш мумкин экан.

ҚОН БОСИМИ БАЛАНД БЎЛСА

Қон босими ошган инсонларда қон томирлари ўзининг эгилувчанлик, чўзилувчанлик хусусиятини йўқотиб боради. Натижада унинг айрим жойларида торайиш пайдо бўлиб, қоннинг ўтиши қийинлашади. Баъзида шундай пайтлари қон томирларида ёриқлар пайдо бўлиб, шу жойларда холестерин бўлақчалари ёпишиб, йиғилиб боради. Бу эса юракнинг қийналиб, катта куч билан ишлашига олиб келади ва натижада қон босими ошиб кетади. Бундай пайтда киши ўзини ёғли, тузли овқатлар, спиртли ичимликлар, чекиш ва ҳар хил нохушликлардан тийгани маъқул. Дарҳол шифокорга учрашиб, тавсия этилган муолажаларга қаттиқ риоя қилган ҳолда даволаниш шарт.



Бунинг учун биринчи навбатда ортиқча семириндан сақланиш лозим. Шунингдек, шифокорлар томонидан тавсия этилган куйидаги маслаҳатлардан фойдаланиш:

● Қон босими баланд кишилар жаҳди чиқиб, жазаваси қўзиб кетса, тезда валерианкани сувга томизиб ичиш фойда беради.

● Дўлана, ялпиз дамламаси, ўрик шарбати юрак қон томири фаолиятини яхшилайд.

● Икки ошқошиқ мойчечак (ромашка) дамламаси, бир чой қошиқ лимон суви, помидор ва сабзи суви билан аралаштирилиб (ярим стакандан), секин, оз-оздан бир неча дақиқа давомида истеъмол қилинса, қон томирларини кенгайтиради ва қон босимини пасайтиради.

● Калий элементи танадан суюқликни ҳайдаб чиқариш хусусиятига эга бўлиб, бир пайтнинг ўзида қон босимини пасайтириши ҳам мумкин. У-сут, қатиқда кўп бўлади. Кунга 1 литр ёғсизроқ сут ичиб ёки сузма еб юрсангиз, қон босимингиз ошиб кетмайди.

● Ҳар куни пиёда юриш ёки 20 дақиқалик югуриш ҳам қон босимини пасайтиради. Шунингдек, велосипедда сайр қилиш, сузиш, чангида учиб ҳам яхши натижа беради. Бу спорт машқларидан сўнг уйга келиб албатта бир неча дақиқа ётиб дам олишингиз керак.

● Сув муолажалари ҳам қон босимини меърида сақлашда яхши ёрдам беради.

Лола АҲМЕДОВА
тайёрлади.

Эргаш, Усен, Азим ва Дилмуродга ўғрилиқ азалдан одат деган фикрдан йироқмиз. Аммо бу тўрт шоввоз енг шимариб, ҳалол ишга қўл урганларида ҳозиргидек темир панжара ортида тавбаларига таяниб ўтирмаган бўлардилар.

— Даврон акани мен ўлдирмадим, — деди Эргаш Аҳмедов терговда ўзини оқламоқчи бўлиб. — Шунчаки шерикларимга қўшнимнинг ҳовли-жой тузилишини чизиб берганман, холос.

Дарҳақиқат, қолган ишда Эргашнинг қўли йўқ. Чунки Усен Акрамов билан Азим Неъматжоновга у чизиб берган тархнинг ўзи кифоя қилган. Улар ана шу чизмага қараб иш қилишган. Лекин орада яна бир муаммо бор эди. Яъни, мол-мулк ўмарилиши кўзланган ҳовлида ит боқиларди. Уни йўқ қилиш ҳам

Эргашнинг зиммасига юкланди. Сабаби, у анча йиллардан бери жонивор боқилаётган хонадон эгаси Карим Давроновнинг «Кумрихона ая» фермер хўжалигида ишчи бўлиб ишлар, шу важдан уникага тез-тез кириб турарди.

Хуллас, Эргаш Аҳмедов мазкур мушкулотга қўл урмасдан бурун итнинг ўзи бу хонадонни тарк этди. Боиси, содиқ маълумнинг бежаври суйкалишлари хожасига ёқмай қолиб, итни яқин қариндошига бериб юборди. Эргаш эса мазкур «хушхабар»ни зудлик билан ҳамтовоқларига етказди.

— Бу хабардан кейин иш бошласак ҳам бўларди. Лекин янада бежавтирроқ бўлиш учун Карим ака билан бирга яшовчи ўғли Жаҳонгир Давроновни уйда бўлмайдиган вақтини кутишга аҳд қилдик, — дейди Усен Акрамов тергов чоғида. — Чунки Эргашнинг айтишича, Жаҳонгир Андижонга ўқишга кетиши, ҳовлида унинг ота-онасигина қолиши керак эди.

Эргашнинг эндиги ташвиши Жаҳонгирни ўқишга кетишини пойлаш бўлиб қолди. Шу кезларда «Жаҳонгир бугун-эрта Литвага «Форд» машинаси олиб келиш учун жўнариш» деган гапни эшитиб қолди. Табиийки, мазкур хабар ҳам ҳамтовоқлар учрашувида муҳокама қилинди.

— Демак, Жаҳон Литвага кетадиган бўлса, отаси сейфида сақлаётган пулларни ҳам ўзи билан олиб кетади. У ҳолда...

— У ҳолда режамиз барбод бўлади.

— Сенинг-ча, нима қилиш керак?

— Ишни тезлатиш зарур!

Иш ростдан ҳам шу куни тунда тезлашиб кетди. Туннинг

сокинлиги осудаликдан дарак берарди. Фақат Норин дарёсининг шовуллаши, итларнинг аҳён-аҳёнда хотиржам ҳуриши ва катта йўлдан физиллаб ўтаётган машинанинг товуши осудаликка раҳна соларди. Бу пайтда Учқўрғон шаҳрида яшовчи Усен билан Азим қўлда қурол билан кетиб боришарди. Улар туманнинг Ҳамза қишлоғига етиб боргач, анчадан буён тархи ўрганилавериш ёд бўлиб кетган уйнинг олдида тўхташди. Бу томон мустақкам бўлгани учун ичкарига киришни хаёлга келтирмасам ҳам бўларди.

Давроновнинг ўнгу сўлига аёвсиз санча бошлади. Даврон ака олган жароҳати туфайли бу дунёдан кўз юмди.

Усен марҳумнинг уст-бошини титкилаб, 100 АҚШ доллари ва яна бир қанча қирғиз сомини олди. Кейин терговни чалғитиш учун марҳумнинг шими билан қўл-бармоқ излари қолиши мумкин бўлган жойларни артиб чиқди. Шкафдан топган бир уюм қоғозларни қўлтиққа ураётганида:

— Буларни бошинга урасанми? — сўради Азим.

— Биздан шубҳаланмасликларичун, — тўнғиллади бунга жавобан Усен. — Эртага ҳужжатлар йўқолганини билишса, кўпроқ бу қоғозлар кимга кераклиги ҳақида бош қотиришади.

Улар тонгга яқин қонга ботиб, Карим аканинг уйдан чиқиши. Кета туриб қўл-оёқ боғлаш учун ишлатилиши кўзда тутилган тўртта чилвир, скотч ва қотилларга қўл келган икки пичокни йўқ қилишди. Шу билан бирга қўл-бармоқ излари артилган шим, шкафдан олинган бир уюм ҳужжатлар ҳам Катта Фарғона канали томонга равона бўлди.

— Аслида Карим акани ўлдирмоқчи эмасдик, — деди Азим Неъматжонов терговга кўрсатма бераркан. — Бизга пул керак эди. Эргашнинг айтишича, Карим Давронов уйдаги сейфда 60-70 минг АҚШ доллари сақлар экан. Биз у кишини Учқўрғон шаҳар мол бозорининг бозорқўми бўлиб ишлашини билганимиз учун бу гапга ишондик.

Шоир айтганидек, тоғдан тушган бўрида ва босқинчи ўғрида эзгу мақсад бўлмайди. Бироқ Дилмурод Нишонбоевич? Унинг мақсади нима эди?

— Менинг бу ишга дахлим йўқ. — деди у. Лекин яқин дўстларининг фарз мақсадидан хабардор бўлишига қарамай, оғзига кулф уриб юрганининг ўзиёқ жиноят аломатларидан бири эканлигини кеч англаб, пушаймон бўлди. Зотан, тергов поёнига етгач, суд унга ҳам ўртоқлари қаторида ҳукм ўқиди. Гуруҳнинг ҳеч бир аъзоси жазосиз қолмади.

Фурқат МАМАЖОНОВ,
майор.

Саидолим АБДУРАҲМОНОВ,
журналист.

ЎҒРИЛДА

ЭЗГУ МАҚСАД БЎЛМАЙДИ

Улар бироз ақлни пешлаб олгач, режа бўйича ҳовлининг орқа томонига ўтишди. Бироқ у ерга ҳам ҳашаматли темир дарвоза қурилган бўлиб, ичкарига киришининг имкони йўқ эди. Шу боис, қўшнингнинг пастқам деворидан унинг ҳовлисига, сўнгра девор яқинидаги ёнғоқ дарахти орқали Карим аканикига ўтишди.

— «Нексия» шу ерда экан, демак, бозорқўмининг ўзи ҳам уйда, — шивирлади Усен.

— Кел, юкхонасини очамиз!

— Йўқ, бўлмайди.

— Нега?! Ахир Эргаш айтди-ку, у ерда анча-мунча пул бор, деб.

— Машинага сигнализация ўрнатилган бўлиши мумкин.

Икки шарпа дарвоза яқинидаги уйдан келаётган хуррак овозига қулоқ тутиб, жим қолишди. Кейин ўша уйга киришди. Хона қоронғу эди. Шу боис, Азим ухлаб ётган Карим аканинг оёғини босиб олди. Уйғониб кетган хонадон соҳиби саросимага тушиб бақирди: «Кимсан?» Аммо шарпаларнинг бири саволга жавоб бериш ўрнига Карим аканинг елкасидан босди. Иккинчиси эса унинг оғзини ёпди. Лекин табиатан қайсар Карим Давронов босқинчилардан тап тортмай, Азимнинг қўлини тишлаб олди.

Қутуриб кетган босқинчи жон аччиғида ўнг қўлидаги пичокни Карим аканинг бўйнига тиради. Тиг бўйинини кесишдан аввал, уни тутиб турган Усеннинг қўлига ҳам шикаст етказди. Энди қутуриш балоси Усенга ўтди. У ёнида бўлган автоматнинг штик пичоғини Карим

Улар бироз ақлни пешлаб олгач, режа бўйича ҳовлининг орқа томонига ўтишди. Бироқ у ерга ҳам ҳашаматли темир дарвоза қурилган бўлиб, ичкарига киришининг имкони йўқ эди. Шу боис, қўшнингнинг пастқам деворидан унинг ҳовлисига, сўнгра девор яқинидаги ёнғоқ дарахти орқали Карим аканикига ўтишди.

— «Нексия» шу ерда экан, демак, бозорқўмининг ўзи ҳам уйда, — шивирлади Усен.

— Кел, юкхонасини очамиз!

— Йўқ, бўлмайди.

— Нега?! Ахир Эргаш айтди-ку, у ерда анча-мунча пул бор, деб.

— Машинага сигнализация ўрнатилган бўлиши мумкин.

Икки шарпа дарвоза яқинидаги уйдан келаётган хуррак овозига қулоқ тутиб, жим қолишди. Кейин ўша уйга киришди. Хона қоронғу эди. Шу боис, Азим ухлаб ётган Карим аканинг оёғини босиб олди. Уйғониб кетган хонадон соҳиби саросимага тушиб бақирди: «Кимсан?» Аммо шарпаларнинг бири саволга жавоб бериш ўрнига Карим аканинг елкасидан босди. Иккинчиси эса унинг оғзини ёпди. Лекин табиатан қайсар Карим Давронов босқинчилардан тап тортмай, Азимнинг қўлини тишлаб олди.


Қутуриб кетган босқинчи жон аччиғида ўнг қўлидаги пичокни Карим аканинг бўйнига тиради. Тиг бўйинини кесишдан аввал, уни тутиб турган Усеннинг қўлига ҳам шикаст етказди. Энди қутуриш балоси Усенга ўтди. У ёнида бўлган автоматнинг штик пичоғини Карим

ҚИДИРИЛМОҚДА

Самарқанд вилояти Каттақўрғон тумани ИИБ томонидан қуйидаги шахслар жиноят содир этиб, терговдан қочиб юргани учун қидирилмоқда.

Мансур Шониёзович ТУРСУНОВ. 1966 йилда туғилган. Каттақўрғон тумани, Қумоқ қишлоғида яшаган.

Белгилари: бўйи 170-175 см, сочи, қош-кўзлари қора, қиррабурун, лаблари қалин, юзи чўзинчоқ.
Алоҳида белгиси: бўйинининг ўнг орқа томонида сепкилга ўхшаш майда доғчалар бор.



Саидмурод Файзиевич ҚУРБОНОВ. 1965 йилда туғилган. Каттақўрғон тумани, Мойбулоқ қишлоғида яшаган.

Белгилари: бўйи 165-170 см, сочи, кўзи, қошлари қора, ёйсимон, лаблари қалин, бодомқовоқ.



Маҳкам Файзиевич ҚУРБОНОВ. 1966 йилда туғилган. Каттақўрғон тумани, Мойбулоқ қишлоғида яшаган.

Белгилари: бўйи 165-170 см, сочи, қош-кўзлари қора, лаблари қалин, қошлари ёйсимон ва қалин.



Ҳаким Қобилович МИРХОДИЕВ. 1965 йилда туғилган. Каттақўрғон тумани Таварон қишлоғида яшаган.

Белгилари: бўйи 170-175 см, ўрта гавдали, сочи, кўзи қора, лаблари қалин, юзи чўзинчоқ, қошлари қалин, ёйсимон.



Ғайрат Ҳамидуллаевич АЛЛАЕВ. 1976 йилда туғилган. Каттақўрғон тумани Янгиравот қишлоғида яшаган.

Белгилари: бўйи 170-175 см, озгин гавдали, сочи, қош-кўзлари қора, юзи чўзикроқ.



Эшниёз Абдуқаюмович ҚУЛЖОНОВ. 1965 йилда туғилган. Каттақўрғон тумани, Жизмон қишлоғида яшаган.

Белгилари: бўйи 165-170 см, соч-қошлари сарғимтир, юзи юма-лоқ.



Низомиддин Зайниддинович МЎМИНОВ. 1968 йилда туғилган. Каттақўрғон тумани, Учработ қишлоғида яшаган.

Белгилари: бўйи 170-175 см, озгин гавдали, сочи, қош-кўзлари сарғиш қорамтир, юзи чўзинчоқ.



Абдурахим МЕЙЛИЕВ. 1958 йилда туғилган. Каттақўрғон шаҳар, О. Мерий кўчаси, 171-уйда яшаган.

Белгилари: бўйи 170 см, ўрта гавдали, соч-қошлари қора, кўзи қисик.

Юқорида номлари зикр этилган шахсларни кўрган ёки қаердалигини билганлардан яқин орадаги ички ишлар бўлимига ёхуд Каттақўрғон тумани ИИБга хабар беришларини сўраймиз.

БЕДАРАК ЙЎҚОЛГАН

Самарқанд вилояти, Каттақўрғон тумани ИИБ томонидан 1971 йилда туғилган Улуғбек Маҳмудович БЎРИБОЕВ қидирилмоқда. Каттақўрғон тумани Бешкент қишлоғида яшаган. 2001 йил 10 июнь куни уйдан чиқиб кетиб, келмаган.

Белгилари: бўйи 170-175 см, ўрта гавдали, соч, қош-кўзлари қора, юзи юма-лоқ, мўйлов қўйган бўлиши мумкин.

Алоҳида белгиси: чап билагада ярим ой ва кичик беш юлдуз суратли татиуровка бор.

У. Бўрибоевни кўрган ёки қаердалигини билганлардан яқин орадаги ички ишлар бўлимига ёхуд Каттақўрғон тумани ИИБга хабар беришларини сўраймиз.



ЎТГАНЛАРНИНГ ОХИРАТИ ОБОД БЎЛСИН

Ўзбекистон Республикаси ИИБ Ёнғин хавфсизлиги Бош бошқармаси раҳбарияти ва шахсий таркиби Хоразм вилояти ИИБ ЁХБ бошлиғининг ўринбосари, подполковник Ҳ. Хамзинга онаси

ГАВҲАР аянинг
вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия билдирадидилар.

Хоразм вилояти ИИБ раҳбарияти ва шахсий таркиби вилоят ИИБ ёнғин хавфсизлиги бошқармаси бошлиғи ўринбосари, подполковник Ҳ. Хамзинга онаси

ГАВҲАР аянинг
вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия билдирадидилар.

МАРҲУМЛАРНИНГ ЯҚИНЛАРИГА АЛЛОҲ САБР БЕРСИН



Соғинч — қанот, учгандан учиб,
Болаликка қайтгиси келар.
Ўша «юмшоқвой»ни қучиб,
Сирин унга айтгиси келар...

Газетамиз саҳифаларида реклама ёки эълон беришни истайсизми?
Марҳамат!
Мурожаат
учун телефонлар: **139-73-88**
139-75-37
Бизнинг электрон манзилимиз: **urmvd@globalnet.uz**

КИТОБ ЖАВОНИНГИЗГА

«30 йил эл осойишталиги йўлида»

Тошкент вилоятининг Тошкент тумани ташкил этилганига ўттиз йилдан ошди. Туман аҳолиси пойтахтликларни сабзавот, полиз, боғдорчилик, чорвачилик маҳсулотлари билан таъминлаб келаяпти. Туман ички ишлар бўлими ходимлари ўтган йиллар давомида ҳудудда тинчлик, осойишталикни сақлаш, жиноятчиликнинг олдини олиш, унга қарши курашда ибратли ишларни амалга оширяптилар. Ушбу ички ишлар идораси республикада малакали кадрлар тайёрлаш масканларидан бири саналади. Унда хизмат қилган қатор ходимлар вилоят, республика ички ишлар идораларида фаолият кўрсатдилар.

Яқинда туман ИИБ раҳбариятининг ташаббуси билан туман ИИБ фахрийлар кенгаши раиси, истеъфодаги подполковник Азимжон Даминовнинг саъй-ҳаракати билан жамоанинг ўтган ўттиз йиллик фаолиятига бағишланган китоб тайёрланиб, чоп этилди. У «30 йил эл осойишталиги йўлида» деб номланган бўлиб, рисолада туман ички ишлар бўлимида ишлаган, ишлаётган ходимлар ҳамда фахрийларнинг ҳаёт йўллари қизиқарли ҳикоя қилинган.

Рустам САГАТОВ.



Белгиланган хонадан соат мили йўналишида: 1. Ҳуқуқий ҳужжатларни тасдиқловчи лавозимли шахс. 3. Адвокатнинг «рақиби». 5. АҚШ ғарбидаги штат. 7. Маълум бир ишни бажарувчи қурилма. 12. Учиш аппаратлари мажмуи. 14. Спирт. 16. Кўча ҳаракатининг электр назоратчиси. 18. Кимёвий элементнинг кислород билан бирикмаси. 23. Кўк тусли маъдан. 25. Алоқа техникаси. 27. Баъзи Лотин Америкаси мамла-

КРОССВОРД

катларида парламент. 29. Ўтга чидамли модда.
ЭНИГА: 2. Авто русуми. 4. Бахт, толе. 6. Сўзда туриш. 13. Шод, мамнун. 15. Ўз аҳдпаймонини муқаддас тутиш, садоқат. 17. Тоқ рақам. 24. Ҳафта куни. 26. Ёритилганлик даражасининг ўлчов бирлиги. 28. Мусиқа ёзуви.
БЎЙИГА: 8. Италия футбол жамоаси. 9. Сайёра. 10. Транспортнинг йўналиш бўйича бир қатнови. 11. Мактуб, хат. 19. Сўз туркуми. 20. Газ модда. 21. Россия федерациясидаги вилоят. 22. Шамсия йили ҳисобидаги ўн биринчи ой.

ЮРИДИК АТАМАЛАР ИЗОҲИ

ВАЗИРЛИК — Ўзбекистон Республикасида алоҳида тармоқ ва соҳаларни бошқарувчи марказий идора органларидир. Масалан, ички ишлар — Ички ишлар вазирлиги томонидан, соғлиқни сақлаш — Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан идора этилади. Вазирликни вазир бошқаради.

ВАКИЛЛИК — бирор-бир орган ёки ташкилотда маълум жамоа ёки гуруҳ номидан иш юритиш.

ВАКИЛЛИК ДЕМОКРАТИЯСИ — давлатни бошқаришда, давлат ва жамоат ишларида фуқароларнинг вакиллари ор-

қали иштирок этишидир. Вакиллик демократиясининг ёрқин ифодаси халқ депутатлари бўлиб, улар сайловчиларнинг вакилидир. Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳам халқ вакилидир.


ВАКИЛЛИК ҲОКИМИЯТИ — ҳокимиятни амалга оширишнинг бир тури. Вакиллик ҳокимиятини мамлакатимизда Олий Мажлис ва халқ депутатлари вилоят, туман, шаҳар кенгашлари амалга оширади.

ВАКОЛАТ — бир шахсга, яъни вакилга бошқа шахс (ваколат берувчи) номидан ва унинг манфаатини кўзлаб, би-

тим тузиш ва бошқа хатти-ҳаракатлар қилиш учун берилган ҳуқуқдир. Ваколат ёзма ваколатномага асосланади ёки тўғридан-тўғри қонунда кўзда тутилди ёхуд маъмурий акт билан белгиланади. Вакил унга берилган ваколат доирасидан чиқмаслиги зарур.

ВАСИЙ — муомалага лаёқатсиз шахслар номидан ҳаракат қиладиган, ҳуқуқий муносабатларга кириша оладиган, улар учун ҳуқуқ ва мажбуриятлар туғдирадиган васийлик органи томонидан тайинланган шахсдир. Васий муомалага лаёқатсиз шахсларнинг ҳаракати учун жавобгар ҳисобланади.

(Давоми бор).



КРИПТОГРАММА

Оққич сўзлар: 1. Пайт, субҳидам — 1,7,3,15.
2. Философия фани олими. — 13,2,16,5,2,10,12,13.
3. Маълум ҳудудга хос об-ҳаво — 4,6,5,4,8.
4. Пахта ўсимлиги тупи — 11,9,14,2.
Оққич жавоблари асосида шакл атрофи ва ўрта қисмидаги рақамларда яширилган криптограммани ҳал қилсангиз, шарқда Луқмони Ҳаким номи билан танилган алломанинг азиз фарзандига ёзиб қолдирган юз насихатидан учтасини билиб оласиз.

Фозилжон ОРИПОВ тузди.

Газетамизнинг азиз мухлислари!
Газетамизнинг янада мазмунли ва ранг-баранг чиқишида сизнинг фикрларингизни билиш ниятидамыз. Таклифларингиз бўлса, марҳамат, бизга кўнгироқ қилинг!
Телефон: (371) 139-73-88
Ҳафтанинг шанба ва якшанба кунлари эса кўйидаги телефон орқали мурожаат қилишингиз мумкин:
(371) 139-70-40
Соат 9.00дан 21.00гача

ЎЗБЕКISTON RESPUBLIKASI IIV BIRLASHGAN TAHRIRIYATI

Bosh muharrir
Aziz ERNAZAROV

Bosh muharrir o'rinbosari
Murod TILLAYEV
Mas'ul kotib Erkin SATTOROV

Navbatchi: Qobiljon Shokirov
Sahifalovchilar: Zokir Boltayev
Nikita Slavgorodskiy
Matn ko'chiruvchi: Gulnora Sodiqova

Ko'chirib bosishda «Postda» dan olinganligini ko'rsatish shart. Muallifning mulohazasi tahririyat fikriga mos tushmasligi mumkin. Maqolada keltirilgan misollar, raqamlar, ma'lumotlarning aniqligi uchun mualliflar javobgardirlar. Qo'lyozmalar tahlil qilinmaydi va qaytarilmaydi.

Gazeta haftaning shanba kunlari chiqadi.
Kelgusi sonda uchrashguncha xayrl

MANZILIMIZ:
700029, Toshkent,
Yunus Rajabiy ko'chasi, 1

TELEFONLAR:
Bosh muharrir o'rinbosari 132-24-60;
Kotibiyat 139-73-88. Faks 132-05-51
E-mail: urmvd@globalnet.uz

Tahririyat hisob raqami
20210000700447980001, MFO
00421. «Ipak yo'li» aksiyadorlik
investitsiyaviy tijorat bankining
Mirzo Ulug'bek bo'limi.

«O'zbekiston» nashriyot-
matbaa ijodiy uyi
bosmaxonasida chop etildi.
Korxonaning manzili: Alisher
Navoiy ko'chasi 30-uy.

Gazeta O'zbekiston Matbuot va Axborot agentligida 2003 yil 24 noyabrda 007 raqam bilan ro'yxatga olingan. Buyurtma J-2330. Bosilish - ofset usulida. Hajmi - 6 bosma taboq. 55896 nusxada chop etildi. Obuna raqamlari: Yakka tartibda - 180. Tashkilotlar uchun - 366. Bosishga topshirish vaqti - 23.00. Bosishga topshirildi - 23.00. Internet va xorijiy matbuot vositalari asosida tayyorlandi.